


Одиг йұрудов

ПЬЕСАЛАР


44839



16151

М1 281

96



УзССР ДАВЛЯТ БАДИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ - 1958

KATALOG



mp

ЧИН МУҲАББАТ

3 ПАРДА, 5 КЎРИНИШЛИ ПЬЕСА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Олимжон — 25 ёшларда
Муқаддас — 23 ёшларда
Собир — 50—5 ёшларда
Қумри — 50 ёшларда
Комил — 50—55 ёшларда
Нематжон — 25 ёшларда
Малика — 48—50 ёшларда
Раҳбар — 45—50 ёшларда
Рустам — 24 ёшларда
Зулфия — 20 ёшларда
Шерали — 40 ёшларда
Рахимжон — 26—28 ёшларда
Халима — 60 ёшларда
Хатташувчи.
Кизлар, Йигитлар.

БИРИНЧИ ПАРДА БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Яхшигина безатилган кенг хона. Хонанинг иккала томонида ҳам зник. Қаршидаги катта очик деразадан боф күринади. Уйнинг ўртасида бир-бирига бириткириб қўйилган бир неча стол. Столга мева тўла патнуслар қўйилган. Парда очилганда Уста Комил Собир аканинг соқолини олиб бўлиб, юзига атир сепмоқда.

Собир ака. Пу-пуф-пуф... бай-бай-бай,
жаннатнинг ҳиди келади-я, бола-чақангизнинг
роҳатини кўринг, уста.

Комил. Аммо ўзингиз ҳам ўн саккиз яшар
йигитдек бўлдингиз-да, лаббай?

Собир ака. Устаси фаранг-да, устаси!
Қани хизматларида... (*Кўрпача ёзади.*)

Комил. Баҳузур, қадрдон, баҳузур, бугун
меҳмонларни кутинг, чой бўлса ичдик.

Собир ака. Чой тайёр, уста, хизматла-
рида, хафа қиласиз...

Комил. Хўп, хўп, бир пиёла ичсак ичай-
лик, аммо кўрпачага овора бўлманг, бизлар
маданий одам... Неъматжонингиз мактаби
олийни битиргандан бери жуда маданийла-
шиб қолдик, қадрдон! (*Столларни кўрса-
тиб.* Мана, сиз ҳам маданий бўлиб қолиб-
сиз...)

Собир ака. Тұғри, уста, қизингиз агроном бүлгандан кейин, сиз ҳам маданий бүлмасанғиз бўлмас экан-да.

Комил. Балли қадрдон, ҳозир ҳамма ҳам маданий. Аммо, лекин сиз билан биз жуда бошқача бўлишимиз керак-да, нега-ки, фарзандларимиз, алҳамдилло, илми ҳикматнинг тагига етган.

Деразадан Қумри хола инг боши кўринади.

Қумри. Ҳой, дадаси, бир нафас бу ёққа қараб кетинг.

Собир ака Шошма, аяси.

Қумри. Товба қилдим! Шу ўртага соқолингизни тиқилинч қилмасанғиз бир нарса бўлармиди?

Собир ака. Сўзингни қара-я! Қизимиз меҳмон чақиргандан кейин биз ҳам ўзимизни ремонтдан чиқарайлик-да.

Қумри. Меҳмонлар овқат емасдан сиёзниң ремонт қилинган соқолингизга қараб ўтирап экан-да! Ҳали катта қозон йўқ, ё катта самовар! Қизингиз бўлса далада, сиз бўлсанғиз соқол-мўйловингизни тараш билан оворасиз. Мен бир ўзим ўламанми? (*Кетади.*)

Комил. Э-э... Айтмайсизми, уйда бўш турган катта самоварни кўтариб келмайманми, қадрдон?

Собир ака. Зиёни йўқ, бўш бўлса ҳали-ям бориб кела қоламиз... Қани, хизматларида пиёлани чўзинг...

Комил. Йўқ, йўқ, йўқ, раҳмат қадрдон.

Муқадда с киради.

Муқаддас. Салом!

Комил. Ваалайкүм ассалом, кўп яшанг,
қизим! Балли, балли, ўқиши тамомлаб, аг-
роном ҳам бўлиб олдингиз? Балли, қизим!

Собир ака. Аянг бир ўзи жуда ўрали-
шиб қолди-ю, қизим!

Муқаддас. Ҳозир ёрдамлашиб юбораман,
дада. (*Чап томондаги эшикка киради.*)

Собир ака. Ичмадилар-да, уста.

Комил. Раҳмат, раҳмат, энди самоварга
бировни юборадиларми, қадрдон?

Собир ака. Ўэим бориб кела қоламан-да,
хизматларида.., (*Чойнакни олиб чиқади.*)

Комил. Аммо, худо қадрдонга мол-дунё-
дан бўлмаса ҳам қиздан берибди-да! Бай-бай-
бай, худди биз келин қиласиган қиз бўп-
ти-я!. (*Чиқади.*)

Ташқаридан овоз. Салом, холажон!
Муқаддас уйдами?

Қумрининг овози. Уйда, айланай, ки-
равер.

Уйга Шерали киради.

Шерали. Омонмисиз, синглим? (*Ерга
ўтиради.*)

Муқаддас. Келинг, Шер ака! Стулга
ўтиринг.

Шерали. Раҳмат, столда хўп ўтирилик.
Битта илтимос билан келдим, жон синглим,
аммо йўқ десангиз турган жойимда қулаб
тушаман!

Муқаддас. Қанақа илтимос, Шер ака?

Шерали. Илтимос шуки, мени помбух-
ликдан озод қилиб, шу бугун далага юбора-
сиз!

Муқаддас. Нега энди?

Шерали. Негаки ўша олифта билан ишлашни истамайман!

Муқаддас. Қайси олифта билан?

Шерали. Ўша бош бухгалтерингизни айтаман-да, жон синглим!.. Олифталарни кўп кўрганмиз-у, аммо бунақасини учратмаган эдик! Тавбал Ҳамма ишни бўйнимизга юклаб ҳўкиздек ишлатса-ю, яна раҳмат демасдан дўқ қилса! Яна қанақа дўқ денг: идорадан бўшатиб, далага ҳайдармиш! (*Келади.*) У ахмоқ билмайдики, шу ишни мен ўн йилдан бери орзу қиласман! Ҳа, жон синглим, Муҳаммад Амин Муқимий: „Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сенладир“, деганлариdek, менинг жиссими идорада бўлса ҳам, юрагим далада!..

Муқаддас. Бўлмаса Раҳбар опамлар келишисин, Шер ака!

Шерали. Жоним кекиртагимда турганда бунақа деманг, жон синглим!.. Далага ҳайдайман дейди-я, тентак!

Муқаддас. Ҳайронман, далага чиққанда нима иш қиласиз?

Шерали. Шундай иш берингки, жон синглим, обрў олай, первой бўлай!

Муқаддас. Обрў оламан десаигиз, пахтада ишлашингиз керак, лекин пахта сизга тўғри келармикин?

Шерали. Э, э... Сиз бизни билмас экансиз, жон синглим! Энди гапнинг очиги: бошда биз онадан чала туғилган эканмиз. Ўшанда бувим раҳматлик бизни пахтага ўраб бувамнинг қалпоғига солиб, шипга осиб қўйган экан. Кўз очиб пахтани кўрганман, пахтанинг ичидаги одам бўлганман, кимсан_ Арслоншер

бўлиб, гуриллаб юрган эдиг-у, идорада ишлайман, деб кундан-кунга озиб-тўзиб кетяпмиз. Шу аҳволда кетаверсак бир йил ўтмасданоқ яна ўша бувамнинг қалпоғига кириб кетадиганга ўхшаймиз!..

Муқаддас (*кулиб*). Қайси бригадани хоҳлайсиз?

Шерали. Иложи бўлса Олимжон бригадасига, жон синглим! Кўпдан бери сезиб юрибман: у азамат янги сорт пахта етиштираман деб хўп ишлайти-ю, аммо унга ёрдам қиласидиган одам йўқ!

Муқаддас. Хўп, Шер ака, бўлмаса эртадан бошлаб ишга чиқаверинг, Раҳбар опам келсалар ўзим гаплашаман!

Шерали. Раҳмат, синглим, кўп яшанг!

Муқаддас. Ўтилинг, Шер ака, кичкина йиғинимиз бор, меҳмон бўласиз...

Шерали. Хўп, синглим, сиз йиғин қилсангиз, қамич белимида... (*Кетаётуб чўтни аўзади.*) Бу биздан ҳадя, синглим!

Муқаддас. Мен буни нима қиласман, Шер ака?

Шерали. Ўзингиз биласиз, жон синглим, биз энди кетмончи булдик! Сиз бу чўт билан қанча центнер пахта олганимизни ҳисоблаб юрасиз! Аммо ўша йигитга ўзимни бир кўрсатмасам бувамнинг қалпоғига қайта кириб кетганим бўлсин! (*Чиқади.*)

Муқаддас ичкарига кириб кетади, хонага Зулфия киради, қўшиқ айтганича столдаги нарсаларни тузата бошлайди.

„Жон қизлар, жонон қизлар...“

Бир сават нон кўтариб Қумри хола киради. У ҳам ниҳоятда хурсанд. Зулфияга жўр бўлади.

Далаларни яшнатган, яшнатган...

Қумри. Құшнимни ҳам айтган әдим, нега кирмади, болам?

Зулфия. Аям укам билан оворалар, ухлатиб кирадилар.

Қумри. Буларни ҳам тезроқ жой-жойига қўйиб юбор. Бўла қол, айланай, меҳмонлар келиб қолишмасин!

Зулфия. Муқаддас қани?

Қумри. Далани бир айланиб келаман, деб эрталаб кетувди, ҳозир келди! Яхши ҳам сен кириб қолдинг, бўла қол, жонгинам, мен бир патнус узум узиб кирай. (Чиқади.)

Зулфия (*кўзгунинг олдига бориб кийимларини тузатади*). Бундан кўра қора атлас кўйлагимни кийсам яхши бўларди-ю, бироқ уни Неъматжон акам ёқтирмайдилар-да. (Кулади.) Буни фақат сиз учун кийганимни билармикансиз, Неъматжон ака!

Муқаддас киради.

Муқаддас. Билади! (*Пауза.*) Ахир Рустам акамни хафа қилибсан-да! Бироқ бекор бўпти. Яхши йигит: камтар, софдил ... У сени ҳалиям севадиганга ўхшайди. Уйга таклиф қилган әдим, сенларни чақирганимни эшишиб, бормайман деди.

Зулфия. Сиз Неъматжон акамни билмас экансиз! Сиз у ўқиган китобларни бир кўрсангиз, у билан бир суҳбатлашсангиз... Қанақалигини шунда билардингиз... Ҳар куни ёддан қанча-қанча шеърлар ўқиб беради-я?

Муқаддас. Ғуҳгалгердан шоир чиққанини энди эшиждим! Бироқ, Рустам акамнинг

эса дафтари дала, қалами кетмон, шеъри пахта, Зулфия!..

Зулфия. Биламан...

Муқаддас. Тўй қачон?

Зулфия. Кузда.

Муқаддас. Мен бу тўйни Рустам акам билан бўлади, деб ўйлаган эдим, Зулфия.

Зулфия. Қизиқсиз-а, ўзи бир оғиз сўз очмагандан кейин мен унга нима дейман?

Муқаддас (*кулиб*). Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма!.. Юр, қизларни айтиб келамиз.

Чиқадилар.

Ташқаридан Собир аканинг овози эшитилади.

— Хой аяси, самоварни ол!..

Собир ака билан Қумри хола киради.

Собир ака. Уфф... Самовар кўтараман, деб тоза чарчадим. Хўш, хизматингда, дастурхонинг жойидами, аяси!

Қумри. Бундан ортиқ қандай бўлади? Ҳали ҳам озмунча ҳаражат қилмадик!

Собир ака (*патнусларни кўздан кечирап экан*). Э-э... аяси, пешонамдаги яккаюягона қизим, кўзимнинг оқу қораси ўқишни тамомлаб, миллионер колхознинг агрономи бўлиб келса-ю, хизматингда, мен ундан молимни аяйманми?

Қумри. Ўлмаган банда ҳаммасини ҳам кўраверар экан. Энди иш қилиб теглик-жойлик бирорвга узатиб, невара кўрсак.

Собир ака. Шошма, аяси, олдин ҳамма статьяси тўғри келадиган йигит чиқсин! Уна-қа дуч келадиганига берадиган қизим йўқ!

Айтмоқчи, қизинг кимларни чақиради? Йиғин қизимники бўлгани учун „уни чақир, буни чақир“ демадим.

Қумри. Билмасам. Мактабда бирга ўқиган ўртоқларини чақирмоқчи шекилли, ҳайтовур Зулфияхон билан ҳалиги бригадир бола борку, ҳаҳ исми нимайди...

Собир ака. Олимжонни айтасанми?

Қумри. Ҳа, шуларни чақираман деганини эшитгандек бўлувдим.

Собир ака. Шунақами? Ҳали рўйхатни бошига Олимжон ёзилипти-да! Ҳой, аяси, бултур ёзда бир оз миш-миш гап тарқаган эди. Эҳтиёт бўл, хизматингда! У йигитнинг ҳамма статьяси ҳам қизимга тўғри келавермайди, ҳа!

Қумри. Йўқ, дадаси, қизингиз унақа чизган чизигингиздан чиқадиган бола эмас, худога шукур.

Собир ака. Энди эҳтиёт бўл дейман-да, аяси! Ҳўш, хизматингда, қизинг Неъматжонни чақираман демадими?

Қумри. Ростдан у ҳам бор... Кейин ҳалиги, Зўҳрахоннинг ўғли Рустамни айтганини ҳам эшишиб қолувдим.

Собир ака. Қизим кимни чақираман деса ўзи билади, мен фақат ҳалиги Неъматжонни чақирмадимикин, деб хавотирланган эдим. Негаки, хизматингда, у колхозимизнинг бош бухгалтери, ҳар доим ишимиз тушади... Ҳўп майли, аяси, ишқилиб меҳмонлар хурсанд бўлсин.

Қумри. Сиз яна қаёққа кетмоқчисиз?

Собир ака. Бу ерда ёшларнинг ичидаги ўтиришим ярашмас, чойхонага чиқиб, мен

ҳам ўз биродарларим билан бир чақчақлашиб кирай. (*Үнг томондаги эшикдан чиқаёт-тиб Нематжонга түқнашади.*) И, и, и! Келсинлар, келсинлар, хизматларида, ҳой Муқаддас, бормисан? Мәхмөн келди, болам!..

Муқаддас киради.

Муқаддас. Салом, Нематжон ака, келинг. (*Күришади.*)

Нематжон. Раҳмат... Мен жуда шошибман-да, ҳеч ким келмапти-ку!

Муқаддас. Келиб қолишади.

Нематжон (*стулга ўтирап экан*). Сўрасам айб қилмайсиз, Муқаддас, йифинингиз каттами?

Муқаддас. Йўқ шунчаки... Мактабда бирга ўқиган ўзингиздақа беш-олти дўстларни чақирдим. Ростини айтсан, бу йифининг бўлишига дадам сабабчилар. (*Кулади.*) У киши институтни тамомлаб келганимдан жуда хурсандлар!

Нематжон. Фақат дадангиз эмас, ҳаммамиз хурсандмиз, Муқаддас. Бу — қишлоғимиз ҳаётида катта гап.

Муқаддас (*қизаруб кулади*). Сиз ҳам дадамларга ўхшаб жуда мақтаб юбордингиз. (*Деразага бориб.*) Зулфиялар келишмадими, аяжон?

Қумри (*ташқаридан*). Йўқ, болам!

Муқаддас. Нега кечикишди-я!.. Кечира-сиз, Нематжон ака, мен югуриб чиқиб, уларни бошлаб келаман. Зериксангиз... Мана китоблар бор, ёки приёмник қўйинг. (*Чиқади.*)

Нематжон (*деразага бориб, орқасидан қарайди*). Очилган гулдек қиз бўлипти-я?

(Пауза.) Ўзи бўлса агроном! Миллионер колхознинг агрономи... (Пауза.) Киссасида бўлса диплом, қаерга бормасин қўли баланд!.. Тўхта, нега бу қиз менинг ўйимга олдинроқ келмаган? Ахир унинг шу йил институтни тамомлаб келишини билар эдим-ку? (Пауза.) Шундоқ қиз туриб Зулфияга уйланишим қандоғ бўлар экан?

Бир патнус узум кўтариб Қумри хола киради.

Неъматжон. Э, э... холажон, айтмайсиами, ўзим ёрдамлашардим-у?

Қумри. Қўйинг, сиз меҳмонсиз, ўргилай.

Неъматжон. Шундай деб кишини хафа қиласиз-да. Ўз ўғлингизни меҳмон дейсиз-а, холажон! (Патнусни олиб столга қўяди, кейин столдаги нарсаларни кўздан кечириб.) Холажон дейман?

Қумри, Лаббай, айланай?

Неъматжон. Ҳалигидан йўқ экан-да?

Қумри. Қайдан билай, болам, Муқаддас ҳеч нарса демади.

Неъматжон. Унутгандир-да, холажон, мен бориб кела қолай. Чунки усиз барибир ўтириш қизимайди!

Қумри. Билмадим, айланай, пулнинг ҳам тайини йўқ эди..

Неъматжон. Пулдан гап очманг, холажон, у ёғи мана биздан. (Чиқади.)

Қумри. Барака топ, айланай, йигит деган шунаقا мард бўлса. Беш сўм, ўн сўмнинг юзига қарамасал!

Муқаддас киради.

Қумри. Ўртоқларинг келишдими, қизим?

Муқаддас. Зулфия ҳозир бошлаб киради... Неъматжон акам қани, ая?

Қумри. У ҳалиги... Шиша олиб келаман, деб кетди, усиә йигинларинг қизимас эмиш... бўла қол, болам... дастурхонларингни тузата қол.

Муқаддас. Пул бердингизми?

Қумри. Э, э... бухгалтернинг киссаси тўла пул-да, болам!

Муқаддас. Ҳар доим шунаقا қиласиз!

Олимжон киради. Қўлида бир даста гул.

Олимжон. Салом, холажон!

Қумри. Омонмисан, болам. Юқори ўт!
(Секин чиқади.)

Олимжон (гулни бериб). Ҳар ким топганини келтирас, Муқаддас.

Муқаддас. Раҳмат.

Олимжон. Бугун кўринмадингиз. Қаёқларда юрибсиз, Муқаддас?

Муқаддас. Эрта туриб боғларни айландим, далаларни кездим: қишлоқни соғинган эканман! Иссик шаҳардан кейин қишлоғимиз бирам салқин, бирам гўзал кўриняпти!

Олимжон. Ҳайтовур, шаҳарда шунча юриб қишлоқни унутмабсиз!

Муқаддас. Шундай қишлоқни унудиб бўладими? Мен уни ҳамиша соғинар эдим. Ҳатто, баъзан... (Кулади.) Соғинганимдан ўртоқларимга билдирамасдан кечалари кўрпага бурканиб, секин йиғлаб олардим... (Кулишадилар.) Хўш, ишларингиз дурустми? Тажрибалар қалай? Янги сорт чиқай деб қолдими?

Олимжон. Янги сорт ҳали чиқмаса ҳам,

бешийиллик меҳнатим бекор кетмади, катта тажриба ортдирдим, бултур бир ҳафта олдин очилган пахтамиз бу йил ярим ой олдин очилди, деб умид қиляпмиз... лекин ёнимда сиз бўлганда... ахир менинг хаёлимнинг ярми, юрагимнинг ярми сизда эди, Тошкентда эди, Муқаддас!

Муқаддас (кулиб). Мен ҳаммаси десам, фақат ярми экан-да!

Олимжон. Ҳаммаси, Муқаддас, бутун юрагим сизда эди! Сиз келдингиз-у, бурунги ишонч, куч, ирова — ҳаммаси ўзимга қайтди!.. Мен сизни янги сорт билан кутиб олмоқчи эдим, бироқ орзумга етолмадим, ҳозирча фақат гул келтирдим, Муқаддас!..

Муқаддас. Ҳамма кучим, иродам ўзимга қайтди, деяпсиз-у, янги сортни энди чиқарарсиз?

Олимжон. Сиз келдингиз, энди чиқади, эндиги ҳадя янги сорт бўлади.

Муқаддас. Унда мен дунёда энг баҳтли қиз бўлардим.

Шу вақт ташқаридан жарангли кулги овозлари эши-тилади, уйга бир тўп қизлар ашула айтиб кирадилар.

Муқаддасни табриклайдилар.

Дипломлар муборак. Муқаддас!

Сиз ҳам келар экансиз-а!

Колхозчи қиз. Сиз ҳаммадан олдин келибсиз-да, Олимжон ака?

Қумри хола киради.

Қумри. Вой, айланайлар, ҳамманг тўпла-ниб худди бир даста гулдек ярашиб қолдиларинг-а?.. Қизим келди-ю, уйим тўлди-я!

Олинглар, айланайлар, еб-ичинглар!.. Ҳой,
Зулфия, чой қуй... Ҳой Арслоншер, чойинг
қани болам?

Шерали киради.

Шерали. Чой тайёр, холажон!.. (*Олим-
жонни кўриб.*) Э, бригадир ҳам шу ерда
эканлар-да! Ассалому алайкум!..

Раҳбар киради.

Раҳбар. Мумкинми?

Қумри. Кел, бўғинангдан холагинанг
ўргилсин!

Муқаддас. Вой, Раҳбар опа! (*Кучоқла-
ша кетади.*)

Раҳбар. Йўлларингга тикила-тикила
хўзларим турт бўлди-я, Муқаддас? Сен бўл-
санг, ўқишни битириб яна аллақаёқларда ўй-
аб юрибсан!

Муқаддас. Илфор колхозларга саёҳат
қилдик, иш ўргандик, опа!

Раҳбар. Саёҳат ёқипти. Бирам яхши қиз
бўлибсанки, ўғлим бўлганда ўзим келин қи-
тиб ола қолардим! (*Кулги.*)

Олимжон. Биз ўғлингиз эмасмизми, опа-
жон? (*Кулги.*)

Раҳбар. Качон келдинг?

Муқаддас. Уч кун бўлди.

Раҳбар. Мен ҳам бир ҳафтадан бери
ўзаро текширув бригадасида эдим. Район-
дан ҳозир қайтдим. Идорага кирсам, сени
елди дейишиди. Севинганимдан уйга ҳам
ирамасдан тўғри келяпман!

деразанинг оидида Раҳимжон билан унинг звено-
войи курниади.

Райбиблиотека Билим

2 о. Екубо

17

Оғоди М. О. ДАО

Фрунзе ш. № 100. Ташкент

ГБ УАССР
38865
1970

Раҳимжон. Сиз севинсангиз, Муқаддас ҳалитдан акт ёзиб юрипти, опа!

Уйга кирадилар, кўришадилар.

Раҳбар. Қанақа акт?

Раҳимжон. Ҳа, ўша гаплар-да: агротехника қоидалари бузилган, техникадан нотўғри фойдаланилган ва ҳоказо.

Раҳбар (кулиб). Ажаб қиласди! Ўзини шунақа бошдан танитиб қўймаса, кейин сўзига қулоқ солармидиларинг? Биламан сенларни!

Раҳимжон. Шошманг, опажон. Бугун ўзини бизга танитса, эрта сизга ҳам танитиб қўяди!

Вино кўтариб Неъматжон билан яна бир-икки йигит киради, винони столларга қўяди.

Раҳимжон. Үртоқ агроном! Далага мен йўқ вақтда чиқибсиз, эшишиб жуда хафа бўлдим!..

Муқаддас. Шунга-я? Шошманг, ҳали ҳар куни чиқавериб зериктириб юбораман!

Раҳимжон. Сувчиларимни ҳам бекор койибсиз...

Неъматжон. Жон дўстим! Қанча гапирсанг ҳам шу бугун пахтани қўзгама!

Раҳимжон. Биламан сени: пахтанинг нони ёқса ҳам ўзи ёқмайди! Аммо пахта менинг юрагимда ўсади, ҳа!

Шерали. Қойилман, ука!

Неъматжон. Жон дўстим, қадаҳларда кўпириб турган бу олтин вино бунақа гаплар учун олиб келинган эмас, ахир, Муқаддас

учун олиб келинган!.. Қани, опажон, қадаҳни ўзингиз кўтариңг!

Раҳбар. Шунақами? (*Рюмкани олиб ўрнидан туради.*) Мен нима ҳам дейман? (*Ўйланади, кулади.*) Холажон, Муқаддас ўқишга кетаётганда сизни қучоқлаб юм-юм йифлагани эсингиздами?

Қумри. Эсимда, айланай, эсимда. Нима қиласай, мусофирикда катта бўлди. У, у ёқда интизор, мен бу ёқда... (*Йиғлайди.*)

Ҳамма. Ана холос!..

Неъматжон. Шошманг, холажон, олдин оламларнинг гапини эшитайлик, кейин биз ҳам қўшилиб йиғлаймиз?

Раҳбар. Мен нима ҳам дейман? Муқаддас қўлимизда ўсиб катта бўлган қиз. Яхши қиз. Шунинг учунми, ёки бултур ёзда яхши ишлаганини кўрганим учунми, ишқилиб мен уни яхши кўриб қолдим, ундан умидим ҳам катта!.. Колхозимиз ёмон эмас, лекин уни яна ҳам яхши бўлсин деймиз, техникадан дурустроқ фойдаланиб оғир меҳнатни осонлаштирасак деймиз.

Неъматжон. Кассамизга жарақ-жарақ червонлар кўпроқ тушсин деймиз!

Шерали. Кассамизгами, киссамизгами?

Раҳбар (*кулиб*). Сўзимдан ҳам адаштириб юбордиларинг-а. Хуллас, Муқаддаснинг олдида оғир, лекин шарафли иш турипти, тилагимиз шуки, яхши ишлаб обрў ортдирсинг, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлсин, кейин.. (*Муқаддасга қараб кулади.*) Қаранглар, қандай яхши қиз бўлган! Энди яхши меҳнаткаш бир йигитга турмушта чиқиб, ўғилқиз кўрсинг!..

Кулғи, рюмкаларни уриштириб ичадилар.

Құмри (*құзини артиб*). Үмрингдан бара-
ка топ, Раҳбар! Үғил-қыздарингнинг роҳа-
тими күр! Раис булса сендака бўлсин!..
Олинглар, айланайлар, еб-ичинглар, ҳозир
ошни сузаман!.. Ҳой, Арслоншер, сен булар-
га қарамасдан катта-катта олавер, болам.
Бирам озибсан, бирам озибсанки, нақ буванг
раҳматликнинг қалпоғида ётганингда ҳам
бундан тузукроқ эдинг-а, ўғлим!

Раҳимжон (*Неъматжонга*). Қани, оғайни,
яна бир рюмкадан қуй!

Неъматжон. Шошма, бирпас дам олай-
лик, дўстим!

Раҳимжон. Қуяверсанг-чи, ошна, айтадиган гап бор, ахир!

Неъматжон рюмкаларни яна тўлдиради. Раҳимжон ви-
нони қўлига олиб ўрнидан туради.

Ўртоқлар, раисимиз тўгри айтдилар. Агроном — катта гап. Негаки, агроном — бу илм эгаси! Аммо мен ўзим шундай, деб ўйлайман: илм яхши-ю, лекин тажриба — аъло! Пахта — бу боболаримиздан қолган мерос! Мен буни шунинг учун айтаяпманки, ўртоқлар, ичимизда боболаримизнинг қимматли тажрибаларини кўзга илмайдиганлар ҳам бор!

Олимжон. Энди тушундим, дўстим, баҳорда чигитни квадрат-уялаб экмаганингда ўша боболарингга ишонган экансан-да, балли!

Раҳимжон. Ишонганман! Ўзингиз айтаколинг опажон, бултур кузда у ўзининг ква-

драт-уялаб эккан еридан қанча центнердан пахта берди-ю, биз қанча центнердан пахта бердик?

Раҳимжоннинг звеновойи. Шунақа деб қўйинг. Раҳимжон ака!

Раҳбар. Ҳозир бунақа гапларнинг вақти эмас, Раҳимжон, қўй энди!

Раҳимжон. Мумкин бўлса центнерини айта қолинг, жон опа!

Олимжон. Мен йигирма олти центнердан пахта берганимда, сен йигирма саккиз центнердан бергансан! Сен мендан ошириб юборгансан! Ҳўш, яна нима демоқчисан?

Раҳимжон. Менинг бошқа сўзим йўқ, раҳмат, дўстим!

Муқаддас. Бўлмаса менинг сизга битта сўзим бор, Раҳимжон ака.

Раҳимжон. Бизгами? Марҳамат.

Муқаддас. Шу сўзларингиз билан чигитни квадрат-уялаб экишдан кўра эски усулда экишни яхши демоқчимисиз?

Раҳимжон. Буни мен новаторимизнинг ишидан тажриба қилдим!

Олимжон. Бу энди нотўри! Чигитни квадрат-уялаб экиш методи — бу янги, прогрессив метод. У ҳамма ишларни комплекс механизациялашни талаб қиласди. Ҳолбуки бултур биз тажрибасизлик қилдик, техникадан яхши фойдалана олмадик...

Олимжоннинг звеновойи. Бу йилги пахтамизни кўрганмисиз, Раҳимжон ака?

Раҳимжон. Кўриб юрибмиз: бизникидан ортиқ жойи йўқ!..

Неъматжон. Ўртоқлар, ўйин-кулги бўладиган йифинми бу, ёки пахтачиликни ривож-

лантириш ҳақида илмий сессиями? (*Кулғи.*)
Е бошқа вақт қуриб қолдими?

Мұқадdas. Йүқ, буни бошқа вақтга қолдириб бўлмайди. Яхиси ҳозир гаплашамиз...
Бригадангиизда қанча одам ишлаяпти, Раҳимжон ака?

Раҳимжон. Эллик беш одам. Хўш, нима бўпти?

Мұқадdas. Олимжон акамнинг бригадасида эса 30 одам ишламоқда, ҳолбуки, пахта майдонларингиз баравар... Нега шундай? Чунки у ерда ҳамма ишни машина бажармоқда. Янги методнинг афзаллиги бу ёқда, Раҳимжон ака!

Раҳимжон. Хўш, ҳосили-чи?

Мұқадdas. Ҳосили сизницидан ортиқ бўлса бўладики, кам бўлмайди!

Раҳимжон. Унда сиз менинг гўзамни кўрмапсиз!

Мұқадdas. Кўрдим.

Раҳимжон. Яна кўринг!

Мұқадdas. Керак бўлса пахтазорингизда ётиб оламан! Лекин Раҳбар опам сизга чигитни эски усулда экишга рухсат бериб но тўғри иш қилган! Сиз йигирма саккиз центнердан пахта бердим деб гердаясиз, ҳолбуки чигит торқаторлаб экилганда ўттиз-ўттиз беш центнердан ҳосил олиш мумкин эди!

Раҳимжон. Шунақа денг?

Раҳбар. Бўлди! Ким ҳақ, ким ноҳақ — эртага кўрамиз! Ўзим комиссия тузиб бераман!

Раҳимжон. Тузинг! Текширсин! Биз энди гердайиб кетипмиз-да? Сиз энди ҳосилни ўттиз центнерга етказар экансиз-да, отин қиз!

Муқаддас. Сўзимни бурманг, Раҳимжон ака! Бу номардлик бўлади!

Раҳимжон. Хўп. Жўжани кузда санайдилар. Мен мардманми, номардманми ўшанда кўрасиз. Агар сиз ўттиз центнердан ҳосил олсангиз, мен бир рюмка эмас, бир бочка винони кўтармасам Раҳимжон исмимни бошига қўйинг. Аммо ҳозир номард номини олиб бу ерда ўтирумайман!

Чиқади, у билан бирга келганлар ҳам ўринларидан турадилар.

Неъматжон. Э, э... одам деган шунаقا бемаъни бўладими? Шундай ўтиришни бузди-я!

Олимжон. Раҳимжон!

Бир неча йигитлар билан ташқарига чиқадилар. Уларнинг Раҳимжонни чақирган овозлари эшишилади.

Қумри. Вой, шўргинам қурсин... Ўзинг меҳмонга чақириб, тағин ўзинг уришасанми, болам? Уят эмасми? Юрт эшитса нима дейди?

Муқаддас. Мен унга чин кўнглимдан гапирган әдим!

Қумри. Тушунмаган одамга гапириб нима қиласан?

Муқаддас. Мен у билан уришмоқчи әдимми, ая? Ўзи уриш чиқарди-ю?

Раҳбар. Тўғри, айб сенда эмас, бизда! Берган пахтасининг қимматга тушганини ҳисобга олмасдан уни кўкларга кўтарган биз! Сен ҳақсан, бироқ ҳозир шу гапларнинг ўрними? Бу қизларни шунинг учун чақирдингми? Болам, ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор ахир!. Ҳозир эса, хурсандчилик учун келдиларингми, — ўйнаб-кулинглар!

Ташқаридан Шералининг овози. „Бор-э, кирмаса кирмас. Ўсиз ўйин-кулги қиломаймизми? Қани, ука, бўйнигни кўрсат!..”

Ховлидан қарсак овози, кулаги эшитилади.

Раҳбар. Ана, йигитлар түғри қилишди! Қани, ўйинга чиқинглар! Ўйнаб кулинглар!

Ҳамма чиқади, Неъматжон қолади.

Неъматжон. Қизча жуда бало экан-ку! Қанот ёзиши бошқача-я! Бунақа қуш баланд-парвоз бўлади. (Ўйланади.) Бу йил пахта планини бажарсак, мукофотнинг ўзидан ўн минг сўм пул олади, ўн минг сўм нақд пул-а? Киссасида бўлса диплом... Йўқ, бундай қиз туриб Зулфияга ўйланиш кўрлик бўлади!

Зулфия киради.

Зулфия. Юринг, Нъематжон ака, ўйинга чиқамиз! (Ёнига келади.) Үфф... иссиқ, бошим айланаб кетяпти, Нъематжон ака...

Неъматжон. Ўзингизни қўлга олинг, яхши киз! Одамлар кўриб қолади! (Чиқади. Зулфия ҳайрон.)

Парда

Иккинчи кўриниш

Дала. Ўнг томонда Олимжон бригадасининг шийпони. Шийпонининг олдида ва саднанинг чап томонида баланд соядор кайрагоч қад кўтағган. Қайғағочларининг тагида кроверат, стол. Саднанинг ўтасидан катта ағиқ ўтади, ағиқининг орқаси кенг пахтазор. Узоқда боғлар. Пахта оғдан колхозчи қизларининг қўшиқ айтган овозлаји, баъзан унинг салларининг гуриллаши эшитилиб туради... Парда очилаганда Шерали кетмонини зевслаб қўшиқ айтмоқда.

Помбух деган мансабни
Кетмонга алмаштирдим.

Кеңг пахтазор гаштини
Дала қўйнида билдим.
Кеңг пахтазор гаштини
Ариқ бўйида сурдим...

Елкасида кетмон Рустам киради.

Рустам. Бугун ёшуалар вадаванг-ку,
Шер ака!

Шерали. Кўнгил яйраб турса, овоз бул-
маса ҳам булбулдек саёраб юборар экансан,
ука!

Рустам. Тўғри, далага чиққандан бери
анча жир битиб қолди.

Шерали. Жир битиш гапми, ўзимни худ-
ди... паранжидан қутилган дўндиқчадек се-
зяпман, ука!

Күрсича кўтағиб уста Комил киради.

Комил. Ассалому алайкум, йигитлар, хор-
манглар!..

Шерали. Тинчликми ўзи, уста ака, дў-
конни ёпибсиэ?

Комил. Э.э... Мулла Шер, зар қадрини
заргар билади дегандек, раис аёл бўлса сар-
тарошнинг ҳоли хароб экан! Соқол йўқ-да,
соқол! Соқол бўлса-ку, форм қилиб қўйсак
ким яхши, Уста Комил яхши эди. Мана энди
битта соқол, битта сочни қидириб далада тен-
тираб қолдик... (*Стулни кўрсатиб.*) Қани,
Рустамжон!..

Рустам. Келаман ҳам демайсиз уста ака,
эрталаб соқолни қирмасдан ўзингизга сақлаб
қўярдик...

Комил. Қани, мулла Шер...

Шерали. Э.э... соқолга куя тушганини
кўриб туриб куйдирасиз-а, уста ака?

Комил. Ҳали кўсаман денг? Ҳа-ҳа-ҳа...
Оҳ соқол, қадринг ўтиб кўнгилда армон,
кўсаман!
Хафтаи ойнага боққанда ҳайрон кўсаман!

Шерали. Шошманг, уста, шошманг:
Ёш гумон этманг кўриб, афтим соқолим йўқ
учун.
Маллахондан қолган эски, қарри тулки
устаман!..
Хафа бўлмайсиз, уста Комил, ҳазил қилдик,
ҳазил...

Уста чиқади.

Шерали (*орқасидан*). Шу уч тола соқолни қирдириб чекингга қул қўйиб берсам, ким яхши, кўса яхши бўларди-я, қарри тулки!..
Хўш, энди биз сувга бир қараб келсак, сиз сабзи тўғраб тайёр қилиб қўйсангиз, қулинг ўргилсин қилиб бир ош дамласак!

Рустам. Жуда соз, Шер ака!
Шерали. Соз бўлса сабзини готов қилиб қўй, ука! (*Чиқади.*)

Бир томондан Собир ака, иккинчи томондан Қумри хола киради.

Собир ака (*ҳайрон бўлиб*). И! Сени қайси шамол учирив келди, аяси?

Қумри. Мен шунчаки... буларнинг ғўзасини бир кўрай девдим.

Собир ака. Ўзинг ҳам сал кам агроном бўлиб қолибсан!

Рустам. Салом берсак ҳам қарамайсиз, Собир ака, тинчликми ўзи?

Собир ака. Тинчлик қаёқда, саҳардан бери далада юрибмиз! Аммо ўзимиз ҳам қүёшда кавоб бўлдик! Тавба! Булар ҳам одамга ўхшаб битта боқقا жой солдириб, бир чойнак чой билан бир чимдим ош қилдирса нима бўларкин?

Рустам. Энди тарқашдими?

Собир ака. Тарқаш қаёқда! Худди шу пайтда калтакнинг йўғони Олимжоннинг бошида синяпти! Борсанг сен ҳам қуруқ қолмайсан!

Рустам. Қандай калтак? Ким синдиради?

Собир ака (мўйловини бураб). Ким бўларди? Бизнинг қиз-да!

Рустам. Нимага ахир?

Собир ака. Нимага дейди-я? Биринчи қартадаги ғўзангни бу йил сугорганмисан, ўзинг? Худди кўкнори емаган бангига ўхшаб шалпайиб қолипти-ку? Тўхта, ҳой, тентак! (Чиқиб кетган Рустамнинг орқасидан.) Ҳой бола, мени сўраб қолишса, хизматингда, бош оғриги тутиб қолди, деб қўй! Эшитдингми, ҳой! Гипертон, дегин!

Кумри. Нима бало, қизингиз Олимжон билан уришиб қолдими, дадаси?

Собир ака. Уришиш ҳам гапми? Бадтар бўлди! Хизматингда, бир парча ердаги ғўзаси жиндек чанқаган экан, шунақаям гапирдики, ҳамманинг ичидаги Олимжон ҳам лой бўлди-да!

Кумри. Унда иккисини иттифоқ эмиш, деган гаплар ёлғон экан-да, дадаси!

Собир ака. Э-э... У шунчаки, бир гапда, аяси! Қизинг яхши кўрса шундай қиласмиди? Масалан, гапда, мен сени яхши кўра-

Ман, яхши кўрганим учун ҳам уйда ошни дамлаб, супага сувни сепиб, дадаси қачон келар, экан, деб кутиб ўтирганингни кўриб турибман-у, аммо уришмайман, негаки, хизматингда, яхши кўраман.

Кумри. Ҳаммасини тайёр қилиб келганман, дадаси, юра қолинг.

Собир ака. Юр, аяси, сояга кириб бир дам олмасам, жоним кўзимга кўриниб турибди!.. Тезроқ юр, аяси, ҳалигилар келаётганга ўхшайди!.. (*Чиқадилар.*)

Ўнг томондан Раҳбар, Муқаддас, Олимжон, Рустам, Раҳимжон, Шерали ва бошқа колхозчи йигитлар киради.

Раҳимжон (*аччиқ билан гапириб киради*). Менинг отам ҳам, бобом ҳам, бобомнинг бобоси ҳам пахтакор ўтган, лекин ҳеч биридан бунақангги гапни эшитмаган эдик.

Шерали. Бувангни биламиз, ука, ошқовоқни қовун деб пок-покиза туширганини ўз кўзим билан кўрганман!

Раҳимжон. Сиз жим туринг, Шерали, сиздақа йигит менинг бир туп ғўзамнинг тагида бола-чақаси билан чой ичиб салқинлаб кетади! Ҳа! Мен шунақа ғўза ўстирган йигит бўламан!

Олимжон. Аммо бизга ғўзапоя эмас, пахта керак, дўстим!

Раҳимжон. Сенинг янги сорт пахтангдан ғўзапоя ҳам афзал! Сен олдин ўша янги сортни етиштир, кейин гапирасан!

Муқаддас. Жаҳлингиз чиқяпти-ю, бироқ, ишни шу ҳолда давом эттирангиз, чиндан ҳам ғўзапоя оламиз!

Раҳимжон. Нима? Ҳар туп ғўзамда йи-
гирматадан кўсакни санаб келиб ҳам шу
гапни гап деб айтяпсизми? Балли, сиздақа
агрономга.

Муқаддас. Агар шу кўсакларнинг ярми
очилмай қолса-чи?

Раҳимжон. Нега энди очилмас экан?

Муқаддас. Чунки суғориш режими бу-
зилган, ғўза фақат бўйига ўсиб, япроқлари
йириклишиб кетган, энди кеч пишиши тур-
ган гап.

Раҳимжон. Мен гапни чўзиб ўтиришни
ёмон кўраман! Кузда йигирма саккиз цент-
нерни тарозида тортиб олавермайсизми, отин
қиз?

Раҳбар. Бу энди ўжарлик бўлади, Ра-
ҳимжон! Йигит бўлсанг мард бўл! Агротех-
ника қоидаларини буздингми, бўйнингга ол!

Раҳимжон. Ҳали сиз ҳам буларнинг ёни-
ни оляпсизми? Сиз адолатли эдингиз-ку, опа!
Ахир квадрат-уялаб экилган ғўзаси мана бу-
ку! Кўр эмасмиз, кўриб турибмиз! (Муқад-
дасга.) Шу ғўзани менинг ғўзамдан яхши
дедингиз-а? Бўпти! Мен сиздақа агроном би-
лан кузда гаплашаман! Ҳа, агар Олимжондан
кам ҳосил берадиган бўлсам дўппимни ечиб
бераман! (Чиқади.)

Шерали. Унда кузда дўппини янгилаб
қўй, ука!

Раҳимжоннинг звеиновий. Сизга
пахтани ким қўйди, Арслоншер, бориб чў-
тингизни шиқиллатсангиз-чи! (Чиқади.)

Шерали. Пахтанг ҳам бўйингга ўхшаб
ғовлаб кетипти-ю, мақтанасан, ука!

Муқаддас. Шу ҳам гапми? У куни уна-

қа қилди, бугун бундай дейди. Боя Пұлат акам бұлса ғұзани нотұғри озиқлантиргансиз, дегани учун қовоғидан қор ёғди. Ахир менинг ҳам ҳосилни оширишдан бошқа мақсатим йүқ-ку! Нәхотки, шуни тушунмасалар!

Раҳбар. Хұп, бугун кечқурун бригадирлар билан мажлис үтказамиз. Раҳимжон билан әса ўзим алоҳида гаплашаман! Аммо сен агрономсан — сүзингде қаттиқ туришга одатлан! Фақат ғұзани әмас, одамларни ҳам парвариш қилишни ўрган. Айтганингни шундагина қилдира оласан! Бұлмасам танқидга чидаш осонми? Раҳимжон тугул, булар чидамайды танқидга!

Рустам. Раҳимжоннинг гапи танқид әмас, туҳмат!

Шерали. Қип-қизил!

Раҳбар. Тұғри, адолатсиз гап бұлди. Аммо шу гапнинг тағида ҳам бир нарса бор: ишларинг чўзилиб кетди. Тезлатиш керак. Натижа чиқса ишланглар-у, чиқмаса қўйинглар!

Олимжон. Раҳбар опа... Мен сиздан бу сўзни кутмаган эдим! Янги сорт етиштириш осонми?

Раҳбар. Биламан, қийин. Бироқ қийин ишга киришдингми, белингни маҳкамроқ боғла! Бұшашма! Чўққининг тепасига тезроқ етишга интил! Гап шу. Хұп, мен энди кетай... Рустамжон, бир пиёла сув бер...

Рустам. Ҳозир. Бирпас ўтириңг, жуда چарчабсиз, опа...

Раҳбар. Раҳмат, ўғлим, бирпас ўтирсам ўтирай. (*Сув ичиб бўлгач, ҳаммага бир-бир қарайди, кулади.*) Ҳа, нега энди тўйда ош

емаган болалардек аразлаб қолдиларинг?.. Ёшсанлар-да, курашларда, қийинчиликларда чиниқмагансанлар, ўттизинчи йиллардаги қийинчиликларни күрмагансанлар, бу колхознинг қандай оғир шароитларда тузилганини билмайсанлар... қаҳратон қиш эди... Босмачилар, қулоқлар хурож қила бошлиди. Ҳар куни кечаси қишлоқда ўлим, даҳшат... Бизнинг чайламиз худди шу ерда эди. Мен унда ҳали ёш эдим, әrim коммунист эди. Мен ёш боламни бағримга босиб уйда қолардим. Эсласам ҳалигача қалтироқ босади: совуқ, бўронли тун эди. Эрим жуда кечикди. Бир вақт эшик қаттиқ тақиллади. Эримнинг: „Раҳбар! Раҳбар!“ деган овозини эшишиб қолдим. Юрагим „шув“ этди, ўрнимдан қандай турганимни билмайман. Аъзойи баданимни шундай титроқ босдики, эшикни очаман, дейман-у, очолмайман. Ташқарида қандайдир тўполон бўлаётганини сезиб турибман... Ниҳоят эшикни очиб ташқарига чиққанимда, қоронғуликда эримнинг қонга беланган жасадига қоқилиб тушдим... (*Узоқ пауза.*) Болани боқиш керак эди. Белимни маҳкам боғлаб колхозга кирдим. Унда ҳозирги куч, ҳозирги техника қаёқда дейсан? Кетмон билан ер чопиб пахта экдик. Колхозни тузатиб, турмушимизни яхшилай бошлаган эдик — уруш бошланди... Мен ҳам ўз ўғлимни фронтга жўнатдим. Худди отасидек довюрак эди. Кўриб кўзим тўймас эди. Разведкачи эди. Кўп ўтмасданоқ ҳалок бўлди. (*Пауза.*) Хабар келган куни эртасига мени райком чақирди. Кабинетга кирдим-у, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. У киши йиғлаб бўлгунимча инда-

май турди, кейин... мени раислик вазифасига тавсия этмоқчи бўлганини айтди. Мен у кишининг мақсадига тушундим: бошимга тушган оғир кулфатни унтиш учун шу кунларда мен катта ва оғир ишни бошлишим керак эди... Мен розилик бердим. Шундан бери ўн уч йил ўтди. Ўн уч йил раислик қиласман... Буюк мақсад, кишида буюк ирода туғдирали, деган эди Сталин. Олдиларингга катта мақсад қўйибсанлар-у, ўзларинг бўшашиб кетибсанлар!

Олимжон. Бўшашганимиз йўқ, опа!

Рахбар. Бўшашмаган йигит шунаقا бўладими? Ўйин-кулги қани? Тур, Арслоншер, бу ёшларнинг кўнглини ўзинг кўтариб қўй.

Шерали. Яшанг, опа! Аммо насиҳатни ҳам, хурсандчилликни ҳам хўп ўрнига қўясимизда! Раҳмат, опа!

Рахбар. Сенлардан кўра Арслоншер ҳам тузук, далага чиқиб анча тузалиб қолди.

Шерали. Кўнгил яйраса қовурғага ҳам жир битар экан-да, опажон!

Рустам. Қўйинг, сиздақа одамни бир бочка сариёққа бир йил ташлаб қўйса ҳам жир бўтмайди!

Шерали. Сўзингни қара-я! Мана ушлаб кўр!

Рустам ушламоқчи бўлади, Шерали қочади ва кириб келаётган Ҳалима холага тўқнашиб, ундан ҳам қочади.

Шерали. Э, холажонимми, келинг.

Ҳалима. Омонмисанлар? Ўғлим борми?

Олимжон. Келинг, аяжон!

Ҳалима. Вой, эсонмисан, қулуним? (Куҷоқлаб ўлади.) Сен ҳам шу ердамидинг,

Раҳбаржон! (Қўришади.) Уфф... Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, дегандек, укангнинг кўнгли паҳтада бўлди, айланай Раҳбаржон... Бир ҳафта бўптики, лоақал қорасини кўрсатмайди...

Олимжон. Шу бугун бормоқчи эдим, ая. Рост айтаман.

Ҳалима. Қўй, болам, қанча айтмагин, бемеҳр бўлдинг... Мехри бўлса кампир аясининг ҳолидан хабар олмасмиди, Раҳбархон? Ҳеч бўлмаса келин олиб бериб тинчитмасмиди?

Олимжон. Аяжон, бу ёққа қаранг...

Ҳалима. Қўй, болам, аврашингга энди кўнмайман, мана Раҳбархон билан агроном қизимга дардимни айтай... Мен келиндан сўз очсан, дарров ҳазилга айлантириди, Раҳбархон. Аям қариди-ку, демайди. У ҳам келин олиб тўй-томоша кўрсин, неварасини бағрига босиб тинчгина ўтирсин демайди...

Раҳбар. Хафа бўлманг, холажон, агар бу йил ҳам кўнмаса, правлениенинг „уйлансин“ деган қарорини чиқариб берамиз.

Шерали. Агар унга ҳам кўнмаса, масаласини колхознинг умумий мажлисига қўямиз!

Ҳалима. Шундай қилинглар, барака топкурлар... Айтмоқчи қизни ҳам узларинг топиб ўша қарорга тиркай қолинглар, айланайлар.

Олимжон. Шошманг, ая, куз келсин, паҳтани йиғиб-териб олайлик, кейин тўйни бошлаб юборамиз.

Ҳалима. Қайси кузни айтасан, болам? Кузғамини ёз ўйла, ёз ўйламасанг юз ўйла де-

гандар. Кузда тўй қилсак, келинни ҳозир қидирайлик-да, тўғрими, Муқаддасхон? Ё аянга билдириласдан битта-яримтасини топиб қўйдингми, болам?

Олимжон (секин). Ўзингиз бир нарса қилинг, жон опа, менга кўнмайди.

Раҳбар. Юринг, холажон, қизни ўзим топаман, тўйнинг бошида ўзим бўламан, ёрёни ҳам ўзим айтаман...

Ҳалима. Алдамайсизми, Раҳбархон?

Раҳбар. Менга ишонмас экансиз-да, холажон.

Ҳалима. Хўп, Раҳбархон, сизга ишондим, бироқ теззлатинг... Ҳой, болам, кечқурун борасанми? (Чиқади.)

Олимжон (чиқади). Бораман ая, бугун, албатта бораман... (Пауза.)

Олимжон киради. Бирдан қаттиқ кулги кўтарилади.

Рустам (Муқаддасга қараб). Қалдирғоч қора бўлур.

Шерали. Қаноти ола бўлур!.. (Ўйнайди.)

Муқаддас қочиб чиқиб кетади, ашула кучаяди.
Почтальон Жўра киради.

Жўра. Суюнчини чўзинг, Олимжон ака, сизга телеграмма!

Олимжон. Телеграмма? Менинг номимгами? Кимдан?

Жўра. Академиядан! Мана.

Олимжон. Академиядан? (Телеграммани олиб ўқиади.) „Хатингиз билан танишиб чиқдим. Колхоз агрономи билан бирга область пахтакорлар кенгашига тездан етиб келишингизни сўрайман. Академик Фролов“.

Ҳамма ҳайрол.

Олимжон. Рустам, дўстим, Муқаддасни чақир!.. Йўқ, тўхта, ўзим йўлдан олиб кетаман!.. (*Костюмини кияди.*)

Ҳамма. Академиядан... Нега чақирипти?.. Нега?

Олимжон. Рустам, дўстим, бригадани ўзингга топширдим!.. Шер ака, сиз сувга яхши қаранг! Хўп, хайр, ўртоқлар.

Ҳамма. Ҳайр, Олимжон ака! Муваффақият тилаймиз! Оқ йўл!

Ҳамма чиқади, чап томондан Собир ака киради.

Собир ака (у ёқ-бу ёққа қарайди). Муқаддас, ҳо Муқаддас!

Чиқмоқчи бўлади, ўнг томондан уста Комил киради.

Комил. Қадрдон, ҳо қадрдон! Шошмасинлар, шошмасинлар! Ассалому алайкум!

Собир ака. Э, устам, саломатмилар! (*Күришади.*)

Комил. Орқангиздан кўриб қолиб югурдим... Икки оғиз гап чиқиб қолди, қадрдон, ҳеч ким йўққа ўхшайди, шу ерда гаплаша қолайлик, лаббай?

Собир ака. Қанақа гап? Тинчликми, уста?

Комил. Алҳамдиллло тинчлик, қани бу ёққа ўтсинлар, ҳаммаси бўлиб икки оғиз гап... Уффф... Шундоқ бориб қолсам ожизаи арзандалари, яъни Муқаддасхон гапириб турган экан! Аммо ҳар бир сўзи мисоли бир ўқ! Балли дедим, отасининг боласи экан дедим! Худди бизнинг Неъматжоннинг ўзгинаси-я! У ҳам жаҳли чиққанда ўз подчинойларини ўйнатиб юборар ёкан, лаббай?

Собир ака. Энди, хизматларида, қанча айтманг мактаб кўрган бухгалтер-да, илми катта-да, илми!..

Комил. Аммо илми катта деганингиз туғри-ю, бухгалтер деганингиз қанақаси, қадрдон? Бош бухгалтер денг! Ҳа!.. Бу — агроном деганингиздан ҳам баланд туради.

Собир ака. Нега энди агрономдан баланд турар экан?

Комил. Э-э... Кимнинг қўлида мол-дунё бўлса, шунинг мансаби баланд-да, қадрдон?

Собир ака. Бухгалтерда мол-дунё бўлса, пахтанинг хўжайини агроном-да, уста!

Комил. Яна бухгалтер дейди-я! Бош бухгалтер денг, қадрдон. Ахир... Ўглим имзо чекмаса (*овозини пасайтириб*), раисингизни қўли ҳам кетмайди-да! Э-э... ҳаммаси ўзингизга маълум: омборга минг тонналаб ғалла, ёғ, гуруч киради, кассага миллион-миллион қулинг ўргилсин шалдираган червонлар киради. Бунинг ҳаммаси — бизнинг Неъматжоннинг қўлидан ўтади-да, дўстим!. Мана ўз ишингиз ҳам Неъматжоннинг қўлида, лаббай?

Собир ака. Ҳақ тап уста. Завхознинг иши бухгалтерсиз битмас экан! (*Овозини пасайтириб*.) Сиздан яширадиган сўз йўқ, уста, катта хўжаликда ишлагандан кейин, хизматларида, унақасиз, яъни бунақасиз... бўлмас экан-да, уста, нимасини айтай? Ўғирлик эмас, йў-йў-йўқ, ундан худо сақласин, лекин кўп нарсалар баъзан тўзар экан, баъзан йўқолар экан. Шуларни бухгалтер тушунмаса қийин экан-да, дўстим!..

Комил. Балли, дўстим, балли! Тушумиз! (*Эгилиб*.) Дўстим дейман, шундай жой-

да ишлатанингдан кейин бухгалтер ўзингдан бўлса-а? Масалан, куёв боланг бўлсал.. Лаббай. Ҳа-ҳа-ҳа!

Собир ака. Энди унинг савобига ким етсин, уста, ҳа-ҳа-ҳа.

Комил. Борди-ю, савоб биздан бўлса-чи, ҳа-ҳа-ҳа... Энди сўзнинг нозик жойига қаранг, дўстим. Бизда шунақа ўғил туриб, қадрдонда қиз турганда бошқани излаб нима қиласиз, деб ўйладик. Агар биз бошимизни солиб борсак, қадрдон йўқ деёлмас дедик, қолганини ўзингиз биласиз...

Собир ака. Ҳали кося тагида ним кося бор денг? Э-э.. хизматларида, боя гап шунақа нозик демайсизми, боққа бориб салқинда гаплашмаймизми? Ахир, хизматларида, умр савдоси мол савдоси эмаски, таваккал деб юборсак.

Комил. Энди бу гапни шунчаки, қулоқ қоқиш деб биладилар. Энди сиз янгам билан маслаҳатни бир жойга қўясиз, кейин биз обрўли мўйсафидлардан бирорини олдингизга юборамиз, қадрдон, лаббай?

Собир ака. Энди, хизматларида, маслаҳатлашиб кўрамиз-да...

Комил. Балли, қадрдон, энди бошқа гап йўқ. Ўзлари биладилар: қизлари агроном бўлса, ўғлимиз галавной бухгалтер. Инчинун олмаю анор! Мақсадимиз — иккисини қўшиб қўйиб, сояларида дунёдан ўтсак деймиз-да, лаббай?..

Кумри хола киради.

Э! Янгам ҳам келиб қолдилар-у! Омонмисиз, янга, бардаммисиз? Қадрдонни биз ушлаб

қолган эдик, уришмайдилар-да, лаббай? Хўп, хўп... (*Чиқади.*)

Қумри. Ҳой, бу нима қилганингиз, дадаси, қизимни чақириб келаман деб, орқасидан ўзингиз ҳам йўқолиб кетдингиз-а? Ошим ланж бўлиб кетди-ю!

Собир ака. Шошма! Бу ёққа кел... Гап бошқача, эшитдингми?

Қумри. Йўқ, дадаси...

Собир ака. Суюнчингни беравер, аяси. Қизингнинг бахтига қойилман-э!

Қумри. Нима бало, уста совчи бўлиб келибдиларми!

Собир ака. Э-э... Сени қара-я, ҳеч қачон ота ҳам ўз ўғлига совчи бўлиб келадими?.. Қулоқ қоқиши қилиб келибди-да!

Қумри. Сиз нима дедингиз, дадаси?

Собир ака. Силлиқина қилиб жавоб бердим. Сен нима дейсан, аяси?

Қумри. Тузук қилибсиз-у, лекин уни ҳалиги... Зулфияхонга уйланармиш деган гап бор эди...

Собир ака. Бекор гап. Ўзи бош бухгалтер бўлса-ю, Зулфияга уйланармиди?

Қумри. Ҳалқ ўртасида гап-сўз бўлган дейман...

Собир ака. Ҳалқ нима демайди, аяси? Сен гапни кўп чўзма!

Қумри. Мен бир нарса дедимми, дадаси, айтяпман-ку, берсангиз арзийдиган йигит... Уй-жойини, кийим-кечагини айтинг! У куни қўшним айтувди: келин тушираман, деб аяси ҳар кўрпалар қоплатган эмишки — ҳаммаси шоҳидан!

Собир ака. Шоҳидан дегин?

Құмри. Кийимларини айтинг, дадаси! Ҳам-
маси крепдешин-у, шерстъ билан ипак әмиш...
Унға берадиган бұлсак, қизингизнинг егани
олдида, емагани орқасида бўлади, дадаси,
кйигани шоҳиу атлас бўлади.

Собир ака. Шунақа дегин... Оббо аяси-
эй! Шундай қилиб, бош бухгалтерга қайнана
бўламан дегин! Қизинг агроном-у, куёвинг
бош бухгалтер! Нима ҳам деймиз? Яшасин
аяси деймиз-да, ҳа-ҳа-ҳа! Қани, юр боққа
бориб бир гаплашайлик! Оббо, аяси-эй! (*Чи-
қадилар.*)

Далага секин қоронғулик чўкади. Узоқдан ғўза жўяк-
ларидаги сув йилтираб кўринади. Универсалларнинг
фарлари ёнади, гуриллаши эшилиди. Папка ушлаган
Неъматжон киради. У ёқ-бу ёққа қарайди. Кейин
Рустам киради.

Рустам (*Неъматжонни кўриб*). Бу ким?
Неъматжонмисан?

Неъматжон. Салом! (*Тез келиб Рустамнинг қўлини қаттиқ сиқади.*) Ҳорма
дўстим!

Рустам (*истеҳзо билан*). Ҳамма ғўзани
кундуз кўрса, сен кечаси кўтарар экансан-
да?

Неъматжон. Йўқ, дўстим, мен бошқа
бир иш билан келдим.

Рустам. Хўш?

Неъматжон. Яъни... Битта ҳисоботга аг-
роном қўл қўйиши керак эди. Уни шу ерда
дедилар.

Рустам. Жуда ҳам зарур ҳисобот экан-
да, чамаси?

Неъматжон. Зарур эди.

Рустам. Шуни айтаман, чунки одатда, агрономни қоровул излар эди, бу сафар ўзинг излаб қолибсан?

Неъматжон. Киноя қилиб нима қиласан? Кўнглингда бир нарса бўлса очиқ айтиб қўяқол-да, оғайинч!

Рустам. Сен ҳам ҳисботни баҳона қилиб нима қиласан? Муқаддасни пойлаб юрибман, деб тўғрисини айтиб қўя қолмайсанми?

Неъматжон (*қўлларини орқасига қилади*). Борди-ю, шундай дейлик, сенга нима?

Рустам. Йўқ, шунчаки... Секретарь бўлганингдан кейин, комсомол аъзосининг ахлоқи кишини бир оз қизиқтирас экан-да.

Неъматжон (*идаров шаштидан қайтиб*). Бу гапнинг нима кераги бор, дўстим? Мен буни унуганим йўқ, лекин менинг гуноҳим нима эканлигини тушунолмай турибман. Мен Муқаддас билан юришни истасам айбми? Мен уни севаман. Сенга очиқ айтиб қўя қолай: мен унга уйланмоқчиман.

Рустам. Зулфияни нима қиласан?

Неъматжон (*совуқ*). Зулфияга нисбатан ҳеч қандай мажбуриятим йўқ!

Рустам (*уйланади, кейин секин*). Албатта, юридик жиҳатдан сени ҳеч ким айблай олмайди, лекин адолат ҳам керак-да, Неъматжон, ёш, софдил, яхши бир қизга шундай қилиш яхшими? Ахир унга ҳам, сизни севаман, деб қасам ичгансан, ваъдалар бергансан... Қиз қишлоқда гап-сўз бўлган. Энди сенинг бундай қилининг унга оғир тегадику, Неъматжон?

Неъматжон. Нима қолай? Бошда янгилишган эканман. Энди қалбимда гулдек очи-

либ келаёттани муҳаббат ғунчасини узиб таш-
лай олмайман! Иложим йўқ, дўстим!

Рустам. Менинг ҳам сенга айтадиган бош-
қа сўзим йўқ. Лекин, Ленин комсомолининг
аъзоси деган номинг бор, яна ўйла, Неъмат-
жон!

Неъматжон (*тагин юмшаб*). Рустам,
дўстим, сен ҳам тушунгин, объектив сабаб-
лар бор, ахир!

Рустам. Қанақа сабаблар?

Неъматжон. Масалан... қанча айтмагин,
менинг маълумотим олий. Шошма. Сен дар-
ров юзингни буриштирма. Мен Зулфияни
ўзимдан паст тутаётганим йўқ. Лекин тушун,
дўстим. Эру хотин ўртасидаги шундай катта
фарқ турмушда сезилмаслиги мумкин эмас...
(*Рустамнинг бош чайқаганини кўриб,
елкасини қисади.*) Мен сенга кўнглимдагини
самимилик билан айтмоқчи эдим, тушунма-
санг нима ҳам қиласай. Бироқ... (*Овозини кў-
таради.*) Мен ўйлайманки, бошқа ўртоқлар
бу масалага сенчалик расмиятчилик билан
қарамайдилар!

Рустам. Ҳар ҳолда Муқаддас уларга қу-
шилмаса керак!

Неъматжон. Муқаддас сендақа формат-
лист эмас, унинг юраги бор!

Рустам. Шуни айтаман! Юраги бор!

Неъматжон. Буни ҳали кўрамиз! Пока!
(*Чиқади.*)

Рустам. Кўрамиз! (*Пауза.*) Номард. Эҳ,
Зулфия, Зулфия.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА учинчи криниш

Биринчи пардадаги сақна, фақат жиҳозлар бирмунча ўзгарган. Хонага Қумри хола билан Собир ака киради.

Собир ака. Ҳай, аяси, бу ёққа қара! Совчиларга жавоб бериб юбордим.

Қумри. Вой үлай, қизингиздан сўрамасдан-а, дадаси?

Собир ака. Э-э... аяси, Неъматжондек йигит айтдиради-ю, қизинг йўқ дермиди? Арзигудек йигит: ўқиған, ақлли, бой, чиройли! Ўзи бўлса миллионер колхознинг бош бухгалтери! Бош бухгалтер нималигини билмайсан-да, бўлмаса қувонганингдан кечалари ухламас эдинг! Аммо ўзи ҳам шу кунларда жуда ўзгариб қолди, аяси. Илгари биз унга қўл қовуштириб салом берардик, чунки у бош бухгалтер. Биз шунчаки, бир завхоз эдик, аммо қизинг келгандан бери, бизга қўл қовуштириб турадиган бўлди, яъни, масалан, гапда, биз бош бухгалтер бўлдиг-у, у завхоз бўлиб қолди!

Қумри. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Кўнглим бир нарсадан ғаш, дадаси!

Собир ака. Шунақами? (*Кулади.*) Бўлмаса шошмай тур. Ҳозир бир иш қиласанки,

кўнглинг жойгинасига тушади-қолади. (*Киссасидан бир пачка пул олиб Қумрига чўзади.*) Бунга бир қара!

Қумри. Вой ўлай, шунча пулни сизга ким берди, дадаси?

Собир ака. Хўш, кўнглинг ўрнига тушдими? Айтмабмидим? Буни тўйга харажат қиласиз, деб қуданг берди, аяси! (*Пакетни қайтиб олиб, пулга тикилади.*) Аммо ўзи банкдан янги чиққанидан экан! Қисирлашини эшиятсанми, аяси?

Қумри. Қанча сўм, дадаси?

Собир. Беш минг сўлковоӣ, аяси. Сандиққа ташлагин-да, боғдаги супага жой қил! Ўтириб тўй ҳақида бир гаплашайлик, аяси!

Қумри. Ҳозир, дадаси. (*Чиқади.*)

Собир ака (*беқасам тўнини ечиб, қозиққа илади*). Баҳт деган шунақа бўлар экан-да, бўлмаса бош бухгалтерга қайната бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди!..

Қумри хола киради.

Устага айтган эмишки, „сиз отам бўлсангиз, у кишилар ҳам, яъни бизни айтган-да, отамиз бўладилар, тўйга нимаики керак бўлмасин, ҳаммасини ўзим тўғрилайман“, деганиш...

Қумри. Энди соқол-мўйлов ремонти ҳам текин бўларкан-да, дадаси. (*Чиқади.*)

Собир ака (*патефон қўйиб ўйнайди*). Тўйлар мубо-о-рак... Аммо ўзимиз ҳам бутун Ўзбекистондаги завхозларнинг энг баҳтлиси бўлдик-да!.. (*Чиқади.*)

Бир оздаи кейин Олимжон билан Муқаддас киради. Олимжоннинг қўлида чемодан.

Олимжон. Чемодани қаерга қўяман, Муқаддас?

Муқаддас. Шу ерга қўя қолинг. (*Бошини ушлаб кулади.*) Машинага тушсам даррор бошим айланади-я!

Олимжон графиндан сув олиб сепади.

Олимжон. Юзингизни совуқ сувга ювинг, дарров босилади.

Муқаддас. Табиб бўлиб кетинг-а!.. Ўти-ринг, Олимжон ака! (*Кулади.*) Василий Ивановичнинг келишини эсласам... Шундай севиниб кетаман. Ажойиб, шўх чол-а?

Олимжон. Кишининг илми қанча юқори бўлса, ўзи ҳам шунча яхши бўлади, деб бекорга айтмаганлар-да, лекин жуда ҳам хушсақчақ экан!

Муқаддас. Сиз уни институтда кўрмагансиз! Югуриб чиқади-да, футбол ўйнаётган студентларга қўшилиб кетаверади. Танимаган одам уни академик, деб ҳеч ўйламайди!

Олимжон. Футболни яхши кўрадими? Унда биз ҳам унинг келишига ўйин уюштирайлик!

Муқаддас. Аввал унинг айтганларини қиласлик...

Олимжон. Бизга энди қўшимча техника берасиз, одам берасиз, Муқаддас.

Муқаддас. Энг яхши аъзонгиздан ўзингиз ажralиб ўтирибсиз-у, яна биздан одам сўрайсиз...

Олимжон. Зулфияни айтасизми? Ўзим
ҳам ҳайронман, Неъматжон билан танишди-ю,
ишдан совиб кетди. Энг яхши теримчи эди-я!

Муқаддас. У билан бир гаплашиш ке-
рак. Яхшилаб бир гаплашмоқчи бўлиб юриб-
ман-у, ҳеч вақтини тополмаяпман!. Қаёққа
шошиляпсиз? Ўтилинг, Олим ака!

Кумри хола киради.

Кумри. Вой, барака топгурлар, чарчамас-
дан келдиларингми? Ҳайтовур ишларинг бит-
дими?

Олимжон. Раҳмат, хола.

Муқаддас. Чойингиз борми, ая?

Кумри. Самовар қайнаб турибди.

Муқаддас. Ўтилинг, Олимжон ака!

Олимжон. Раҳмат, чой бўлса ичармиз,
олдин уйга бориб, одам қиёфасига кирай!

Чиқаётганда шошиб Рустам билан Шерали ки-
ради.

Рустам. Салом, Олимжон! Салом Муқад-
дас!

Шерали. Саломатмисиз, синглим! Борми-
сан, ука!

Рустам. Э, сенларни қаранглар-э! Шу-
нақа ҳам бўптими?

Олимжон. Ҳа, нима гап ўзи?

Рустам. Машинани шунча ҳам тез ҳай-
дайсанларми? Шер акам икковимиз эшакка
миниб шунча қувсак ҳам етолмадиг-а!

Шерали. Икки юз грамм жир битган эди,
у ҳам кўчада қолди! (Чемоданга ўтиради.)

Рустам. Хўш, қандай хушхабарлар бор,
Муқаддас?

Муқаддас. Хушхабарлар күп, Рустам ака, Олимжон акамнинг доклади шундай мұваффақият қозондикі, ғұзаларингизни күргаңи академик Фролов келмоқчи бўлди!

Рустам. Ростдан-а?

Олимжон. Академик айниңса, фосфор билан упалаб әкилган чигитнинг ўсиши билан қизиқяпти...

Рустам. Чинданми?.. Унда мәҳнатимизнинг бекор кетмаслигига энди ишонсак бўлар экан-да, Муқаддас!

Муқаддас. Нега бекор кетсин! Балки тажрибаларни яна давом эттиарамиз, балки яна күп ишлашга тўғри келар, лекин шунча ақл, шунча муҳаббат билан ишланган нарса натижасиз қолмайди! Машҳур олимларнинг бу ишга қизиқа бошлиши сўзимнинг далили, Рустам ака!

Рустам (ҳаяжонланиб). Раҳмат, Муқаддас! (*Кулади.*) Беш йил кутган хушхабарни сиз келтирдингиз... Катта раҳмат!

Қўшилишиб „Кто ищет тот всегда найдёт!“ деган қўшиқни айтадилар.

Шерали. Найдёт! (*Кулги.*) Бу хушхабарлар учун раҳмат, синглім!

Муқаддас (кулиб). Хушхабарни мен келтирсам ҳам мәҳнат сизларники, раҳматни ҳам сизларга айтиш керак. Рустам ака! Бу ердаги ишлар нима бўляпти? Раҳимжон акамнинг ғўзаси қандай?

Шерали. Ғўзасини кўрмадик. Кеча ўзини кўриб қолган эдик, саломдан кейин „кузда гаплашамиз“ деб ўтиб кетди.

Муқаддас. Нима қилишимни билмай қол-

дим. Бир нарса десам ҳадеб йигирма саккиз центнердан гапиради. Айтсам тушунмайди.

Олимжон. Фам еманг, Муқаддас. Бугун тушунмаса эртага тушунади. Турмуш ўзи тушунтириб қўяди!

Муқаддас. Гап билан овора бўлиб қолибман, қани ўтирглар...

Олимжон. Қўйинг, Муқаддас, ошга овора бўлманг!..

Рустам (*кулиб*). Шундай хабарлардан кеъин ош емасдан кетамизми-а, Шер ака! (*Ўтиради*.)

Шерали. Отангга раҳмат-э... (*Ўтиради*.)

Шавла қилсанг ботмайди,
Томоғимдан ўтмайди,
Ҳиммат билан палов қилсанг
Савоб бўлур дейди-ё...

Олимжон (*унга тақлид қилиб*).

Текин палов кўрганда,
Сурбет бўлма дейди-ё...

Кулишиб чиқад-лар.

Муқаддас (*орқаларидан*). Энди кечқурин учрашамиزم, Олимжон ака?

Чиқади, Собир ака киради.

Собир ака. Бу қанақаси, аяси?

Кумри. Қизингиз ўзи шунақа, оқ кўнгил...

Собир ака. Оқ кўнгил дейди-я? Неъматжон кўрса нима дейди? Айнаб қолса нима қиласан? Ё қўлингга ўзи келиб қўнган баҳтдан ўзинг айримлоқчимисан? Қизингга айтиб қўй! (*Чиқади*.)

Қумри. Дадаси айтмоқчи бу ёқда түй бўлай деяпти-ю, қизим тушмагур ҳадеб „учрашайлик“, „гаплашайлик“ деб гапиради. Ҳа я, Неъматжон кўриб қолса нима дейди?

Мудаддас киради.

Муқаддас (*шкафдан сочиқ билан совун олади*). Чой тайёр бўлса мен тезроқ ичиб кета қолай.

Қумри. Ҳадеб бўзчининг мокисидек қатнайверасанми, болам!

Муқаддас. Уришманг, аяжон, тез идорага бориб келаман.

Қумри. Идорага борасанми, ё бўлмаса ҳалиги Олимжон билан куришгани ошиқяпсанми, қизим?

Муқаддас (*тўхтаб*). Бу нима деганингиз, аяжон?

Қумри. Ҳой, қизим, ўзингни кўп бунақа анқовликка солавермагин! Ёш бола эмассан, худога шукур оstonамизга совчи келиб утирибди!

Муқаддас. Қанақа совчи? Кимдан?

Қумри (*кулиб*). Ҳа, нега бунча чўчийсан? Ҳозир бурунги замон эмаски, совчи чол-полданникин, деб қўрқадиган? (*Кизини ўпид*.) Ҳудо хоҳласа бахтинг очилай деб турибди, болам. Совчи Неъматжондан келди!

Муқаддас. А? Нима? Қайси Неъматжон?

Қумри. Қайси Неъматжон бўларди, қизим! Ўша ҳамма бухгалтерларнинг бошлиғи Неъматжон-да!

Муқаддас Неъматжондан-в? (*Бошини секин чайқаб*.) Йўқ, мумкин эмас...

Кумри (*түшүнмасдан*). Шунақаям мүмкінки!.. (*Кулиб.*)-Хар куни уч марта келади!

Муқаддас. Құйынг, аяжон, бу сұзни иккінчи марта айтманг.

Кумри. Ҳа, нега әнди айтмас әканман?

Муқаддас. Аяжон. Агар... Мени севсанғиз, мени қизим десанғиз... уннинг исмини тилга олманг. (*Хаяжонланиб чиқиб кетади.*)

Кумри (*хайрон бўлиб*). Тавба қилдим. Исмини айтманг дегани нимаси? Уялганидан шундай деялтими, ё қўрқаниданми?

Собир киради.

Собир ака. Нима гап, аяси? Қизинг юрганича чиқиб кетди. Тинчликми?

Кумри. Мен ҳалиги гапнинг чет ёқасини айтувдим, дадаси.

Собир ака. Хўш? Хўш?

Кумри. Қизингиз норозидек кўринди, дадаси.

Собир ака. Нима? Тўхта, нима деб алжираяпсан ўзинг? Совчининг кимдан әканлигини айтдингми, ахир? Қизинг Неъматжонни танийдими, ўзи? Уннинг бошбухгалтер әканини биладими?

Кумри. Қизиқмисиз. Бирга ишлаб туриб шуни ҳам билмайдими?

Собир ака. Билса ҳам магизини тушунмас әкан, бош бухгалтер нималигини билмас әкан, хўп деявер! Қани, чақир, ўзим бир гаплашай... Ҳой, тўхта, чақир деса чақираверсанми? Ҳа майли чақиравергин-у, аммо сен ўзинг яна бир гаплаш, тушунтир. Айтгинки, даданг ваъда бериб қўйибди, дегин...

Қумри. Унинг ҳам кўнглига қарасангиз бўларди, дадаси. Ёлғиз фарзанд...

Собир ака. Мен унга ёмонликни раво кўряпманми-а? Неъматжон ёмон йигитми? Қизингни тенги эмасми? Мансаби пастми? Илми озми-а? Нима?

Қумри. Билмасам, дадаси.

Собир ака. Сен билмасанг мен биламан! Қизинг ҳали ёш, ҳеч нарсага тушунмайди! Сен тушунтири: ўзи чиройли, мансаби баланд, турмуши жойида дегин. Гапнинг пўст калласи, кўндирасан! Кўндирамайдиган бўлсанг икки юз граммни отиб келаман-у, гапни бошқача қиласман! Гапини қара-я! Талтайиш ҳам эви билан-да! Бош бухгалтерга тегмасдан кимга тегади? (*Чиқади, деразага бориб.*) Шу қишлоқда ё қизинг туради, ё мен тураман! Худди шунақа деб айт!

Қумри. Вой шўргинам қурсин, энди нима қиласман? Айтсам қизим уришса, айтмасам дадаси уришса — икки ўртада балога мен қолдим-ку! (*Пауза.*) Тавба, дадаси айтмоқчи, Неъматжондан ортиқ кимга тегади, энди? (*Ўйланади.*) Ёки ҳалиги Олимжонни севармиш деган гаплар ростмикин? Бирок, ундей десам унинг Неъматжондан нимаси ортиқ? Тавба!.. Муқаддас, ҳой Муқаддас! (*Эшикка келган Муқаддасни кўриб чекинади.*)

Муқаддас. Дадам қанилар, ая?

Қумри. Ишига кетди, болам. (*Бир оз иккilonади, юмшоқ.*) Ҳой қизим, даданг билан яна бир гаплаш, бўлмаса ўзим гаплашман, деди.

Муқаддас. Қандай жавоб берганимни айтдингизми, ахир?

Қумри. Айтдим-у, бироқ сен ҳам унақа калта ўйламагин, қизим. Эскилар: „йигитни сўзи сингунча номарднинг бўйни узилсин“ деганлар. Дадангни ҳам бошқалар олдида хижолат қилма, аянг ўргилсин, қизим.

Муқаддас. Нега энди дадам хижолат бўларкан?

Қумри. Нега десанг даданг ваъда бериб қўйибди.

Муқаддас. Вой, қачон? Мендан бир оғиз сўрамасдан-а?

Қумри. Ҳа, нима қипти? Ёки у сенинг отанг эмасми, мен онанг эмасманми, қизим? (*Кўзига ёш олиб.*) Биз сенинг баҳтингни ўйлаймиз. Неъматжоннинг мансаби баланд, отасининг ҳам қўлида ҳунари бор; сартарош бўлса ҳам, пулни кўп топади, уй-жойини кўрсанг мисоли бир жаннат. Ишқилиб унга тегсанг турмушинг тинч, жонинг роҳатда бўлармикин, деймиз, қизим... Ана, тўй харажатларини ҳам ўзбўйнига олибди!

Муқаддас. Қанақа харажат?

Қумри. Тўй харажатсиз бўлармиди, қизим? Тўйга деб беш минг сўлковой беришиди. Мунча пулни ҳамма ҳам беравермайди, қизим?

Муқаддас. Шунақами? (*Пауза.*) Яхши, ая, дадам билан ўзим гаплашаман.

Қумри. Гаплашсанг майли-ю, бироқ хафа қилма, қизим.

У сенинг отанг, ахир, баҳтингни ўйлади. (*Чиқади.*)

Муқаддас. Аяжон!

Ташқаридан Қумрининг овози. Лаббай, қизим.

Муқаддас. Мәхри холадан сұранг-чи,
Зулфия келдимикин. Келса айтинг: бу ёққа
кирсин.

Қумри (*ташвишли овозда*). Зулфияни
німа қиласан, қизим?

Муқаддас. Ишим бор.

Қумри. Қандай иш әди, мен айта қолай.

Муқаддас. Ўзим айтмасам бұлмайди,
аяжон.

Қумри. Хұп, ҳозир чақираман, болам.

Муқаддас (*Үйчан*). Наҳотки дадам чин-
дан ваъда берган бұлса? Мендан бир оғиз
сұрамасдан, ҳатто менинг шаҳардан қайтиб
келишимни кутмасдан-а? (*Пауза.*) Борди-ю,
чин бұлса-чи...

Зулфия киради, күз тагидан Муқаддасга тикилиб
тұхтайди.

Муқаддас. Салом, Зулфия!

Зулфия юзини четга буради.

Муқаддас. Сенга німа бұлди, Зулфия?

Зулфия. Ўзингизни гүлликка солиб німа
қиласиз, отинча? Ишонмагин дүстингга, со-
мон тиқар пүстингга, деб түғри айтган әкан-
лар!

Муқаддас. Бу німа деганинг, Зулфия?

Зулфия. Німа деятганимни яхши била-
ман! Ундан күра Неъматжонни менга ёмон-
лаб юриб-юриб үзим тегиб олмоқчи әдим,
деб құя қолинг, номард қиз!

Муқаддас. Эсингни едингми, Зулфия?
Бу нарса менинг хаёлимда ҳам йўқ. Эшиг-
гандирсан! Биз пахтакорларнинг область кенг-

ашида әдик. У ерда уч кун бўлдик. Қишлоқ-қа келсак тўсатдан бу гап!

Зулфия. Тўсатдан эмас бу! Бутун қишлоқда дув-дув гап... Мен энди ҳаммасига тушундим. Бу фикр унинг кўнглига олдин келган, фақат мендан яширган экан. Мени алдаган экан!

Муқаддас. У алдаган бўлса мен ҳам алдайманми, Зулфия.

Зулфия. Қўйинг, дейман. Шу топда ҳаётдан тўйиб турибман. Ўзимни бир бало қилиб қўяман! (*Йиглайди.*)

Муқаддас. Зулфия!

Зулфия. Мен сизни опам деган эдим, ҳамма нарсани сиздан ўрганаман деган эдим! Мен қадримга йиглайман. Неъматжонингиз севмаса нега тўғрисини айтмайди? Ё мени ёпишиб олади, дейдими? Бекор ўйлабди!

Ташқаридан Собир аканинг овози. Ҳой аяси...

Муқаддас. Бўлди! Бу ёққа юр! (*Чап томондаги уйга бошлаб киради.*)

Собир ака билан Қумри киради.

Собир ака. Хўш, қизинг билан гаплашдингми, аяси?

Қумри. Қизингизнинг авзойи бузуқ, дадаси, ўзингиз гаплашинг!..

Ичкаридан йиглаганича Зулфия, кейин Муқаддас чиқади.

Муқаддас. Зулфия! Зулфия!

Зулфия чиқиб кетади, Муқаддас орқасига қайтиб, костюмини кияди.

Собир ака. Нима гап? Тинчликми ўзи?

Қумри. Юрғим қинидан чиқиб кетяпти,
дадаси!

Ичкаридан Мұқаддас чиқади, кетмоқчи бўлади.

Собир ака. Ҳой, қизим, тўхта, ишинг зарур бўлмаса ўтири, сенга озгина гапимиз бор. (Қумри холага.) Сен ҳам ўтири!.. Ҳўш, қизим, биз сендан сўрамасдан бир иш қилган эдик, эшитишимизча сен шу ишга қарши эмишсан. (Пауза.) Сен бизнинг ёлғиз фарзандимиз, кўзимизнинг оқу қорасисан, сенинг баҳтинг – бизнинг баҳтимиз, қизим. Бу ишни қилишдан мақсад ҳам шу эди. Яъни, Неъматжон ҳам чакки йигит эмас, ақли-ҳуши жойида...

Мұқаддас. Дадажон, мен ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман. Шунча ўқидим, энди бир оз ишлай...

Собир ака. Ҳеч ким дунёдан тоқ ўтмайди, қизим. Шундай бўлгандан кейин Неъматжондай яхши йигит йўқ.

Мұқаддас. Мен яна айтаман, дада: ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман, лекин шу иш бўлганда ҳам, унга турмушга чиқолмайман.

Собир ака. Сабаби нима, қизим?

Мұқаддас. Мен уни... севмайман...

Собир ака. Бе-е... шу севги-певги деган гапни қўй, қизим. Севги овқат эмаски, уни есанг. Кийим эмаски, уни кийсанг!

Мұқаддас. Ёшлигинизда ҳам шундай дермидингиз, дада?

Қумри. Бундай дейиш қаёқда? Кечалари ухлармиди дегин. Бофимизда оҳ-фифон чекиб, тонг отгунча гоҳ Фарҳод, гоҳ Мажнун бўлиб чиқардилар!

Собир ака. Сиз ҳам бизни кўриш учун эшикдан ҳам тешикдан ҳам мўралаб юрмас-мидингиз, Қумрибону?

Қумри. Ишқ-муҳаббат йўқ деган одамнинг сўзига қаранг! Боринг-э, қариб қолибсиз: бир унақа дейсиз, бир бунақа дейсиз.

Собир ака. Хўш, қизинг Неъматжонга ишқ-муҳаббат қўйса арзимайдими? Неъматжон ёмон йигитми? Үқимаганми? Мансаби пастми?

Муқаддас. Мен мансаб суриштиряпманни, дада? Нега бундай дейсиз? Нега ҳадеб унинг мансабини, пулини, уй-жоийни пеш қиласиз? Ё одамнинг бахти мансаб билан пулдами? Нега ўз ёшлигингизни эсламайсиз. Ахир аям кимсан Каримхўжанинг ўғлига тегмасдан сиз билан қочганда ялангоёқ бир мардикор экан-сиз-ку? Шунда аям бахтсиз бўлдими, ёмон бўлдими? Нега индамайсиз, ая?

Қумри. Рост, дадаси, иноқ әдик, камба-ғалчилик ҳам билинмаган эди.

Собир ака. Тур, тур-э! Каримхўжанинг ўғли қаёқда-ю, мен билан Неъматжон қаёқда!. Миллионер колхознинг бош бухгалтери-я!

Муқаддас. Сизга одам эмас, мансаб керак экан-да, дада?

Собир ака. Хўш, хизматингда, Неъматжон одам эмасми?

Муқаддас. Одам бўлса Зулфияни алдаб кетармиди?

Собир ака. Э-э... Шу ҳам гап бўлдими? Неъматжон унга уйланганмидики, алдаб кетса? Ёшлика шунақа гаплар бўлади-да, қизим.

Муқаддас. Ёшлик эмас, номардлик бу! Сиз унинг мансабини кўрибсиз-у, ўзини кўр-

мабсиз! Қалпоғига қараб қадамига баҳо берибсиз! Ахир у яхши бўлса, ўртамизда муҳаббат бўлишига ишонса, сизга пул бериб нима қиласди? Ёки муҳаббатни сотиб олмоқчи эканми!

Собир ака. Ие! Пул берса тўйга берган! Ҳали ўз дадамга туҳмат қиласман дегин. Ўн беш йил ўқитиб катта қилганимда сендан эшигтан сўзим шу бўлдими? Балли, қизим!

Қумри. Ҳой, қизим, бир сўздан қол! Сиз эс-ҳушлик одамсиз-ку, дадаси?

Собир ака. Мен эс-ҳушлик бўлганда қизинг ақлини йўқотса нима қиласай?.. Сўзини қара! Мақсадинг нима, тентак? Ё чиндан ҳам ўша Олимжонга тегмоқчимисан?

Муқаддас. Олимжон акам ёмон йигит эмас, дада.

Собир ака. Ёмонми, яхшими, билмадим. Аммо у сенинг тенгинг эмас! Ўқимаган, культурсиз, қишин-ёзин ўйлагани пахта!

Муқаддас. Ўйлагани пахта бўлса ёмонми, дада? Ахир у шу ишни бир ўзи учун қилаётгани йўқ-ку!

Собир ака. Бўлмаса мен учун ишлар экан-да!

Муқаддас. Ҳа, сиз учун ҳам ишламоқда! Бутун мамлакатимизни яхши кийинтириш учун ишламоқда. У Невъматжондек пулнинг қули эмас, унинг мақсади кўп яхши мақсад, дада!

Собир ака. Хўп, хўп, илоҳим ўша мақсадга қоринларинг тўйсин!

Муқаддас. Мен ҳайронман, дада. Мен уни... Яхши кўрсам фақат сизнинг йўлингиздан бораман, деб ўйлаган эдим... Мен сиз-

нинг бунақа ўз-ўзингизга хиёнат қилганингизни билмас эдим... Ахир сиз илгари бунақа мансаб билан пулнинг қули әмас эдингиз-ку, дада. Қачондан бери ўзгариб қолдингиз?

Собир ака. Мен пулнинг қулиманими? Мен-а?

Кумри. Жон дадаси, ёлғиз қизингиз?..

Собир ака. Э, сен жим тур! Ўн беш йил ўқитиб раҳмат ўрнига түхмат әшийтдим. Мен пулнинг қули әмишман-а! Пулга сотдинг дейди-я. Астоғурулло!.. Мен сени пулга сотгунча күчама-куча тиланчилик қиласман, ахмоқ!

Муқаддас. Сиз уларни билмас экансиз, оқ кўнгил экансиз, дада!

Собир ака. Ҳа, биз билмас экамиз. Аммо сен жуда билимдон бўлиб кетибсан. Бор, билганингни қиласвер. Аммо қайтиб кўзимга кўринмай Сендақа қизим йўқ! Кўзимдан йўқол!

Кумри. Вой, шўргинамга шўрва тўкилсин!

Деразадан Раҳбар кўринади.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Неъматжонларнинг айвони. Айвоннинг олди узумзор. Эрталаб соат 7 лар чамаси. Парда очилганда Малика хола Неъматжоннинг кийимларини тозаламоқда. Уйдан уста Комил чиқади, бедананинг сайрашини кўриб тўхтайди.

Комил. Оҳ, оҳ, оҳ! Бай-бай-бай! Зап тезотар бўптида!.. (*Устара чархлайди.*)

Малика. Кечаси ўғлингиз: „Мен турганча дадам қудага бориб келсин“ — деган эди, сиз бормадингиз ҳам, хўжайин турса яна жаҳллари чиқмасин!

Комил. Тўй масаласини кечаёқ устаранинг тифидек қилиб қўйганмиз, хотин. Энди тайёрликни қиласвер!.. Э-э... ақлинг етмайдида, нодон! Ўғлинг бош бухгалтер, келининг галавной агроном! Колхоз ўзимизга қолди! Яна нимадан норозисан, лаббай?

Малика. Мол-дунё, деб юриб ёлғиз ўғлимни элу юрт олдида шарманда қилмасангиз бўлгани. Бошда қўй, десам қўймадила-ринг!

Комил. Э-э... Сўзингни қара-я... Кеча қудамиз: „Ўғлингиздан ортиқ кимга ҳам берамиз! Шунчаки замон ёшларники бўлгани-

дан кейин, қизимизни ўзидан ҳам бир оғиз сүрайлик, деб турибмиз“ деди. Ҳаммаси готов бўлган, хотин!

Малика. Эндиғи ёшлар олдин ўзлари битишиб, совчини кейин юборишади. Сизларнинг қизни бу ёққа қўйиб, дадаси билан битишганларингдан қўрқаман! Замонага ярашмайди!

Комил. Ақлинг етмаса жим ўтиранг-чи, нодон! Пул деган нарса дадаси тугул қизини ҳам ўйнатиб юборади-я! Эй, бу ёққа бир қара, эрта-индин тўй, ёр-ёр:

Ёр-ёр ўлан, ёр ўлан,
Ўлан кўпдир, ёр-ёр.
Ўлан айтган тилингдан,
Менга ўптири, ёр-ёр!

Малика. Қайдам, ишқилиб ўланингизнинг охири баҳайр бўлсин, менинг бутун умидим ёлғиз ўғлимдан...

Ташқарида ит вовиллайди.

Комил. Чоп, хотин, қуданг келмоқчи эди, ўша бўлмасин тағин.

Малика чиқади.

Қанча права берманг, аёл аёл экан-у, эркак эркак экан. Шунга ҳам ақли етмайди-я! Ахир, Уста Комил госбанк эмаски, унга беш минг сўлковойни текин берса!

Рустам билан Малика кирадилар.

Рустам. Салом, уста ака!

Комил. Ваалайкум ассалом, ўғлим. Қани юқори ўтсинглар. Балли, болам! Соч-соқолдан

Шикоят қилиб келиптилар-да, лаббай? (*Чак-қонлик билан стулни суради.*) Марҳамат, ўтирсинлар.

Рустам. Раҳмат, уста ака, соч-соқолни бошқа бир кун оласиз, бугун Неъматжон билан икки оғиз гаплашсам деб кирдим.

Комил. Шунақами? Дўстинг Неъматжон ҳали уйқудан турмаган эди, қандай булар экан?

Малика. Ҳозир уйғотаман. Атайин келипти, гаплашиб кетсин энди. (*Уйга кириб кетади.*)

Комил. Қани, бир червон бермасангиз, тўққиз сўлковой берибсиз-да, тўғрироқ ўтиринг, ўғлим!

Рустам. Гап пулда эмас, уста, вақт зиқ. Бир кун атайин келаман, дедим-ку. Барибир сиздан бошқага олдирмаймиз.

Комил. Аммо биз ҳам сизни нақ ўхшатиб қўямиз-да, ўғлим. Чунончи бошингизни устара билан қирмаймиз-у, дўндиқчанинг момиқ қўллари билан силаб қўямиз, лаббай? Ҳа-ҳа-ҳа...

Уйдан пижама кийган Неъматжон чиқади.

Неъматжон. Э-э... Сенмисан? Аммо уйқуни ҳам белига тепдинг-да! Тинчликми ўзи?

Рустам. Тинчлик. Сенга битта илтимос билан келдим.

Неъматжон. Қанақа илтимос?

Рустам. Шунчаки ўзаро бир нарса эди...

Комил. Холис гап экан-да, лаббай? Хўпхўп, ишқилиб яхши гап бўлсин! (*Боққа чиқади.*)

Неъматжон. Салом! (*Кўришади.*) Яна ўша гапми?

Рустам. Йўқ, бу ўша гапнинг давоми. Ахир ўз алтганингни қилиб, Муқаддасга совчи юборибсан-да!

Неъматжон. Менинг шунаقا ўз сўзимда турадиган одатим бор.

Рустам. Мен ҳам сенинг отдингга келмас эдим, бироқ масала шундаки, Олимжон билан Муқаддас бир-бирини севишади. Сен буни билишинг керак.

Неъматжон. Бир-бирларини севсалар бўпти-да, менга нима дейсан?. Аммо, мени кечирасан, дўстим, мен бунаقا гапларга ишонмайман. Мен рашқ деб аталадиган эскилил сарқитларига қарши йигитман... Менинг сенга берадиган маслаҳатим шуки, бирорларнинг ишига даллоллик қилма!

Рустам. Олимжон даллолга муҳтоҷ эмас. У ўзини ҳимоя қилолади! Бироқ гап шундаки, Собир ака сени... маъқул кўрар эмиш. Ҳозир жанжал бўлиб ўртага катта совуқчилик тушяпти... Ўзинг биласан, Муқаддас уларнинг ёлғиз қизлари. Шунинг учун мен уларнинг ўртасига бунаقا совуқчилик туширмагин, деган илтимос билан келишга мажбур бўлдим.

Неъматжон. Э-э... бунаقا баландпарвоз гапларни нима қиласан, дўстим! Яхшиси айниб қолишидан қўрқяпмиз. деб қўя қол!

Рустам (*ўрнидан туради*). Ўзингга ишонишинг яхши-ю, бироқ бунчалик катта кетма!

Неъматжон. Мени кечирасан дўстим, кўнглимга келган гапни яширмайдиган одатим бор: Муқаддас олий маълумотли қиз! Агроном!

Хўш. Олимжон ким? Олимжон унга... қандай руҳий озиқ бера олади?

Рустам. Олимжон унга фақат соғ юраги билан соғ муҳаббатини беради, холос!

Неъматжон. Шу етармикин?

Рустам. Муқаддаснинг сенга берган жавобига қараганда етса керак! Неъматжон, сен нуқул олий маълумотингни пеш қиласан. Тўғри, Олимжон кекса онаси туфайли ўқий олмай қолди, лекин у эртаю кечинилади, тинмай янгилик ахтарди, қийинчиликларга бардош бериб келди. Катта бир академик Олимжоннинг ишига юксак баҳо бермоқда.

Олий маълумотлисан-у, лекин географияни билмас экансан! Қандай мамлакатда яшашингни унутмал Бизнинг мамлакатимизда кечаги чўпон, бугун фан доктори, пахтакор колхозчи — академик, оддий ишчи — инженер бўлаётганидан хабаринг борми? Ахир Олимжон учун ҳам, мен учун ҳам олий мактабнинг эшиги ёпилиб қолмаган-ку! Ўз дўстларингни кўп камситаверма!

Неъматжон. Нима, сен мени ўқитмоқчимисан?

Рустам. Керак бўлса ўқитамиз ҳам.

Неъматжон. Ёшлик қиласан, ука.

Рустам. Хўп, бўлмаса сен билан бошқа ерда гаплашамиз. Афтинг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама дейдилар. (*Чиқади.*)

Неъматжон. А? бошқа жойда гаплашамиз? (*Биррас ҳайрон бўлиб тургач.*) Дада! Дада дейман!

Комил (чопиб кириб). Лаббай, ўғлим? Тинчликми?

Неъматжон. Кеча Собир акага учраш-
дингизми? Нима деган эди?

Комил. Бир гап борми?

Неъматжон. Собир ака нима деган эди
дяяпман сизга?

Комил. Қизиқмисиз, ўғлим? Құлига беш
минг сүлковой теккан одам нима дер эди?
Хұп дейди-да! Бир гап борми?

Неъматжон. Билмасам! Рустам бир гап
айтди, ростми Әлғонлигини ўзим ҳам билмай
қолдим!

Комил. Сиз бунақа құрқаверманг, ўғлим,
сиз ким-у, у ким? Қиз деганни шунақа нози
бұлади!

Неъматжон. Дадаси ноз қылса чорт
с ним эди-ку, қизининг ноз қылгани күйди-
ради-да, кишини.

Комил. Сабр қилинг, ўғлим. Сабр таги
сариқ олтин, деган эскилар. Кече тушда дүс-
тим билан гаплашғанмиз. Унинг сизни күёв
қишидан бошқа нияти йўқ. Аммо... пулдан
яна жиндек қўшсак дейман, негаки, ҳарна
яхши. „Пул бўлса чангалда шўрва“ деган
эскилар.

Неъматжон. Майли, дада, гап пулда
эмас, кўп бўлса Муқаддаснинг бу йил ола-
диган мукофот пулининг ярми кетар! (У ёқ-
бу ёққа юради.) Бундай, дада: ҳозир бориб
ишни битиринг. Пулни юзига бормасдан иш-
ни битиринг! Гап шу!

Малика киради.

Малика. Чой қайнади, дамлайверайми,
хўжайин?

Комил (*Неъматжонга*). Дамлайверсинми,

үғлим? (*Маликага.*) Дамлайвер. Айтмоқчи итни боғладингми, хотин? Қуданг келса қопиб олмасин, тагин? Қизини бермай құяди-я!

Малика. Құп ташвиш қилаверманг, текин бермаса пулга сотар! Түрт минг сүм оздек яна минг сүм құшибсиз-ку!

Комил. Ҳай, нодон, бу сұзингни бирөвга айта күрмал!

Малика. Нега айтмас эканман? Қуданғиз яхши одам бұлса қизини пулга сотармиди?

Неъматжон (*ранги үчіб*). Ая!

Малика. Қүй, бақирма, болам, менинг айтғанимни қылғанингда унинг қизига бунақа ялиниб юрмас әдинг! (*Чиқади.*)

Неъматжон. Бошида сизга бу нарсаны жеч ким билмасин демаганмидим, дада!

Комил. Эскилар, сириңгни хотинга айтма, деб хұп түғри айтған эканлар-да!

Малика қайтиб киради.

Малика. Ҳай, хұжайин, дүстингиз келди.

Комил. Үйга таклиф қылдингми, нодон?

Малика. Таклиф қылсам кирмади.

Комил (*ҳайрон бўлиб*). Нега кирмади-а?

Малика. Мендан сұрагунча чиқиб дүстингиздан сўранг!

Комил чиқиб кетади.

(*Неъматжонга.*) Нега оғзинг очилиб қолди? Ә қайнатангни күрмоқчимисан? Бор, боққа чиқ!

Неъматжон чиқиб кетади. Малика хола күрпача солади. Комил ака, Собир ака киради.

Малика. Омонмисиз, куда, юқори ўтинг! (*Чиқади.*)

Комил. Кирмайман деганингиз мени жу-

да хафа қилди-да, қадрдон. Токи бир оғиз бўлса ҳам шу ерда гаплашганимиз маъқул, лаббай? Қани, марҳамат қилсинлар.

Собир ака. Раҳмат, уста. Кўп илтифот қилиб уялтируманг, мен усиз ҳам уятли бўлиб келдим.

Комил. Нега унақа дейсиз, қадрдон? Ҳа-а, тушундим. Тушундим. Қанча айтманг эски тулкисиз-да. Ҳа-ҳа-ҳа... Хўп, хўп, колхозчилик, одам кўп. Тўй қилгандан кейин беш минг сўлковой нима бўлади, лаббай?

Собир ака. Шунақа-ю, аммо...

Комил. Хўп дегандан кейин бўлди-да, қадрдон! Бизлар мингта сиз·биздан, битта жиз·биз аъло деймиз. Яна минг сўлковой берсак етар, лаббай?

Собир ака. Бу нима деганингиз, уста?

Комил. Бу ҳам озми? Сиз ҳам инсоф қилинг-да, қадрдон? Минг сўм қўшсак олти минг сўлковой бўлади-я!

Собир ака. Ҳовлиқманг, дейман, уста! Гап бор ахир!

Комил. Қанақа гап?

Собир ака. Қизим...

Комил. Қизингиз кўнмадими? Рост гапми? (*Қўлини силкиб.*) Сизни қаранг-а! Яна уялмасдан эркакман деб мўйлов қўйиб юрип-сизми? Рўмол ўранг-э!

Собир ака. Шошманг, уста.

Комил. Қўйинг, гапирманг! Мен сизни қадрдон деб юрибман-а? Ёлғиз қизи маданий жойга бориб, баҳтли бўлсин деб юрибман-а? Ит қорнига сариёғ ёқмапти-да, лаббай?

Собир ака. Нима? Мунча ҳовлиқасиз? Ҳизматингизда, оғзингизга қараб галиринг!

Комил. Хўш, бош бухгалтерга тегмасдан кимга тегар экан? Агроном ким бўлти-а?

Собир ака. Олдин бош бухгалтер нималигини билиб олинг. Кейин гапиринг. Бош бухгалтер деганингиз нари борса бир чўт қоқар-да!

Комил. Бўйингиз етмагандан кейин пуф сассиқ бўлти-да, лаббай?

Собир ака. Бўйи етмаган бизми, ё сизми, хизматларида!

Комил. Э, боринг! Қизингиз садқаи ўғлим кетсин-э!

Собир ака. Ўғлингиз садқаи қизим кетсин-э! Унақа чўт қоқарга берадиган қизим йўқ! Номард экан!

Комил. Ҳой, ҳой? Ким номард? Неъматжонми, лаббай?

Собир ака. Номард бўлмаса Зулфиядек қизни алдаб кетармиди?

Комил. Топган баҳонасими қаранг-а! Ундан кўра қизимни кўндира олмадим, деб қўя қолинг! Шунақа қиз менда бўлсин-чи, бўйнини узиб олай! Аммо ўз қизингизга кучингиз етмаса беш минг сўлковойни киссага уриб нима қиласиз? Ундан кўра „бў“ денг!

Собир ака. Қўйинг! Сиздан ҳам, ўғлингиздан ҳам бўлдим! Мен содда эканман! Қизим ҳақ экан! Ақл ёшда эмас, бошда деган гап тўғри экан! Боринг! Сизга қиз тугул ҳовлимдаги товуғимни ҳам бермайман! (Чиқади.)

Ичкаридан Неъматжон, кейин Малика чиқади.

Неъматжон. Кўнмаган ким? Қизи бўлса керак, албатта.

Комил. Ўша-да!

Ташқариди төвиллайди.

Комил (*Маликага*). Бор, қара!..

Малика чиқади.

Яна ким келди экан? Э, худо ўзинг обрў бергайсан...

Малика киради.

Малика. Қоровул келиб, сенга мана бу қоғозни бериб кетди. (*Неъматжонга ҳат беради.*)

Неъматжон (*ҳатни олиб ўқийди*). Йигирманчи август кеч соат саккизда комсомол ташкилотининг бюро мажлиси бўлади. Кун тартибида: „Комсомол аъзоси Неъматжон Комиловнинг маънавий қиёфаси...“

Комил. А? Бу нима дегани, болам?

Неъматжон. Дард дегани! энди нима қиласман?

Пауза, бедана сайдайди.

Малика. Бошда айтдим! Шарманда бўласанлар, дедим!

Комил. Ҳамма бало сендан!

Малика. Ҳа мен нима қилдим, жаҳлингиз чиқади?

Комил. Олти минг сўлковой пул бердик, деб сўз тарқатасан-у, яна нима қилибман, дейсан? Бу гапларинг раиснинг қулоғига етилти! Қиз ҳам розилик бермапти, нодон!

Малика. Ажаб қипти! Бошида айтдим, Зулфиядек қизни йиғлатманглар, кўз ёшининг уволига қоласизлар, дедим кўнмадиларинг. Пулни кўп топадиганини оламиз дедиларинг, илми баландни оламиз дедиларинг. Чиндан илми баланд экан, ўша қизнинг. Ажаб қипти.

Комил. Ҳой, нодон!

Малика (қулоқ солмасдан). Ажаб бұпти! Үғлингизга ҳали бу ҳам оз! Бұлмаса Зулфия кимдан кам? Ҳусни деса ҳуснига сүқингиз киради: қошлари қундуздек, соchlари сумбулдек бир пари! Үйга келса, уйнинг ишини, далага чиқса даланинг ишини гулдек яшнатади. Қандай қызы! Раҳмат демаган одам йүк!

Комил. Э-э... күп вайсамасдан қулоқ солсанг-чи, нодон! Гап бор!

Малика. Иш битипти-ку, яна нима дейсиз?

Неъматжон. Хүп аяжон, сиз айтгандай бұлсин: мен Зулфиягақ үйланаман. Лекин шундай бир түй қилайликки, бутун қишлоқ ҳайрон қолсЫн! Мен әртагақ Ташкентта жүнайман. „Победа“ оламан! Мен Зулфияни ўзимнинг шахсий „Победа“мға миндириб келаман! Мен уни ипак билан шоҳига ўрайман! Дада, сиз Маҳмуд акага боринг, айтинг.

Малика (бошини ғамгин ҷайқаб). Ақлинг кирди-ю, үғлим, бироқ кеч кирди. Үйлаб қара, болам: шундай номаъқулчиликлардан кейин Маҳмуд энди сенга қизини берармикин?

Неъматжон. Мен Маҳмуд-паҳмудингизни билмайман. Аммо Зулфия мени севади! Шундай севадики, унга менинг бир оғиз сўзим кифоя! Боринг, дейман, дада!

Комил (шошиб). Нима дейман, үғлим!

Неъматжон. Шу ҳафта ичи түй денг!. (Пауз.) Энди ҳамма гап Зулфияда. Фақат. Зулфия мени қутқариши мумкин!..

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Кохоз бөғи. Ўнг томонда павильон. Парда очилганда Қумри хола столдаги нарсаларни йиғиштирмоқда. Ташқаридан шов-шув, күлги овозлари эшитилиб туради:

Хайр, ўртоқ профессор!
Яхши боринг, Василий Иванович!
Рахмат, дүстларим, хайр!

Собир ака киради.

Собир ака. Дүстимни жүнатдик, аяси.

Қумри. Вой, дадаси, дүстингиз жуда ҳам яхши одам экан - а?

Собир ака. Энди, хизматингда, илми катта-да, илми!

Қумри. Дадаси дейман, дүстингиз, Олим-жонни жудаям мақтаб юборди-ю, иши яхши экан-да!

Собир ака. Пахтаси ўн беш кун олдин очилди-ю, уни мақтамасдан, хизматингда мени мақтасинми? Аммо, ўзи ҳам академик билан нақ оғиз-бурун ўпишиб қолди-да!

Қумри. Ҳой, дадаси, қизингиз бир нарсаны билар экан-да, ҳайтовур, шу йигит күзимга иссиқ күринган эди.

Собир ака. Мен ҳам ёмон күрмас әдим, негаки, йигити тушмагур ўзимга ўхшаган, юрагида ўти бор!

Құмри. Айтсам ишонмайсиз, бироқ ҳалиги баш бухгалтерингизни башдағаң күнглім сүймаган зди, юзида „жиз“ этган уяти йүқтігит экан! Эрталаб раисни қидирған бўлиб уйга келяпти-я!

Раҳбар, Олимжон, Муқаддас, Рустам,
Рахимжон ва колхозчи қиз-йигитлар кирадилар

Раҳбар. Шундай қилиб, чинакам академик билан сұхбатлашишга ҳам мұяссар бўлдиг-а, йигитлар?

1-йигит. Василий Иванович чинакам академикка сира ҳам ўхшамайди-ю опа!

Олимжон. Чунки академик деганда күзойнак таққан, ҳамиша қовоғини солиб юрадиган салобатли одамни тасаввур қилиб ўрганганимиз-да!

2-йигит. Мен бундай хушчақчақ одамни ҳеч кўрмаганман!

1-йигит. Шўх-шўх сўзларини айтмайсанми? Сизга нима деди, Раҳимжон ака?

Раҳимжон. Дарров унугибсиз-да, у: „Сизни яхши қизлар севмайдилар, чунки яхши қизлар юрагида ўти бор йигитларни севадилар!“ — деди.

1-йигит. Агар профессор Фроловга ишонмасангиз, Муқаддасхондан сўранг деганичи?..

Раҳимжон. Профессор-ку, мени билмайди, лекин нега сиз ҳам шу гапни айтдингиз, опа? Энди мен юрагида ўти йўқ йигит бўпман-да, ҳосил учун курашмалман-да!

Раҳбар. Юрагида ўти бор, деб қийинчиликлардан қўрқмасдан янгиликлар ахтарадиган, олдига катта мақсад қўйиб ишлайди-

ган одамларни айтса бўлади. Юрагида ўти бор, деб мана Олимжонни айтса бўлади! Ахир нега сенинг пахтанг энди очила бошлади-ю, Олимжон эртага теримга киришади?

Сен боболаримизнинг тажрибаларини мақтаб юрган вақтингда Олимжон чигитни упалиб экишдек янги метод ишлаб чиқди. Нега шундай? Чунки, унинг юрагида ўти бор! Бахорда сен юз турли баҳоналар топиб, чигитни эски усулда эккан пайтларингда, у янги усулда экишдан қўрқмади! Мана энди унинг ҳамма пахтасини машина билан териб олишимиз мумкин. У одамларнинг меҳнатини осонлаштириди! Сен эса қўрқоқлик қилдинг, ҳеч бир янгиликнинг қийинчиликсиз бўлмаслигини тушунмадинг, Раҳимжон!

Собир ака. Энди, хиэматега, фан кўп ажойиб нарса экан-да, ука! Мана, масалан, биз завхозмиз-у, аммо фанга жуда қизиқмиз-да!

Раҳбар. Йигит бўлсанг довюрак бўл! Бу фақат Раҳимжонга эмас, ҳаммангида айтган сўзим. Қийинчиликлардан қўрқманглар. Ҳамиша улуғ орзу ҳавас билан яшанглар, тинмасдан ижод қилинглар!

Ҳамма. Раҳмат, опа!

Раҳбар. Ҳўп, энди кетайлик. Эртага терим нормасини бажариш учун бугун яхшилаб дам олиш керак!

Олимжон. Сиз дам олинг, опа, биз ҳали далага чиқамиз!

Рустам. Эртага шундай тўй қиласиз-ку, бугун ухлаб бўладими, опа?

Қумри. Ҳой, дадаси.

Собир ака. Тўй? Хизматингизда, қанақа тўй?

Раҳбар. Бу сиз ўйлаган тўй эмас, бошқа тўй, Собир ака!

Муқаддас. Эртага кўп йиллик меҳнатимизнинг биринчи мевасини татиб кўрамиз, бу тўй эмасми, дада? Сиз ҳам далага чиқинг, опа, ойдинда пахтазорнинг қандай сеҳрли бўлишини томоша қиласиз, майин шабаданинг гўза баргларини шитирлатиб эсишини жимгина ўтириб эшиштамиз...

Собир ака. Шоир экансан-ку, қизим!..

Раҳбар. Ҳар касбнинг ўз нашъаси бор, Собир ака! Ҳар ким ўз ишида шоир бўлмаса, уни астойдил севмаса, ундан иш зерикали мажбуриятга айланиб қолади. Хўп, бунақа шоирона сўзлардан кейин ухлаб бўладими? Лекин мен бирпасга идорага бориб келади.

Олимжон. Биз сизни далада кутамиз, опа!

Ташқаридан Шералининг овози эшишилади.

Рустам. Э! Шер акам-ку!

Раҳбар (*кулади*). Биз уни Неъматжоннинг ўрнига қўймоқчи әдик, шунга бўлса керак!

Шерали киради.

Шерали. Шу ҳам иш бўлтими — адолат ҳам керак-да! Мен сиздан буни кутмаган эдим, опа!

Раҳбар. Нимани кутмаган эдинг?

Шерали. Ўртоқ бригадир, жон ука, ўзингиз қутқариб қолинг!

Олимжон. Нима гап ўзи?

Ҳамма. Нима гап? Нима гап?

Шерали. Жон синглим, бир нарса денг, ҳамма умидим ёлғиз сиздан.

Муқаддас. Тинчликми, Шер ака, ўзингизни бир оз босинг!

Шерали. Тинчлик қаёқда, жон синглим? Қовурғага эндиғина жир бита бошлаган эди, яна дала ишидан бўшатиб помбухликка ҳайдашармиш!

Раҳбар. Биз сени помбух эмас, главный бухгалтер қилиб тайинламоқчимиз. Арслоншер! Неъматжоннинг ўрнига сени қўймоқчимиз!

Шерали. Мени тинч қўйинг, опа! Унинг мансаби тугул бошидаги шляпасини қўшиб берсангиз ҳам, бош бухгалтер бўлмайман, опа! (*Олимжон билан Рустамга*) Нима бало? Оғизларингизга толқон солиб олдиларингми? Нега индамайсанлар? Ё мен ёмон ишладими? Дангасалик қилдимми?

Олимжон. Шер акам бизга оға бўлди, бригадамизning шеридан бизни ажратманг!

Рустам. Бутун бригада ёшлари номидан Шер акамни бригадада қолдиришингизни сўрайман!

Олимжон. Опа, Шер акам яхши ишлади, у моҳир сувчи бўлиб олди. Лекин энг яхшиси шундаки, у ҳамиша кўнглимизга далда беради. Бизнинг олдимиизда ҳали катта қийинчиликлар турилти, Шер акам бизга керак, опа!

Муқаддас. Ёшларнинг ишига бутун қалби билан ишонган, ёшларни шундай севган одамни бригададан олсак тўғри бўлармикин, опа?

Ҳамма. Шер ака бригадада қолсин, опа! Илтимос қиласиз!

Раҳбар (кулиб). Йўқ-йўқ, мен правление-нинг қарорини бузолмайман!

Шерали. Жон опа, айтганингизниң ҳам-масини қиласан! Ҳар куни икки юз килодан пахта териб бераман, бу ҳам оз десангиз, битта шеър ёзиб қўйган эдим, буни ҳам ўқиб бераман!

Ҳамма. Шеърини эшитайлик, опа! Шеърини эшитайлик!

Раҳбар. Хўп, оддин шеърини эшитай.

Шерали (ўқийди).

Очилди далада пахта,
Шоир, пахтангни мақта,
Пахтага қофия не десам,
Дедилар: ҳурмат тахта.
Азиз дўстим, Раҳимжон,
Пахтангиз бўлди нимжон.
Дўппини ечиб беринг,
Кўриб қўйисин кенг жаҳон.
Чаман очилган пахта
Сизни кутар, ўртоқлар!
Илҳоми тошиб кетиб
Ғазал ёзди Арслоншер

Раҳимжон. Шеърингиздан тутуннинг ҳиди келади-ю, Арслоншер!

Шерали. Шеъримизга тан бермасангиз ҳам пахтамизга тан берсангиз бўлди, полвон!

Ҳамма. Энди шеъри учун қолдирамиз, опа!

Раҳбар. Хўп, ёшлар илтимос қиласа, мен нима ҳам дейман!

Шерали. Яшанг, опа, бу яхшилигингизни унутмаймиз! Энди бизни чевар теримчиларнинг қаторида кўраверинг, опа!

Ҳамма чиқади, факат Раҳимжон, Олимжон, Муқаддас қолади.

Раҳимжон. Олимжон, Муқаддас, тўхтанглар, мен сизларни табриклаб қўйай. (*Олимжоннинг қўлини олади.*) Аммо, мен бу ишни қасдан қилмаган эдим...

Муқаддас. Сизни ҳеч ким айблаётгани йўқ, Раҳимжон ака.

Раҳимжон. Мен ҳам сенлардек ҳосилни ошираман деган йигитлардан эдим... Хўп, майли, бу сўзларнинг энди фойдаси йўқ! Ўқимаган эканман, ўрганмаган эканман, тушундим. Бўйнимга оламан! Хўп, хайр. (*Кескин бурилиб чиқади.*)

Олимжон. Чиндан ҳам Раҳимжонга оғир...

Муқаддас. Василий Ивановичнинг сўзлари жуда каттиқ таъсир қилибди...

Зулфия кўринади.

Муқаддас. Зулфия келяпти. Мени излаб юрган бўлса керак, бирпас кутинг, Олимжон ака.

Олимжон. Хўп, гаплашинг. (*Чиқади.*)

Муқаддас. Зулфия, кел.

Зулфия. Мен... Сиздан кечирим сўраб келдим, опа, мен янгишган эканман...

Муқаддас. Мен сендан хафа эмасман, бу гапларни қўй!

Зулфия. Мен уни деб... Сизни ҳам, Рустам акамни ҳам хафа қилдим. Агар у келиб суқилмаганда биз баҳтли бўлардик.

Муқаддас. Зулфия, азизим, хафа бўлма. Рустам ака сени ҳали ҳам унуган эмас, у сени ҳануз севади. Энди гап унда эмас. Агар сен севсанг...

Зулфия. Қўйинг, унақа деманг, у яхши йигит. Мен унинг тирногига ҳам арзимайман... Ақлим бўлса шундай қиласмидим. Ахир мен уни илгари севар эдим. Севганим учундир-да унуголмайман. Айниқса шу ойда уни кўп эсладим, фақат сиз буни унга айтманг.

Муқаддас. Нега энди? У тушунадиган йигит...

Зулфия (чўчиб). Йўқ! Йўқ! Унга ҳеч нарса дея кўрманг! Олдинроқ ўйлаб, ўзим шу фикрга келганимда ҳам бир сари эди. Энди яхши эмас, бошда мен уни хафа қилдим, севгисининг қадрига етмадим, энди қандай қилиб унинг юзига қарайман?.. Қўйинг нима бўлса ҳам бошимга тушганини ўзим кўраман...

Муқаддас. Майли, ҳозир бу гапларнинг фойдаси йўқ... Бир кун келиб, Рустам акамнинг муҳаббати соғ муҳаббат эканига ўзинг ҳам ишонасан... Ҳозир менинг фақат битта илтимосим бор: ўзингни ишда кўрсат. Бу йил сен ишдан жуда совуб кетдинг. Шу яхши ми? Ахир сен бултур колхозда энг яхши теримчи эдинг-ку!

Зулфия. Ҳаммасига ўзим сабабчи бўлдим. Мен ўшани деб ишдан ҳам совуб кетдим, ҳатто дўстларимдан ҳам ажралдим.

Муқаддас. Дўстларинг сени унуганлари йўқ... Майли, бу сенга катта сабоқ бўлди.

Фақат энди бу қайғу-хасратни ташла! Эртага бригадада терим бошланади. Ҳозир ҳамма колхоз ёшлари далада. Юр, сен ҳам биз билан бўл, әртага эса ўтган йилдагидек чевар теримчилар сафидан ўз ўрнингни ол, Зулфия!

Зулфия. Энди ишлайман раҳмат, опа!

Орқадан Неъматжон киради.

Неъматжон. Кечирасизлар... Гапларингга халақит бермадимми?.. Мен Зулфияни излаб келгандим, кечирасиз, Муқаддас. Мумкин бўлса икки оғиз гаплашсак...

Муқаддас чиқади.

Зулфия?.. Ярим ойдан бери йўлингизни пойлайман, сиз қарамайсиз. Охири шу ерга келишга мажбур бўлдим, бу ёққа қаранг, Зулфия! (Зулфия қарамайди). Майли, мени кўришни истамассангиз, қарамай қўя қолинг, аммо чин юракдан чиқадиган икки оғиз сўзимга қулоқ солишингни сўрайман.

Зулфия. Сизда умуман чин сўз, чин юрак, чин муҳаббат деган нарса борми?

Неъматжон. Бор. Ахир Муқаддас келишидан олдин мен сизни севганлигимга шубҳа қилмасангиз керак. Ҳа, мен сизни севар эдим. Бутун қалбим билан севар эдим... Менга ишонинг, Зулфия, қандай қилиб шу ишни қилганимни ўзим ҳам яхши билмайман. Мен янгилишдим, хато қилдим, қадрингизга етмадим... Буни бўйнимга оламан. Фақат сиз ҳам тушунинг: ёшлиқда ким янгишмайди? Ким хато қилмайди, Зулфия! Мен ҳам ўз хатомни тушуниб, олдингизга бош эгиб келдим... Мен

ни кечириңг, Зулфия, илгариги пок мұхаббатимиз ұрматига кечириңг!

Зулфия. Мени сиздан гина қиласы, деб үйласанғыз хато қиласыз! Қүйинг, мен сизнінг тенгінгиз әмасман! Сиз биш бухгалтерсиз, институтни тамомлагансиз... (*Магур.*) үзингиздақа күп пул топадиганини олинг! Менған нима дейсіз? Мени тинч қүйинг... (*кетмоқчи бұлади.*)

Неъматжон (*Зулфиянінг олдини түсіб*). Шошманг, Зулфия, нақотки шу арзымас гуноҳимни кечирмасанғыз? Ахир мен бу хатом учун озмунча қийналаётганим йүқ-ку! Мени ишдан олишди, комсомоллар мажлисига қўйиши, шарманда бўлдим! Бу озми, Зулфия? Наҳоятки раҳмингиз келмаса? Ахир, биз бир-биримизни севар эдик-ку, Зулфия!

Зулфия (*ерга тикилганича секин*). Севар эдик... Қўйинг, бу сўзни айтманг; Сиз менинг йўлимни тўсманг, менинг йўлим бошқа йўл!..

Неъматжон (*Зулфиянінг орқасидан*). Зулфия! Мен сизни севаман, Зулфия!

Комил киради.

Комил. Хўш гаплашдингизми, ўғлим?

Неъматжон. Ҳа, гаплашдим! Гаплашмасам яхшироқ бўларди!

Комил. Нега? Бу ҳам кўнмадими?

Неъматжон. Ҳа, кўнмади.

Комил. Қўяверинг, ўғлим, қиз зоти алҳамдиллло, қуриб қолган әмас. Худо хоҳласа ўзим сизга онаси ўпмаганини топиб бераман! Пул бўлса чангандада шўрва. Сиз ким-у, у ким? Шунча илмингиз, шунча давлатингиз туриб,

шу қизга ялинасизми? У бўлмаса, яна бош-
қаси-да!

Неъматжон. Қўйинг, дада, берган наси-
ҳатларингизнинг пучга чиққанини кўриб ту-
рибсиз-ку, яна шу гапларни айтасиз!

Комил. Ҳали менинг насиҳатларим ёмон
бўптими?

Неъматжон. Қўйинг, дада! Бошда ҳам-
ма қилгиликни сиз қилдингиз! Пул бўлса
чангалда шўрва дедингиз! Қани ўша шўрва?
Шўрва ҳам кетди, муҳаббат ҳам кетди, икки
қўли бир тепа бўлиб обрў ҳам кетди. Қаранг,
ҳамма тенгдошларимнинг кўзида севинч юзида
кулгу, қалбида баҳор. Менинг-чи, менинг?
Мен нима деган одам бўлдим? Энди нима
қилишим керак?

Комил. Ҳали менга ақл ўргатадиган бў-
либ қолдингми? Бор-е билганингни қил! (Чи-
қади.)

Челак кўтариб Шерали киради.

Шерали. Э, Неъматжон ука, ишлар ча-
тоқ бўпти-да, эшиждим... Аммо хафа бўлманг,
ука. Белингизни маҳкам боғлаб далага чи-
қинг! Обрў оламан десангиз, паҳтада ишланг,
ука. Тер тўкиб бир йил кетмон уринг, яна
ўз мансабингизга минасиз! Аммо, кўнглинг-
изга олманг, ука! Чин кўнглимдан насиҳат
қиляпман... Хўп, денг!

Неъматжон индамасдан чиқиб кетади.

Аммо энди ўзинг ҳам шляпани олиб қўйиб,
бир ўйлаидиган бўлдинг-да, ука! (Чиқади.)

Ўнг томондан Олимжон киради.

Олимжон. Муқаддас!

Муқаддас чиқади.

Гаплашдингизми?

Муқаддас. Гаплашдим.

Олимжон. Жуда яхши қилибиз. Зулфия-дек теримчи қизлар бизга жуда-жуда керак... (Пауза.) Шундай қилиб, эртага теримни ҳам бошлаймизми?

Муқаддас. Қўрқяпсизми?

Олимжон. Ҳа. Лекин, тўғрисини айтсан, менинг умидим бундан ҳам катта эди... Мен янги сортни чиқардим, деб уйлаган эдим... Нима ҳам қиласардик, ишни давом этдирамизда, Муқаддас?

Муқаддас. Давом этдирамиз. Олимжон ака... Сиз хафа бўлманг, хафа бўлишга ҳақингиз йўқ. Ҳеч бир катта иш қийинчиликсиз бўлмайди...

Олимжон. Мен қийинчиликлардан қўрқмайман, айниқса ғнимда сиздек дўстим ва йўлдошим турганда нимадан қўрқаман, Муқаддас?.. (Пауза.) Дадангиз билан гаплашдингизми?

Муқаддас (*ерга қарайди*). Гаплашдим. Мендан кейин Раҳбар опамлар ҳам гаплашилар... (Пауза, секин.) Дадам тушундилар. (*Кулади*). Тўғрироғи, гаплашиб юриб охири тушунтиридик, Олимжон ака.

Олимжон. Энди кампирни ишонтираверсам бўладими, Муқаддас... Нега индамайсиз (Пауза.) Сиздан қанчалик миннатдор эканлигимни қандай изҳор этишни билмайман!.. Шу кунларда мен сизни жуда кўп ўйлайман, Муқаддас.

Муқаддас (секин). Мен ҳам сизни күп эсл. им, Олимжон ака; сиз гүё ҳамма вақт ёнимда бўлиб, дадам билан.. гаплашган вақтимда менга далда бериб турдингиз.

Олимжон. Муқаддас, жоним!

Муқаддас (кулади). Бир томондан шундай бўлгани ҳам дуруст бўлдими дейман, Олимжон ака?

Олимжон. Нега энди?

Муқаддас. Чунки, шу баҳонада Зулфия билан Рустам аканинг ўртасидаги англашилмовчилик ҳам йўқолди.

Олимжон. Демак, тўй бирга экан-да?

Муқаддас. Ҳали Рустам акам у билан ботиниб гаплаша олса денг?

Олимжон. Тўй фақат шунга қараб турган бўлса, уларни ҳозир гаплаштирганим бўлсин! Юринг, далага чиқамиз. Шийпонда тарвуз бор, биттасини олиб қирга чиқамиз, ойдинда қишлоқни, пахтазорни томоша қиласиз!

Муқаддас. Юринг, Олимжон ака! (*Кўл ушлашиб чиқадилар.*)

Кўчадан қўшиқ айтган овозлар эшитилади... Боққа Собир ака, кейин Қумри хола киради

Собир ака. Қизинг ҳам бирга кетди, аяси.

Қумри. Қўяверинг, дадаси, ўзи шу йигитни яхши кўрипти — қаршилик қилманг.

Собир ака. Мен бир нарса дедимми, аяси? Айтяпман-ку, менга у йигит ёқади, деб, негаки ўзимга ўҳшаб илмни севади!

Қумри. Вой тавба, бир ундоқ дейсиз, бир бундоқ дейсиз. Ўзингиз-ку, бош бухгалтерга берсан ҳам бераман, бермасам ҳам бераман деб қизингизни қанча йиғлатдингиз.

Собир ака. Э-э... сўзингни қара! Мен бош бухгалтерни мақтасам, сен аясининг латта-путтасини мақтаб бошимни қотирмаган-мидинг?

Қумри. Қайдан билай, дадаси, ўқимагандан кейин шунақа тушунмас экансан. Энди рози бўла қолайлик...

Собир ака. Хўп дегандан кейин бўлдида... Аммо қизингга айт: тўйни тезроқ қилишсин... (*Йўталиб олади.*) Бир невара кўрмасак бизга ҳам қийин...

Қумри. Айтаман, дадаси, шу бугуноқ айтаман... Умрингиздан барака топинг. (*Кузини артади.*)

Собир ака. Хўп-хўп. (*Кумрининг елкасини силайди.*) Ишқилиб, биздек бўлиб иттифоқ бўлишсин.

Қумри. Севишгандан кейин иттифоқ бўлишади, дадаси? Севиб қўшилганга нима етсин, дадаси...

Собир ака. Тўғри, аяси, чин муҳаббатга етмас экан, эсингдами, кимсан Каримхўжанинг ўғлига тегмасдан мен билан қочганингда лоақал бошпанамиз ҳам йўқ әди. Ишқилиб биздек қўша қаришсин!..

Парда

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ-ДИЛИМ.



4 ПАРДАЛИ ДРАМА.



ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Комил — 32—33 ёшларда, иқтисодий фанлар кандидати.

Дилбар — 23—24 ёшларда, унинг хотини.

Мехри — 60 ёшларда, унинг онаси.

Юсуп — 42—43 ёшларда, унинг акаси.

Хури — 36—37 ёшларда. Юсунинг хотини.

Раъно — 16—17 ёшларда, синглиси.

Ойша — 62 ёшларда, Мехрининг опаси.

Эркин — 20 ёшларда Ойшанинг ўғли.

Муяссар — 26 ёшларда.

Умаржон — 30 ёшларда, Муяссарининг эри.

Курбон ота — 65—66 ёшларда.

Азиз — 27—28 ёшларда.

Акрам — 27—28 ёшларда.

Чилдирмачи йигит

БИРИНЧИ ПАРДА

Янги, чиройли уйнинг айвони. Айвоннинг олди гулзор. Куз. Ўнг томондаги бир туп ўрикнинг япроқлари саргая бошлаган.

Парда очилганда Меҳри хола савзи тўғрамоқда,
Хури ўсма сиқмоқда.

Хури. Қўйинг, ая шулар келди-ю,
уйимдан барака кетди. Бу уй ўлгур чойхонага
айланди. Худонинг берган куни одам!

Меҳри. Одам бор жойга одам келади-
да болам!

Хури. Тағин ҳаммаси қаёқдаги эзмачу-
руклар! Бурун Ширинхон билан Шакархон-
ларни чақириб жиндек дутор-сотор қилиб
яйраб олардик, энди ундан ҳам айрилдик.

Меҳри. Секинроқ гапиринг, болам,
эшитса уят бўлади, ҳар нечук улар — меҳ-
мон.

Хури. Улар меҳмон бўлса, мен малай
эмасман. Керак бўлса юзларига айтаман.

Меҳри. Ҳой, болам...

Уйдан Дилбар чиқади.

Дилбар. Ҳалитдан савзи тўғраяпсиз,
овқатга эрта эмасми, ойижон?

Меҳри. Комилжоннинг келишига тайёр бўлсин девдим. Эрталаб нонушта қилмай кетган эди, пешин бўлай деб қолди, ҳалиям домдараги йўқ, оч юрган бўлса-я?

Дилбар. Энди диссертациясини битирмагунча аҳвол шу! Уни биласиз-ку!

Меҳри. Диссертация ҳам бор бўлсин. Келганига ярим ойдан ошди-ю, ёзилибгина бир дам олмади!

Дилбар. Чин олим ўзини ўйламас экан, ойижон, фанни ўйлар экан! (*Меҳри холани қучоқлаб*). Тушунмайсиз-да, ойижон, яна биринки йилдан кейин ўғлингиз доктор бўлади, иқтисодий фанлар доктори! Наҳотки қувонмасангиз, ойижон?

Меҳри. Ишқилиб тани-жони соғ бўлсин, худо умрига барака берсин. Қишлоққа келди-ю, баттар озиб кетди. Бир нарсадан хафами, билмадим, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ўйлагани-ўйлаган. Тағин ишдан қўли тегса-чи?

Хури. Худо билсин — далага чиқиб ишляяптими, ё пахтазорда бировлар билан беркинмачоқ ўйнаб юрибдими?

Меҳри. Келишмаган гапларингни ҳеч қўймадинг-да, болам!

Хури. Сиз нимани биласиз, ая! Қачон қараманг, ўша Муяссархон билан юргани-юрган! Бежиз дейсизми?

Меҳри. Юрса иши бордир.

Хури. Худо кўтарсан ўша ишни! Қўйинг, ая, биламиз: Муяссархонинг институтда ўқиб юрган чоғларидаёқ Комилжонга хуштор экан-у, нима ҳам бўлиб теголмай қолган эмиш... Умар лапашангга тегиб қўйиб ҳали-

ҳали дөгдә эмиш... Эшитяпсизми, Дилбархон — әхтиёт бўлинг!

Дилбар. Маслаҳатингиз учун... раҳмат-у, бундан кейин бунақа гапларингизни қўйинг опа!

Хури. Вой, ҳа намунча энди! Туяга янтоқ керак бўлса бўйничи чўзар! Эр керак бўлмаса, менга қолса кўчага ташланг!.. Келинг, қўйинг, хафа бўлманг, шунчаки ҳазиллашдим-да. Яқинроқ ўтиринг, ўсма қўямиз!

Кўча эшикдан Раъно киради. Қўлидаги қопини четга отиб, ўзини стулга ташлайди.

Хури. Вой, мунча зарда қилмасангиз, ўргилай? Теримга бир кун чиқмасдан белингиз оғриб қолибди-да?

Раъно. Ҳамма гапирса ҳам сиз жим ўтилинг! Бел оғриқ, қандоқ бўлишини эртага ўзингиз чиққанда биласиз!

Хури. Мен теримга чиққан куним дала-га қизил қор ёғади, жонгинам!

Раъно. Қўрамиз! Акам мажлисда ваъда бердилар, энди чиқмай бўпсиз!

Хури. Акангиз кундуз нималар деганини кечаси унутиб қўяди! Кеннойингиз қошига ўсма-ю, кўзига сурмани бекорга қўяди дейсизми, ўргилай?

Меҳри. Ҳой, Ҳуриниса, сизга нима бўлди?

Раъно. Юсуп акам чизган чизифингиздан чиқмайди, биламан, бироқ бу гаплар Комилжон акамдан чиққан бўлса нима қиласиз?

Хури. Комилжон акангиз олдин ўз отинчасини чиқарсин, кейин бизга гапиради. (Дилбарга.) Ҳой, Дилбархон, сиз ҳам айтиб

қўйинг, куёвчангизга! Мошхўрдага қатиқ бўлавермасин! Келибдими, ё китобини ёзиб, тинчгина юрсин, ё олимлигини йиғишириб қўйиб бригадир бўлсин! (*Чиқади.*)

Раъно (*қотиб кулади*). Ёлғон айтдим, ҳой кенойи! Ҳазиллашдим!

Меҳри. Худо ўзи берган феълни ўзи олмаса қийин экан-да, ўн беш йил бўлдики, мен насиҳатимни қўймайман, бу — ўз билганини! Сиз кўнглингизга олманг, болам.

Дилбар. Опамлардан гина қилмайман-у, Комилжон акамдан хафа бўласан, киши. Шу гаплардан нима фойда? Бекорга ҳамманинг кўнглини қолдиради!

Раъно. Қўяверинг, кенойи, тўғри гап туққанингга ёқмайди, дейдилар. Юринг, анор еймиз! Юринг! (*Боққа чиқиб кетадилар.*)

Юсуп билан Акрам, кейинроқ Эркин киради

Юсуп. Комилжон уйдами?

Меҳри. Йўқ, ўша эрталаб кетганича дарраги йўқ.

Юсуп. Оббо! (*Акрамга.*) Энди нима қила-миз?

Акрам. Ҳайронман.

Юсуп. Келинингиз қани? Айтинг битта аччиқ чой қилсин!

Меҳри чиқади.

Акрам. Комилжон акам бўлмасалар чой ичиб ўтирамизми, отахон? Идорада қулинг ўргилсин шўрва „биқирлаб“ турибди. Ўзларидан ижозат бўлса, қирқ яшар мўйсафиддан биттасини олиб борсак, азбаройи жаннатнинг гаштини сурардик-а, Эркинжон?

Юсуп. Бу гапларни боя айтмайсанми,
дарди йўқ кесак?

Акрам. Энди... Комилжон ака бўлса иш-
ни тезроқ битирайлик девдим-да!

Юсуп. Шошма, нима гап ўзи? Намунча
итдан қўрқкан мушукдек титрайсан? Менинг
тилим қисиқ жойим борми?

Акрам. Э, э, мен сизга шунаقا дедимми,
отахон? „Колхозга келар-келмас данғиллама
уй солиб олди, ҳамма маблағни фойдасиз
ишларга сарф қилид!“ деяётган мен эмас-
ман-ку, мунча дағдага қиласиз?

Юсуп. Тушунмаган нодонлар нималар
демайди?

Акрам. Мен нима деяпман, ахир? Комил-
жон акамдек олим одамнинг шунаقا олди-
қочди гапларга учиб юрганига биз ҳам
ҳайронмиз-да, отахон!

Эркин. Ҳа, энди акамга ҳам бир оғиз
айтиб қўйинг-да, ўз иши туриб, бунаقا майдада
гапларга аралашиб нима қиласиди?

Юсуп (*Эркинга*). Бўлди-бўлди! Гапни
резинка қилиб чўзмасдан, машинангни гизил-
латгин-у, уни дарҳол топиб кел. Мен идорада
бўламан! (*Кетади.*)

Акрам. Гап мана бунаقا бўпти! Аммо
ўзиям дамига ош пиширадиган отахонлардан-
да! Қойилман-э! Қани, кетдикми, ё Раъно-
хонни кутадиларми?

Эркин. Ишингиз борми?

Акрам. Ишимиз йўқ-ку, аммо „дўланани
қўрганда тоғ әсингидан чиқмаса“ деб қўрқ-
япман-да, акаси жонидан, донишманднинг
думини буриб қўймаса ишлар олатасир бўлиб
кетади-я, ўзингиз биласиз-ку, акаси айлансанн?

Эркин. Нимани биламан?

Акрам. Ие, ҳали қорлар эриди, излар босилди, деб юрибман, денг? Бултур кассирлик чоғларида киссасига тушган муллажиринглар эсдан чиқипти-да, яхши йигит? Қадамларини ўлчаб боссинлар, ҳа! (*Кетмоқчи бўлади.*)

Эркин. Тўхта!

Акрам. Ҳовурингиздан тушинг, акаси жонидан! „Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр“, дейдилар-а! Ҳа! (*Кетади. Пауза*).

Эркин (*ўзича*). Бултур киссага тушган муллажиринглар? Нима деяпти ўзи? Ё акам тўғрисидаги бояги гаплар ростмикан? Тўхта, Раънодан бир сўраб кўрай-чи? Раъно, ҳа Раъно!

Раъно киради.

Раъно (*Эркинни кўриб*). Вой! (*Кетмоқчи бўлади.*)

Эркин. Раъно, тўхта, гап бор!

Раъно. Қўйинг! Ўша Шакархонларингиздан қолманг!

Эркин. Нега бунақа дейсан, Раъно? Билет олиб қўйишса нима қиласай? Шунда ҳам сени кўришим билан ёнингга ўтдим-ку!

Раъно. Мен сизни чақирдимми? Ўтиравермайсизми ўшаларнинг олдида!

Эркин. Ҳатто орқангдан чиқсам ҳам қарамадинг... Тўғрисини айтсам, кечаги кино ҳам заҳар бўлди... Нега бундай қиласан, Раъно? Наҳотки менга ишонмасанг! Мен Шакархон тугул новвотхонни ҳам сенинг тирноғингга олмайман-а!

Раъно (*четга кулиб*). Тирноғингга олмайман дейсиз-у, бирга ўтириб кино кўрасиз!

Эркин. Тирногинг тугул бир боқишингга,
бир табассумингга олмайман, Раъно! Буни
биласан-у, яна мендан гина қиласан? Нега
мени қийнайсан?

Раъно. Вой, қийналгингиз келмаса кета-
веринг! Сизни бирор ушлаб туриптими? Бо-
ринг, кетинг, кетинг!

Эркин. Йўқ, йўқ, энди кетмайман, урсанг
ҳам кетмайман. Айт, қачон учрашамиз? Қа-
йерда кутай?

Раъно (*лабини буриб*). Қаерда учраша-
миз? Қаерда кутай? Шундан бошқани билмай-
сиз! (*Яна кетмоқчи бўлади.*)

Эркин. Тўхта, Раъно... Наҳотки ярим соат
бирга бўлмасак. Юр, машинада қишлоқни бир
айланиб келамиз!

Раъно. Аям уришсалар-чи?

Эркин. Нега энди уришадилар. Акам
юбордилар деймиз! Рости билан ҳам Комил-
жон акамни топиб кел, деганлар. Юр, Раъно!

Раъно. Аям уришсалар ўзингиз жавоб
берасизми?

Эркин. Бўпти! Сен учун ҳазрати азройилга
ҳам жавоб бервораман! Энди кўнглинг тўл-
дими?

Раъно. Тўлгандай бўлди!

Эркин. Эркин севар Раънони,
Раънохон Эркинжонни,
Ярашгандир бўйлари,
Қачон бўлар тўйлари?

Раъно (*рўмолчаси билан уриб*). Мана
тўйлари, мана тўйлари! (*Кувлашиб чиқа-
дилар.*)

Патнус кўтариб Ҳури киради.

Хури. Вой, чой ичадиганлар қани? Хўжайин! Ҳо хўжайин! (*Пауза.*) Вой товба, одам деган ҳам шунақа бетайин бўладими? Бор-э! Сенлар ичмасаларинг супага гиламни тўшаб, ҳолваю новвотлар билан жоним учун ўзим ичиб олай! (*Чиқади.*)

Комил, Азиз, Курбон ота кирадилар.

Курбон (*гапни давом этди риб*). Энди... айтаверсак гап кўп, кўмир оз, болам... Бошда сайлов чоғида акангни афандининг сиғиридан ҳам ошириб мақтаган биз эдик, болам, мана энди ҳамманинг олдида юзимиз шувут бўлди. Ишни эвламагани-эвламаган, ҳамма-ёқни дабдаба қилиб, ошна-оғайнигарчилик билан базми яллага уриб кетди-ю, бу тентак! „Ёмондан қоровул қўйсанг ёв етти бўлади“ деганларидек, Акрамдақа муттаҳамларнинг иши юришиб кетди-ку! Ҳаммасидан шунисига доғмиз-да, болам!

Азиз. Хуллас, ўшаларнинг тузогига илиниб қолди-да, акажон!

Комил. У тузоққа илинса сиз қаёқда юрибсиз?

Азиз. Биз у кишига ишонган эдик, Комил жон ака! Ахир у кишини халқ ўзи райондан сўраб олган эди!..

Курбон. Э-э... айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, болам! У тентак тушунса биз унга бамисоли отангдан қолган бир боғни ишониб топширган эдик. Отанг Қилич деса қиличдек йигит эди, аммо аканг ошпичноқ чиқди, болам!

Комил. Ошпичноқ чиқса, нега буни юзига айтмадиларингиз, отажон?

Азиз. Айтдик, Комилжон ака, қанча марта айтдик. Лекин у кишига дўстларининг аччиқ гапидан хушомадгўйларнинг тилёғламалиги аъло кўринса нима қиласлийк?

Комил. Энди... ўзингиз партком бўла туриб, тағин шу гапни...

Қурбон. Хўш, партком бўлса нима бўпти? Бу партком бўлса, биз ревизия комиссияси бўламиз... Нима демоқчисан? Сен ҳам бундоқ масаланинг илдизига бир назар солгин-да, болам: акангни келганига энди бир йил бўлса, биз унга отамизга ишонгандек ишонсанак...

Комил. Нима бўлса ҳам бу гапларни олдинроқ қўзғаш керак эди-да, отажон!

Қурбон. Ие, қўзғамаганимизни ҳозир айтиб бердим-ку, болам!

Комил. Шу ҳам сабаб бўлдими, ота?

Қурбон. Бундан чиқдики, биз гуноҳкор-у, у киши бўлса оппоқ бўптилар-да!

Комил. Оппоқ бўлмаса иш чаппасидан кетганда келасизми? Мана энди нима қиласай? У менинг ёлғиз акам бўлса...

Қурбон. Ие, ҳали паловнинг мойи тагида денг? Ҳали биз ҳам ўша оти улуғ, суфраси қуруқлардан бўламиз денг? Балли, сиздақа йигитга! (Азизга.) Қани, юр ўғлим, „Султон суюгини хўрламас“ деган гап тўғри экан!

Комил. Ота, ахир...

Қурбон. Йўқ, қуллуқ! Биз юракдаги дардимизни бир тўқай деб келсаг-у, берган жавобинг бу бўлса! Раҳмат сенга! Аммо буни „сийлаганни сигир билмас“, дейдилар! Ҳал (Чиқади.)

Азиз. Сиз тушунмадингиз, Комилжон ака. Мен ўзимни оқламайман. Ёшлик қилдим, у кишини түғри йўлга сололмадим. Бўйнимга оламан. Лекин... хатони тузатсак ёмон бўлмас ахир? (*Пауза.*)

Комил. Хўп, мен ёрдамдан қочмайман. Лозим бўлса ўз ишимни — диссертациямни ҳам йиғишириб қўяман! Бўлдими? Тағин нима дейсиз?

Азиз. Раҳмат! (*пауза.*) Комилжон ака, менимча ишни ревизиядан бошлаш керак. Ишнинг белига тепаётган одамлар бор. Колхозни улардан тозалаш керак. (*Пауза.*) Бошқа илож йўқ. Агар сиз ёрдам бераман десангиз, ишни шундан бошлаймиз, Комилжон ака!

Комил (*ўйчан*). Шунақами?

Азиз. Бошқа иложимиз йўқ!

Комил. Азиз, ревизия қиласанларми, йўқми—бу менинг ишим эмас, буни ўзларинг биласанлар. Лекин мен бунақа гапларни кутмаган эдим, шунинг учун акам билан бир гаплашиб кўрай.

Азиз. Жуда соз. Гаплашинг. Хайр. Отам кутиб қолмасинлар. (*Чиқади.*)

Комил ўйга чўмади. Дилбар киради.

Дилбар. Ие, қачон келдингиз? Айтмайсиз ҳам...

Комил. Қаерга ҳам борардим. Далаларни айландим. Акам билан бир гаплашмоқчи эдим — тополмадим...

Дилбар. ...Намунча дардини ичига ютган одамга ўхшаб гапирасиз?.. Тинчликми ўзи?

Комил. Тинчлик... Нима қилишимни билмай бошим қотяпти. (*Пауза.*) Диссертация

учун янги маълумотлар тўплайман, кўп яхши нарсаларни ўрганаман, деб келсам... аҳвол бу.

Дилбар. Колхозни айтяпсизми?

Комил. Ҳа... (*Пауза.*) Дадам ҳаёт вақтида бу райондаги энг яхши колхозлардан бири эди. Дадамдан кейин иш оқсаб қолгани учун халқ ўзи акамни райондан сўраб олган эди. У бўлса боши берк кўчага кириб қолганга ўхшайди. Бунинг устига колхоз иқтисодини ҳам билмайдиганга ўхшайди. Меҳнатни уюштириш устида ҳеч ўйламапти. Даладаги кетмончидан кўра хўжалик ишларидағи одамларнинг иш ҳақи ошиқ. Умуман ишнинг кўзини топмапти. Халқ орасида „дув-дув“ гап...

Дилбар. Нима бўлса ҳам бу ишга сиз аралашмай қўя қолинг, Комилжон aka!

Комил. Бўлмаса нима қилай? У бир тўп хушомадгўйларнинг тузогига илиниб қолганга ўхшайди. Шундай пайтда аралашмасдан ўз аравамни тортиб кетаверсам, унинг ҳоли нима бўлади?

Дилбар. Ўз ишингиз-чи? У қолиб кетадими?

Комил. Ўз ишимнинг ҳам бир боби барибир шу колхозга боғлиқ-ку, ахир!

Дилбар. Ишингиз тайёр бўлганда қайта бузасизми? Яна икки ой ишласангиз фан доктори деган унвон оласиз!

Комил. Тушуниб турибман. Ҳаммасига тушуниб турибман... Шунаقا экан-да киши. Пичноқни бошқага уришга урад экан-у, ўзига келганда жони ширинлик қиласиз экан...

Дилбар. Қўйинг, Комилжон aka, сиз аралашманг, шу ишга. Биз тезроқ кетишимииз керак. Менинг ҳам у ёқда ўз ишим бор.

Комил. Мен аралашмасам бунинг охири нима бўлади? Дилбар, азизим, охири нима бўлади?

Ойша хола киради.

Ойша. Вой, холанг бўйгинангга қоқиндиқ, бормисан? Сени излаб келаётувдим яхшиям уйда экансан... (Дилбарга.) Омонмисан келин, Меҳриниса уйдами?

Дилбар. Боғдалар, чақирайми, холажон?

Ойша. Йўқ, Комилжон билан жиндай гаплашай, кейин ўзим чиқа қоламан.

Дилбар. Кетиб қолманг, холажон, чой тайёр.

Комил. Тайёр бўлса дамлай қолинг, жуда чанқадим.

Дилбар. Ҳозир. (Чиқади.)

Ойша. Ҳой, Комилжон, хотининг тасмадакина экан, илоҳим қўша қаринглар... Эсим қурсин, нима ҳам демоқчи эдим? Ҳа, уканг тўғрисида озгина гаплашсам девдим, айлансин холанг.

Комил. Нима эди?

Ойша. Эркинжонга шу шопир-попирлигингни қўй десанг бўларди, холанг ўргилсан.

Комил. Нега энди?

Ойша. И-и... нимасини айтай. Шу ишга кирди-ю, уйга зифирдек нафи тегмайдиган бўлди. Бултур идорада ишлаган чоғларида ажаптовур фойдаси тегиб турарди. Энди қитдай нафи йўқ.

Комил. Идоранинг нимаси яхши, ё маоши кўпроқ эканми?

Ойша. Билмасам. Ҳар нечук „бордан юқар, йўқдан нима чиқар“ экан-да, айлансин холанг.

Комил. Унақа бұлса бу түғрида оғиз очманг, холажон!

Ойша. Ҳа, тинчликми ўзи?

Комил. Тинчлик-ку, лекин қўйинг, холажон, шу иши тузук...

Ойша. Нечук энди бунақа дейсан? Тинчликми ўзи? Вой-эй, қўрқиб кетибман-а?..

Умаржон билан Мұяссар киради.

Умаржон. Салом! (*Кўришади.*) Омонмисиз, холажон? Бақувватмисиз?

Ойша. Ўзларинг омонмисизлар, айланайлар. (*Комилга.*) Булар ҳам бир нав дуруст, бири агроном бұлса, бири мол дохтури. Пичоқлари мой устида! Майли, омон бўл! Холанг қоқиндиқ, мен ўшанақасига кета қоламан! (*Чиқади.*)

Умаржон. Кампир нима деяпти, кампир?

Комил. Кампир шикоят қиляпти. Сенлардан шикоят қиляпти.

Умаржон. Э-э... шу гапларни қўйсанг-чи, дўстим!... Сенга ҳайронман-да, дунёда! Ўзинг танилган бир олимсан, кам-кўстинг йўқ. Бунақа ғалвали ишлар билан бош қотириб юргунча гаштингни сурсанг-чи, ошна, қишлоққа келдингми — дам ол! Чумчуқларнинг чуғур-чуғурини эшлиб, балиқ тут, ёхуд мазза қилиб чўмил, кейин қаймоқни уриб, гулзорга кириб, оёқни осмонга қилиб, Дилбархоннинг қўлидан яхнани ичиб... „Олмани отдим отганга, сим қалаватда ётганга...“ деб ётсанг-чи дўстим!.. Сендаги имкониятлар менда бўлса-ку, нима қилишимни ўзим билардим, (*Мұяссарга.*) битта „Победа“ ни олиб-а, кампир?

Комил. Сенинг эс-ҳушиңг „Победа“да үхшайди!

Умаржон. Тилимни хўп қичитяпсан-у, лекин ёшликни эслаб, бир хурсандчилик қилайлик, деб келганда баҳлашиб ўтиргим келмайди-да? Дилбархон қани? Дилбархон! (Чиқади.)

Комил. Шошманг, Муяссар... Қурбон отанинг ҳалиги шийпонда айтган гаплари мени жуда гангитиб қўйди-ку?

Муяссар. Сиз кўп ташвишланаверманг, Комилжон ака. Ўзингиз ёрдам берсангиз, ҳалиям ишни йўлга солиб юбориш мумкин. Энди нима бўлса ҳам ўша гапларни тезроқ ҳал қилиш керак.

Комил. Билмадим. Мен бу гапларни олдинроқ қўзғамаганларингдан хафаман. Мен сизлардан хафаман, Муяссар.

Дилбар киради.

Дилбар. Салом, опа! Келинг! (Кўришади.) Гапларингга ҳалақит бермадимми?

Муяссар. Йўқ, йўқ, Комилжон акам мени уришаётган эдилар.

Дилбар. Нима ҳақлари бор экан сизни уришишга?

Комил. Мен Муяссархонни эмас, колхоз агрономини уришяпман!

Дилбар. Сиз бу ерга ҳамма билан уришиб кетиш учун келганга ўхшайсиз!

Боғдан Умаржон билан Ҳури киради.

Умаржон. Қўйинг шу гапларни! Ҳалиям бир чўкишда ўнта қизни қочиришга ярайсиз-у, тагин ёшимни яшаганман дейсиз?

Хури (кулиб). Секироқ гапиринг, Мұяс-
сархон эшитса аразлаб кетиб қолади!

Күча томондан Эркин билан Раъно киради.
Раънонинг кўзларига ғам чўккан.

Эркин (Комилга). Ие, биз сизни қидира-
вериб бормаган жойимиз, кирмаган боғимиз
қолмади-ю, сиз бу ерда юрибсиз? Акамни
кўрдингизми?

Комил. Йўқ.

Эркин. Ие, қизиқ бўпти-ку!

Хури. Ўша кирмаган боғларга бир ўзингиз
бордингизми? Ё Раънохонни ҳам бошлаб бор-
дингизми, яхши йигит?

Раъно. Кўйинг, шу гапларингизни!

Хури. Вой, боғларда бирга юришга уял-
майсиз-у, гапирса уяласиз! (*Кулги, боққа*
таклиф қилиб.) Қани азиз меҳмонлар, мар-
ҳамат қилсинлар!.. Ҳой, Эркинжон, бугун
акажонларинг билан кеннойиларинг бир яйраб
кўнгил очишмоқчи бўлишибди, ўйин-кулги
ўзингдан бўлади-да, айланай!

Эркин. Кеннойиларим учун етса мол,
етмаса жон, опал (*Дарров икки қўлига икки*
ниёла олиб ўйнаганча Дилбарнинг олдига
боради.)

Қошинг қораси ювса кетарми?

Сенингдек тоза гул боғда битарми?

Сенингдек тоза гул боғда битганда

Сўраб борсам боғбон менга сотарми?

Хури, Жон! Кеннойинг бўйингга қоқиндик
бўлсин! Йигит бўлсанг шўх бўл, шўх бўлма-
санг йўқ бўл! Кошки, энди мен Раънохонде

еш бўлсам-у, сенга ошиғ-у беқарор бўлиб
қолсам! (*Кулги.*)

Эркин. Оҳ, унинг савобига ким етарди,
кеннойи! (*кулги.*)

Раъно. Боринглар-а! (*Боққа қочиб чиқиб
кетади. Кулги.*)

Хури (*Эркинга*). Ҳа, у боғларга бирга
бориб, бу боғдан қоласизми, яхши йигит?
Чопинг кетидан!

Эркин (*қизларга тақлид қилиб*). Вой-эй,
мунча уялтирасиз кишини! (*Кулги.*)

Умаржон. Энди шундоқ кетаверайликми,
ё бир пиёла чой-пойларинг борми?

Хури. Комилжон билан Дилбархон — меҳ-
мон. Ўзларинг бошлай қолинглар.

Эркин (*боғ эшикка бориб*). Марҳамат,
маданият ва истироҳат паркининг эшиги
очиқ!..

Умаржон. Рухсат этасиз, Дилбархон
(*қўлтиқлаб олади.*)

Дилбар. Комилжон ака, тезроқ чиқинг!

Ҳамма чиқади. Ўйга кириб пижама кийиб чиқсан
Комил кўчадан кирган Юсупга учрайди.

Юсуп (*пичинг отиб*). Бизни излаб юрган
эмисиз?

Комил. Ҳа, сиз билан бир гаплашмоқчи
эдим, ака. ўтирайлик

Юсуп. Аканг билан ҳам гаплашар экан-
сан-да!

Комил. Нега бундай дейсиз, ака?

Юсуп. Нега дейди-я?.. Ўн йил бўптики,
гаплашмоқ тугул, бир оғиз: „ака, аҳволингиз
қандай“, деб сўрамадинг! Ўзингизни бўлса
еш йил бўптики, энди кўрдик! Институтни

битирдинг, олим бўлдинг, уйландинг, аммо на аямдан, на мендан маслаҳат сўрадинг?

Комил. Уйланишда телеграмма юбордим— бормадиларинг!...

Юсуп. Отамдан қолган ёлғиз акамга маслаҳат солиш ўрнига тўғридан-тўғри уйланиб қўя қолдим, дегин? Балли, ука! (Пауза.)

Комил. Бу хатомни бўйнимга оламан. Кечиринг, ака...

Юсуп. Хўп-хўп, мен сендан гина қилаётганим йўқ, шунчалик гап келганда айтдимда!.. Ишқилиб қўша қаринглар!.. (Пауза). Хўш, гапир, нима демоқчисан?

Комил. Қалай, ишларингиз тузукми, ака?

Юсуп. Худога шукур!, (Пауза.) Бор гапинг шуми?

Комил. Йўқ, яъни...

Юсуп. Бўлмаса кўп чўзмасдан гапнинг пўст калласини айтиб қўя қол! (Пауза.) Хўш?

Комил. Ака, мен сизнииг раис бўлганингизни эшитиб чин юрагимдан қувонган эдим. Шунча одам сизга ишонч билдиргани учун севинган эдим...

Юсуп. Хўш?

Комил. Мен, ҳалқ дадамдан қандай миннатдор бўлса, сиздан ҳам шундай миннатдор бўлади, деб ўйлаган эдим.

Юсуп. Хўш?

Комил. Мен ҳатто бу ерга келаётганимда диссертация учун янги маълумотлар тўплайман, деб ўйлаган эдим.

Юсуп. Калтароқ қил!

Комил. Кечирасиз, ака, юзига айтганинг заҳри йўқ дейдилар, ишларингиз сирти ялтироқ, ичи қалтироққа ўхшайди, ака!

Юсуп. Шунақа дегин?

Комил. Сиз чорва қайси аҳволда эканини, бир литр сут ё битта тухум колхозга қанчага тушаётганини...

Юсуп. Менинг тухум санашга фурсатим йўқ, ука. Тағин қанақа гапинг бор?

Комил. Ахир раис бўлгандан кейин...

Юсуп. Тағин қанақа гапинг бор?

Комил. Гап шуки, сиз колхоз иқтисодини ўрганмабсиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни яхши ташкил қилиш тӯғрисида ҳеч ўйламабсиз. Даладаги кетмончидан чойхоначилар билан омборчилар кўпайиб кетибди. Сиз фақат дабдабали ишлар билан овора бўлиб қолибсиз, ака!

Юсуп. Бундан чиқдики, яхши боғ, яхши идора қуриш айб экан-да! Кишлоқни обод қиласак...

Комил. Ободончиликка ҳеч ким қарши эмас, ака, мен фақат бу ишларни план асосида, халқ билан бамаслаҳат қилмабсиз дейман, холос. Сиз ҳозирча қуруқ довруққа берилиб кетганга ўхшайсиз!

Юсуп. Шунақа довруқ ҳам керак, иним! Колхозни обрўси учун керак: обрў бўлса...

Комил. Демак, бу кайф-сафо, базми яллалар ҳам...

Юсуп. Кайфу сафо ҳам керак! Одамлар билан муомала қилиш учун керак! Баъзан ишни ўринлатиш учун керак, шу нарсалар!

Комил. Лекин бу йўл билан на иш юришади, на сиз обрў оласиз, ака! Колхозда шундай имкониятлар бўла туриб...

Юсуп. Доно гап! Китоб гапи! Аммо колхозни бошқариш — бу идорада ўтириб китоб

ёлиш билан баравар әмас, иним. Түрмүш бошқа, китоб бошқа. Колхозга бугун ўғит керак, эртага машина, индинга ғишт керак. Аммо муюмалани ўрнига қўймасанг, ғишт тутул, ошқовоқ ҳам ололмайсан, ошқовоқ ҳам.

Комил. Гапингизга қараганда, устасининг қўлига тушибсиз ака, жуда устасининг қўлига тушибсиз!

Юсуп. Нима демоқчисан? Гапни кўп айлантирмасдан очигини айтиб қўя қол!

Комил. Демоқчиманки, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Бу йўлнинг охиривой бўлади, ака! Бу йўл...

Юсуп. Бўлди ука, раҳмат. Тўғрими, йўқми—аммо мен ўз қорнимни ўйлаб қилаётганим йўқ, бу ишларни! Халқ раҳмат дейдими, йўқми—буни ҳам келажак кўрсатади! Гап тамом.

Комил. Бунинг охири нима бўлади, ака?

Юсуп. Гап тамом! Сен билан кўп жиқиллашиб ўтиришга фурсат йўқ. Теримга кетяпман. Аммо шуни билиб қўйки, агар сен бунаقا айтмаган жойга йўнмаган таёқ бўлиб, менинг обрўйимни ерга урадиган бўлсанг— яхшилик кутма мендан! Гап шу! (*Кетади.*)

Комил. Демак... Азиз ҳақ әкан. (*Пауза.*) Бунинг охири нима бўлади?

Ўйга чўмади. Богда чилдирма қаттиқроқ янграйди.
Ашула барала эшитилади.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Катта боғнинг хилват бурчаги. Япроқлари сарғая бошлаган олма дараҳтларининг тагига стол ва стуллар қўйилган. Шовқин-сурондан узоқ бўлган бу хилват жойда Комил баъзан ўзининг илмий ишлари билан шуғулланади.

Парда очилганда аста-секин тонг отади, боғда булбуллар сайрашади, дараҳтларнинг учларида қўёшнинг илк нурлари ялтирайди. Кечаси ишлаб ўтириб, бошини столга қўйганича ухлаб қолган Комилжон уйғониб кетади. Ерга тушган чертёжларини йиғиштиради.

Комилжон (*булбулларнинг овозига қулоқ солиб*). Вой-бўй, булар жуда авжига чиқипти-ю! (*Пашаҳонада ухлаб ётган Дилбарга кўзи тушиб*.) Ие, бизни уйғотадиган ўртоқнинг ҳолига бир қаранг! (*Пашаҳона томон бориб*.)

Ол хабар ул сарви ноз уйқусидан турганмикин?

Ногоҳ турган бўлса туш-муш ҳам, сўранг кўрганмикин?

Дилбар (*чўчиб уйғонади*). Вой, шоирлик муборак бўлсин!

Комил. Қуллуқ. Энди қойилмисиз? Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг!

Булбуларнинг овозига қулоқ соладилар.

Дилбар. Вой-эй, бугун булбуларнинг тоза илҳоми қайнаган кун экан-да!

Комил. Кошки эди бунинг ёнига бир чойнак аччиқ чой бўлса.

Дилбар. Илтифотингиздан ўргилай! Булбулни баҳона қилгунча самоварга олов ташлаш учун уйғотдим, деб қўя қолсангиз бўлмасмиди?

Комил. Йўқ-йўқ.

Дилбар (кулиб). Боринг, боринг ювинг! Азизимни кўнгли чой тилайди-ю, биз самоварга олов ташлашга эринармидик-а? (Чиқадилар.)

Олмазор орасида Эркин пайдо бўлади: у ёқ-бу ёққа аланглайди, кейин бедана бўлиб сайрай бошлайди. Шу заҳотиёқ чап томондан Раъно пайдо бўлади, қулоқ солади, лекин бедананинг қайси томонда сайраётганини аниқлай олмайди. Шу вақт дараҳтзордан Эркин чиқади.

Раъно. Вой, сизмисиз?

Эркин. Ҳа, мен... хўш, гаплашдингми?

Раъно. Ким билан?

Эркин. Ким билан бўларди? Акам билан бир гаплаш демаганмидим?

Раъно. Нима дейман? Нима деб гаплашман.

Эркин. Майли, хоҳламасанг гаплашмай қўя қол, ревизия ҳам тамом бўлди.

Раъно. Тамом бўлди? Нега индамайсиз?

Эркин. Нима ҳам дейман! У лаънати мени ҳам тузоққа илинтирганга ўхшайди!

Раъно. Вой, энди нима бўлади, Эркинжон ака, нима бўлади?

Эркин. Билмасам! (*Уйдан Комилнинг овозини эшишиб.*) Мен кетдим. Кечқурун боғда кутаман!

Раъно (*ёлғиз*). Дамига илиндим... Энди нима бўлади, аяжон? Мен нима қиласман?

Боқقا кириб кетади. Чап томондан ҳўл соchlарини сочиққа артиб, Комил киради, стулга ўтириб, чўт-уради, ёзади. Бир оздан кейин бир товоқ қаймоқ билан нон кўтариб Дилбар киради.

Дилбар. Олдин нонушта қилиб олинг, кейин ишлайсиз...

Комил. А?.. Қаймоқ емайман. Менга бир чойнак аччиқ чой беринг... Ҳа, айтмоқчи Муяссар келса тезроқ бу ёқа юборинг.

Дилбар. Келишлари керакмиди?

Комил. Ҳа, кузги экинларни бирга планлаштироқчи эдик. Идорада одам кўп, шовқин. (*Соатига қарэб.*) Негадир кечикяпти...

Яна ишга киришади, Дилбар хиёл тикилиб тургач, индамасдан чиқади. Бир оздан кейин Муяссар киради.

Муяссар. Мумкинми, Комилжон ака!

Комил. Келинг, Муяссар! (*Кўришадилар.*) Бу далаларнинг картасими?

Муяссар. Ҳа. (*Қўлидаги қофозни столга ёзади.*) Ўзингиз нима иш қиляпсиз?

Комил. Кечаси „Янтоқ тепа“га сув чиқариш йўлларини планлаштиредим. Қийин эмас. Битта бульдозер учун бир ой иш, вассалом!... Ҳамма ҳаражатларни бир йилда қоплайди. Таёқ ташласангиз, одам унадиган ерлар!..

Муяссар. Биламан...

Комил. Билганингиздан нима фойда? (*Паузা.*) Гапирсам эски гапни қўзғадинг дейсиз, гапирмасам ишларингизнинг мазаси йўқ..,

Умаржон бўлса фермани танқид қилганим учун ҳалигача мендан хафа бўлиб юрипти.

Муяссар. Мен хафа бўлмайман. Қанча уришсангиз ҳам майли. Ишқилиб бундан кейин ишлар юришиб кетса бўлгани.

Комил. Сиз шундай қилиб енгасиз... Хўш, куэги әкинларни қандай планлаштирдингиз?

Столга эгиладилар, Ҳури киради.

Ҳури. Комилжон! Сизни телефонга чақиришяпти!

Комил. Ким?

Ҳури. Райкомдан...

Комил. Мен ҳозир... (*Чиқади.*)

Муяссар. Келинг, опа...

Ҳури. Баҳузур ўтираверинг. (*Лабини буриб.*) Тавба! (*Чиқади.*)

Боғ томондан Умаржон киради.

Умаржон. Учрашув учун жуда ажойиб, шоирона жой белгиланган экан-да, хоним?

Муяссар. Вой? Бу ерга мени ҳақорат қилгани келдингизми?

Умаржон. Сиз-чи? Хилват бир боғда ёт йигит билан сұхбат қуриб ўтиришингиз мен учун ҳақорат эмасми?

Муяссар. Биз ишляяпмиз, ахир!

Умаржон. Шунақа денг? Сизга қолганда идорада жой қуриб қолибдида! Лекин ишлаш учун келган киши юзини эркак одамнинг юзига қўйиб, хушторлардек сирлашиб ўтиргани қанақаси?

Муяссар. Бу қандай туҳмат? Нималар деяпсиз?

Умаржон. Тұұматми, йүқми, аммо мен у билан юришингизни истамайман! Мен үз акасини ревизия қилиб, тирноқ остидан кир қидириб юрган одамдан яхшилик күтмайман.

Мұяссар. Бұлмаса у нима қылсун? Камчиликларни күриб туриб күз юмсинми? Шунда тұғри бұлармиди сизнингча?

Умаржон. Шунақа денг?

Мұяссар. Секироқ...

Чой күтариб Дилбар киради.

Дилбар. И, Умаржон ака, осмондан тушдингизми?

Умаржон. Салом, Дилбархон, салом! Шундоқ бир айланиб келувдим...

Дилбар. Жуда яхши... Үтиринг, мен ҳозир яхши-яхши узумлардан узиб келаман. (Кетади.)

Умаржон. Шунақа денг? Ҳали эримнинг оғенини чалишлари ҳам тұғри денг?

Мұяссар. Қўйинг, шу гапларни, Умаржон ака! Ұз ишини йиғишириб қўйиб, кечаю кундуз шу колхозни үйләятган, акаси учун изтироб чекаётган бир одам тұғрисида бунақа гапларни айтишга қандай тилингиз боради? Бу гапларни бирорлар әшитиб қолишидан сиз уялмасангиз, мен уяламан!

Умаржон. Мұяссар!

Мұяссар. Қўйинг. Қолған гапингиз бұлса уйга борганда айтарсиз! (Кетади.)

Бир чойнак чой күтариб Дилбар киради.

Дилбар. Вой, Мұяссар опам қанилар?

Умаржон. Опангиз кетди... Комилжон акангизга айтиб қўйсангиз бұларди, ҳар бир

Йигитнинг ҳам ўзига яраша иззат нафси бўлади... Студентлик чоғимизда биз билан юрган моҳипайкарлар Комилжон акангизга салом ҳам бермас эди! Энди у киши олим! Колхозни гуллатиш тўғрисида план чизяпти! Ҳамма унинг соясига салом беради: Раҳмат! Планни мен ҳам туза оламан! Мард бўлса ўзи ишлаб кўрсин. Ҳа! (Чиқади.)

Дилбар. Билган эдим, ҳаммани ўзига қарши қўйишини билган эдим. Тұхта, у куни опамлар ҳам шу гапни айтувдилар. Наҳотки чин бўлса, йўқ, йўқ, у бундай пасткашликка бормайди. Лекин бу тўполонлар... яхшиликка олиб бормайдиганга ўхшайди...

Комил киради.

Дилбар. Нимага чақиришибди? Тинчликми?

Комил. Ревизия тўғрисида... И! Муяссар қани?

Дилбар. Умаржон ака... олиб кетдилар.

Комил. Нега?

Дилбар. Нега эканини тушунмайсизми?

Комил. Йўқ... Наҳотки рашк қилса?

Дилбар. Рашк қилса нима бўпти? Агар мен... бирорта йигитнинг боғига бориб, у билан ёлғиз ўтирсан... сиз рашк қилмайсизми?

Комил. Қизиқ гапларни топасиз-а?

Дилбар. Йўқ, бу қизиқ гап эмас, ҳақ гап! Мен рашк қилаётганим йўқ, фақат — қўрқяпман. Ахир мен ўзимни эмас, фарзандимизни...

Комил. Кечиринг. Дилбар, буни унугиб қўйибман. Қани, менга бир қаранг. Энди айтинг: исмини нима қўямиз?

Дилбар. Боринг!

Ойша билан Мөхри киради.

Ойша. Комилжон борми?

Комил. Келинг, холажон.

Ойша. Атайин келдим. (*Дилбарга*.) Сен чиқиб тур, келин. Эрингда ишим бор. Қолган галинг бўлса, кечаси гаплашиб оларсан!

Дилбар чиқади.

(*Мөхрига*). Нимага турибсан, ўтири! Ё ўзинг туққан болангдан ўзинг қўрқасанми? (*Комилга*) Қани, энди айт-чи, садағанг кетай: бунақа тўполон кўтаришдан мақсадинг нима?

Комил. Қайси тўполонини айтасиз?

Ойша. Тағин бунинг „Туя кўрдингми — йўқ“ қилиб ўзини гўлликка солишини қара! Мен сендан аканг билан холаваччангни ребиз қилишдан мақсадинг нима дейман, тентак?

Комил. Аввало бу ревизияни мен қилаётганим йўқ...

Ойша. Қўй, қўй, аврама мени...

Комил. Қолаверса... сиз аралашиб нима қиласиз бу ишга?

Ойша. Ҳа, нега энди аралашмас эканман, жоним?

Мөхри. Секироқ гаплашинглар, опажон!

Ойша. Сен суқилма бу гапга! Опа сўзлаганда сингил деган жим турди. (*Комилга*) Ё аканг билан ёлғиз холаваччангни авахтига қаматиб, ўрнига савзи-пиёз экмоқчимисан, тентак?

Комил. Уларни бунақа бўлади, деб сизга ким айтди? Ё Эркинжон ножӯя ишлар қиласиди? Сиз буни билармидингиз?

Ойша (чүчіб). Ҳой, бунча бақирасан? Эс-хүшинг жойидами? Ножүя ишдан худо сақласин, тентак!

Комил. Бұлмаса ташвиш қилманг... Бу ревизия бирөвларни қаматиш учун әмас, колхознинг аҳволини билиш учун бұлаётган ревизия...

Ойша. Ҳа-а... бунақа дегин, айлансын холанг?

Комил. Шунақа, холажон, шунақа...

Ойша. Бунақа бұлса майли-я... Ҳой, садағанг кетай, машойиҳлар: „бол ушлаган бармоғини ялади“, деганлар, булар ҳам сал-пал жиннилик қилишган бұлса, күп ҳовлиқма! Эшитялсанми? Мен түғриман деб, мен ҳалигідақа, нима зди, билимдонман, деб тентаклик қилиб юрма! Елғиз ҳолангнинг ёлғиз боласи-я? Нақ буваларингнинг арвоҳига соламан-а, ўргилсин холанг!

Комил. Хүп, бұлади...

Ойша. Бор гапим шу, холанг қоқиндиқ. Мен кетдим...

Меҳри. Сиз бораверинг опа, мен ҳозир орқанғиздан чиқаман.

Ойша. Чой-пойға овора бұлма — розиман. Бироқ сенга ҳам айтиб қүйй: бу тентагинг бир нарса қиласынан бұлса борми, нах ота-бобомизнинг арвоҳига соламан-а? (Чиқади.)

Меҳри. Жуда мушкул бұлди-да, болам?

Комил. На чора? Шундай қилмасак бўлмайди, ая! Бошқа иложимиз йўқ...

Меҳри. Билмадим. Ҳар нечук, сен ёшсан, мен бўлсан қаридим... Кексайған чоғимда ўғлимнинг бошиға оғир савдо тушса нима қиласман? (Кўзига ёш олади.)

Комил. Кўп ташвишланаверманг, ая, ҳаммаси ҳал бўлади. Қўйинг, умидсиз бўлмайлик...

Меҳри. Ишқилиб ревизиянг тезроқ битаколса кошкийди. Оғир гапни эшигандан ҳам, кутган ёмон экан.

Комил. Бугун тугаши керак. Раънони айтиб юборинг, хат ёзиб берай — идорага бориб келсин...

Меҳри. Икки ўртада қизимга ҳам жавр бўлмаса гўрга эди! Тентагимнинг Эркинжонда кўнгли борга ўхшайди...

Комил. Унга ҳалитдан севгини ким қўйибди!

Меҳри. Билмасам... Ҳайтовур ўқишга киролмай қайтиб келгандан бери... Шу гапнинг учи чиқиб қолди...

Комил. Ўқишга киролмаса ишламайдими?.. Да лада терим кетяпти-ю, ҳаммамиз уйда ўтирибмиз! Уят!.. Хўп, айтиб юборинг, ўзим бир гаплашай!..

Меҳри чиқади.

Комил (*у ёқ-бу ёққа юради*). Умидсиз бўлмайлик, ая, умидсиз бўлмайлик.

Ўтириб хат ёзади, Раъно киради.

Раъно. Буйруғингизга биноан келдик, ўртоқ фан кандидати!

Комил. Жуда яхши. (*Тикилиб қарайди*.)

Раъно. Буйруғингизни бажаришга тайёрман!

Комил (*Тикилишда давом этиб*). Кўриб турибман...

Раъно (*қизара бошлайди*). Буйруғингизни кутаман!

Комил (*кулиб*). Мунча шоширасан одамни? Балки оэгина гапим бордир сенга?

Раъно. Мэрҳамаг.

Комил. Шошма, ўтири... Аввало... мен сени қандай яхши кўришилгимни биласан-а?

Раъно. Сўз бошини қўя қолинг!

Комил. Оббо сени-эй! Шошириб қўйдингку, одамни! (*Пешонасини артиб*.) Сендан бир нарсани сўрамоқчиман, синглим! Сен... Эркинжонни... танийсан-а?

Раъно. Қайси Эркинжон? (*Тескари бурилиб*.) Йўқ, умримда биринчи эшлишиш!

Комил. Демоқчи эдимки... уни яхши биласанми? Яъни, унинг қандай яхши фазилатлари борки, сенга, масалан... хуш келадиган демоқчи эдим...

Раъно. Унинг хуш келадиган ҳеч бир фазилати йўқ! Битта ҳам хуш фазилати йўқку шунда ҳам менга... Хуш келди! Шу! (*Кетмоқчи бўлади*.)

Комил. Шошма, қани, кўзларингни арт. Тез, нима, мен сенга ёмон гап айтдимми?

Раъно. Қўйинг, мен сиздан гина қилаётганим йўқ! Фақат... Мени тинч қўйинг! Тинч қўйинглар мени! (*Йиглаб чиқиб кетади*.)

Комил. Демак — севар экан!.. (*Пауза*) Бегалва бошимга ғалва ортди... (*Пауза*) Умидсиз бўлмайлик, ая, умидсиз бўлмайлик...

Акрам киради.

Акрам. Ҳурматли олимимизга оташин саломлар! Ҳар секунди бир дунёга арзирлик қиммат баҳо вақтларини олганимиз учун кечирсинлар. Арзимаган бир савол билан илтифот этдик!

Комил. Хўш?

Акрам. Ижозат бўлса ўтирсак?

Комил. Марҳамат.

Акрам. Раҳмат. (*Ўтиради, папирос узатади.*)

Комил. Раҳмат, чекмайман.

Акрам. Демак, арзимаган бир савол...
Аммо шу саволга ўтишдан олдин жиндек
бир фантазия қилиб олишга ижозат берса-
лар?..

Комил. Майнавозлик сизга кетмас экан,
ука! Муддаонгизни айтиб қўя қолинг!

Акрам. Йўқ, кечирасиз, нега энди фанта-
зия қилиб кўрмас эканмиз? Тафаккуримиз
сизникideк ўткир эмас-у, аммо биз бечора
ҳам умримизда бир марта хаёл денгизида су-
зиб кўрайлик-да, акажон! Хўш, фараз қилай-
ликки, сиз бошлаган ревизия натижасида
колхозда арзимаган, масалан... йигирма-ўттиз
минг сўм пул-у, яна бир иккита майдачўйда
нарсалар йўқ бўлиб чиқсин...

Комил. Масалан...

Акрам. Арзимайди... Бир тоннага яқин гу-
руч, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда
турган беш-олтида қўй-қўзичоқ, холос!

Комил. Арзимагани шу бўлса, арзийдига-
ни қанақа бўлади?

Акрам. Ўзлари томондан сабр қилинса,
ўртоқ фан кандидати! Ҳозирча биз фақат
фараз қиляпмиз... Фараз қилайликки, шу арзи-
маган нарсалар етишмасдан қолди-а?

Комил. Хўш?

Акрам. Шунда... бизга тайёрлаб қўйил-
ган қулинг ўргилсин меҳмонхоналарга фақат
биз борармиканмиз, ёки бошқа баъзи бир

Хурматли акамлар ҳам бориб қолишармиканлар? Масалан...

Комил. Ўз акангиз ҳам бориб қолмасмикинлар демоқчисиз-да?

Акрам. Ақлингизга қойилман-а, мулла ака! Олим номини бекорга олмаган экансиз!

Комил. Хўш, яна қандай арзимаган саволингиз бор?

Акрам. Вассалом!

Комил. Бу қанақа сурбетлик? Бу қанақа сурбетлик дейман, сизга? Ё „қўрққан олдин мушт кўтарар“ қилмоқчимисиз?

Акрам. Ким? Биз қўрқамизми?

Комил. Бўлмаса мени қўрқитмоқчи экансиз-да! Тузоққа акамни илинтирганингиз оздек, энди мени ҳам илинтирмоқчи экансиз-да?

Акрам (*ўрнидан туриб*). Кечирадилар. Хурматли олимимизни қўрқитиш фикри етти ухлаб тушимишга ҳам кирган эмас. Биз фақат фараз қилиб кўрайлик дедик, холос.

Комил. Фараз қилишга ҳали ёшлиқ қиласиз. Ўша ўқитган домлангизга бориб тағин пича сабоқ олиб келинг!

Акрам. Шунақа денг? Марҳамат. Бизга барибир. Аммо... қадамингизни ўйлаб босишни маслаҳат берардим, ўртоқ фан кандидати. Гоки бизга ҳозирланиб қўйилган оромбахш меҳмонхоналар ҳурматли акангизга совуқлик қиласиди! У кишининг ревматизмлари бор, ҳа!

Чиқади, Дилбар киради.

Дилбар. Яна нима жанжал?.. Вой сизга нима бўлди, юзингизда қон қолмабди!

Комил. Ўзим... Асаб... (*Сув ичади.*)

Дилбар. Ўзингизни ўзингиз әговляяпсиз,
Комилжон ака. Бу ерда нервингиз ҳам бузилади,
соғлиғингизни ҳам йўқотасиз... (*Тусатдан ялиниб*). Қўйинг шу ишларни. Кетайлик,
Комилжон, кетайлик!

Комил. Кеча нима деб келишган эдик!

Дилбар. Фақат ўжарлигингиздан бўляпти
бу иш! Қўйинг шу ўжарлигингизни! Кетайлик,
Комилжон ака!..

Комил. Қўйинг, Дилбар, ақалли сиз қийнаманг мени! Ақалли сиз тушунинг: гап оиласизнинг ор-номуси тўғрисида кетаётганда, шу топда акамнинг тақдири ҳал бўлаётганда, мен қандай ташлаб кетаман?

Дилбар. Кошки шунда бирор сизга раҳмат деса! Ҳамма сиздан норози, уйда ҳар куни жанжал, уриш!...

Комил. На чора, Дилбар? Ҳамма норози деб кетиб қолсак буларнинг ҳоли нима бўлади! Жарга қулаб тушаётганини кўриб туриб қўл чўзмасак, тушунмайди деб юз ўгирсак— нима деган одам бўламиз? Улар тушунмаса сиз тушунасиз-ку, Дилбар?

Дилбар. Қўйинг, сиз боя холамнинг гапини эшиитмадингиз. Нақ... арвоҳларга соламан деди-я!

Комил. Ана холос! Институтни битирган ўртоқнинг гапини қаранг.

Дилбар. Мен... арвоҳларга ишонаман демайман, фақат...

Қурбон ота билан Азиз кириб келади.

Комил. Келинг, ота, келинглар... ҳозир ўзим бормоқчи бўлиб турувдим... (*Кўришадилар. Дилбарга*) Бир чойнак чой қилинг.

Дилбар чиқади.

Ревизияни тамом қилғанга ўхшайсиз, ота?

Курбон (*ерга қараб*). Тамом қилдик болам, тамом қилдик.

Азиз. Актларни күрасизми? (*Столга құяди, Комиilstар-истамас варақлайды.*) Пулнинг үзидан олтмиш мингдан ошиқроқ.

Комил. Олтмиш минг?

Азиз. Ошиқроқ. Олтмиш икки минг!

Комил. Йүғ-ә!

Курбон. Кошки энди бир азамат топилса-ю, бир уриб бу аҳмоқ калланинг қатиғини чиқарса! Менинг ўрнимда бошқа бирор ревизия комиссияси бўлса-ку, соқолини битталаб юлардим. Бу соқолни ким юлади, ким?

Азиз. Сизнинг фикрингиз тўғри чиқди. Баъзи соҳаларда мөҳнат ҳақининг ошиқ тўланишида гап бор экан! Қилинган ишнинг дараги йўғ-у, пул берилди, деган қулоч-қулоч ведомостлар бор!

Курбон. Бошқа ишларга уриб юборилган аванс пулларини айтмайсизми? Тағин бу пулларнинг ҳаммаси қурилишга сарф бўлган эмиш-а? Уятсиз муттаҳамлар!..

Комил. Сизларга ҳайронман! Шу ерда туриб...

Курбон. Э-э... бизни қўй, болам! Акангни хушомадгўйлар қандоқ чалғитса, аканг ҳам бизни шундоқ чалғитди, болам!.. Майли, энди бу гапларнинг фойдаси йўқ. Биз-ку, оқсоқ қўйга ўхшаб, пешиндан кейин маърајамиз, хўш, бу ишга сен нима дейсан, болам? (*Пауза*)

Комил. Мен нима ҳам дердим, ота? Ҳайронман...

Қурбон. Дардинг бўлса ичингта ютма, болам, касалини яширсанг иситмаси ошкор қиласди!..

Комил. Мумкин бўлса олдин акам билан тағин бир гаплашсам. Мен сизларга ишонмайман демайман, фақат...

АЗИЗ. Узр сўрамай қўя қолинг, Комилжон aka, наҳотки тушунмасак, тушуниб турибмиз. Бу ишнинг бўлишига ёлғиз Юсупжон акам айбдор әмис, мен ҳам айборман...

Комил. Гап унда әмас, мен акамдан аниғини сўраб билсан дейман. Эҳтимол...

Қурбон. Маъқул гап. Гаплаш, хўп энди бизга ижозат берсанг — далага борсак, нима бўлса ҳам биз теримнинг бошида бўлайлик, терим оқсамасин деяпмиз-да, болам?

Комил. Тўғри, ота, тўғри.

Қурбон. Бай-бай-бай, ўзи ҳам уятга қолди, бизни ҳам уятга қолдирди-да! Энди қайси юз билан халқقا қараймиз? Нима деймиз? (*Чиқади.*)

АЗИЗ (*тўхтаб*). Кечирасиз, план масала-си нима бўляпти — бир гаплашсак...

Комил. Кейин, ука, кейин.

АЗИЗ. Кечирасиз. Хайр. (*Чиқади.*)

Комил. Хўш, энди нима қиласман? Кампирга нима дейман? Бошда чиндан ҳам аралашмай қўя қолсан бўларкан шу ишга!... (*Пауза*) Энди нима қилиш керак? Акам ўзи қани? (*Чиқади.*)

Хури кириб жаҳл билан чойнак-пиёлаларни йигиштира бошлади.

Хури. Худо кўтарсан, сендақа олимни! Илми-ҳикматинг зўр бўлса бирорвларнинг иши-

га суқмақошиқ бўлавермасдан китобингни ёз ўтириб. Хотининг бўлса эртаю кеч нолигани-нолиган! Уйим ёқмаса шаҳрингга кет! Чакириб келган бирор борми, сенларни?

Юсуп, кейин қўрқа-писа Акрам киради.

Юсуп (*Хурига*). Комил қани?

Хури. Билмасам! Худди мен еб, у қуруқ қолгандек қовоғидан қор ёғиб чиқиб кетди-ю!

Юсуп. Бирорни юбор, тез чақириб келсин!

Хури (*чиқаётиб*). Ёлғиз укасига сўзи ўтмайди-ю, менга дағдага қилишини қаранг! (*Чиқади*.)

Юсуп (*Акрамга*). Ўтириб!

Акрам. Гапнинг очиги, укаларини кўришга кўзим учиб тургани йўқ, оғаҳон! Ҳалиги гап. Шу топда қил кўприкнинг устида қилтиллаб турибмиз!

Юсуп. Оғиз менини деб гапиравермасдан ўтириб! Хўш, энди айт: қўрқитмоқчимисан мени? Қўрқоқ деб ўйладингми Юсупни? Чучварани хом санабсан! Сен ўйлаган чумчуқ юраклар мен эмас, ҳа!

Акрам. Шунақами? Жуда соз! Биздан нима кетди? Кўп бўлса беш йил беришади! Белни маҳкам боғлаб бир киришсак беш йиллик ишни икки йилда қойил қилиб ташлаймиз-у, ўйнаб-кулиб қайтиб келаверамиз. Аммо сизнинг аҳволингиз қандоқ бўлар экан-а, отахон! Белингизни уқалаб қўядиган одам топилмай қолмасин, отахон?

Юсуп. Ҳали мени ҳам ўзимга шерик қилмоқчиман дегин?

Акрам. Ие, ҳали сутдан оқ, мусичадан уволман денг? Баҳорда идора қуришда левий бўлган муллаџиинглар эсларидан чиқибдида, отахон?

Юсуп. Менинг киссамга эмас, контор қуришга кетган у пуллар!

Акрам. Демак, сиздан эмас, контор жанобларидан сўрар эканмиз-да, у пулларни? Сиз тоза қизиқчи экансиз-у, ҳа-ҳа-ҳа!.. Бунақа қизиқчиликни бу ерда қилаверинг-у, аммо бошқа жойда эҳтиёт бўлинг, жон ака! Бунақа қизиқчilik учун...

Юсуп. Сен кимни ҳақорат қиляпсан, абллаҳ!

Акрам. Товба қилдим, отахон! Мендан ўтган бўлса — кечиринг! Аммо бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиб юборманг, жон ака! Бунақа катта хўжаликда олтмиш минг кимга кетиб кимдан келмайди? Ёр-биродарлар бор. Ёрдам қилишади. Фақат Комилjon акани кўндирангиз бўлгани! Овора қилмаса бас. Шунга кўндиринг, жон ака!

Юсуп. Кўзинг ёмон, сенинг кўзинг. Кўриб турибман — яна бир балони ўйлаб турибсан!

Акрам. Жон ака!

Юсуп. Бас! Гуноҳкор бўлсанм ўзим жавоб бераман! Ҳалқ олдида жавоб бераман!

Акрам. Яхшиликни билмасангиз менга нима? Худога шукур, ҳали билакда куч, белда қувват бор. Беш-олти йил ишласак ишлабмиз-да! Мен фақат сизга ачинаман. Мусоғирликда номлари ўчиб, суюклари бошқа юртларда қолиб кетмасин дейман, холос...

Юсуп. Сен абллаҳ!..

Акрам. Хўп, акажон, биз кетдик... Қулинг ўргилсин меҳмонхоналарда учрашиб қолгунча

саломат бўлсинлар! (*Кетаётib тўхтайди.*)
Жон ака, ўзингизга ўзингиз пичоқ урманг.
Кечирасиз... (*Чиқади.*)

Юсуп ҳолсизланган ҳолда ўзини креслога ташлайди.

Юсуп. Биздан ҳам пича хато ўтипти-да!
Лекин улар пашшадан фил ясашипти! Йўқ,
бунақаси кетмайди, мен ўз қорнимни ўйлаб
қилмадим бу ишларни! (*Ўйга чўмади.*)

Комил киради.

Комил (*секин*). Ака?

Юсуп. А? Ҳа, сенмисан? Хўш, энди кўнг-
линг тўлдими? Акангни ўфирилигини фош қилиб
хурсанд бўлиб ялла қилиб юрибсанми?

Комил. Бир-биrimизга ҳадеб ништар ура-
вермасдан чин кўнгилдан бир гаплашайлик,
ака! Ахир бунинг ҳаммаси сизнинг мана шу-
наقا ўжарлигингиздан, ўз бошимчалигингиздан
бўлган. Ақалли энди ташланг бу қайсар-
лигингизви? Биз ҳам ака-укага ўхшаб бир
гаплашайлик, ахир!

Юсуп. Қуллуқ. Мен билан гаплашадиган
бўлсанг олдин комиссияга бориб айт!

Комил. Нима дейман?

Юсуп. Нима дейишингни ҳали билмай-
санми?

Комил. Ака! Нималар деяётганингизви
бир ўйлаб кўринг. Ахир, мақсад ишни йўлга
солиб, шу колхозни...

Юсуп. Колхоз шу олтмиш мингга қараб
қолгандир!

Комил. Гап унда эмас-да, ака! Гап шун-
даки...

Юсуп. Бас! Фалсафа сотишни мен ҳам
биламан! Аммо турмуш фалсафа, колхоз

диссертация әмас, бу оддий нарсага сенинг ақлинг етмаса, ақли етадиганлар бор! (*Чиқаётіб Мекрига тұқнашади.*)

Меҳри. Тағин қандай жанжал? Сенларга нима бўлди, болаларим!

Юсуп. Нима бўлганини ана у маҳмадо-нангиздан сўранг! Хушхабари бор — айтиб беради! (*Чиқади.*)

Меҳри. Ўзи нима гап? Ревизиянг битдими?

Комил. Битди.

Меҳри. Тинчлик эканми? Нега индамайсан?

Комил. Йўқ... Акам бирвларнинг тузоғига илинганга ўхшайди.

Меҳри. Қанақа тузоқ, нималар деяпсан, болам?

Комил. Муттаҳамларнинг тузоги, ёмон тузоқ!..

Меҳри. Энди нима қиласиз, болам? Энди нима бўлади?

Комил. Нима бўлишини ўзим ҳам билмай қолдим..

Меҳри. Нималар қилиб қўйдинг? Қариган чоғимда бошимга яна қанақа савдо тушди, болам? (*Комилни қучоқлайди.*)

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Шинамгина безатилган меҳмонхона. Меҳмонхонанинг бир эшиги ҳовлига қарайди, биттаси кўчага. Иккита эшикнинг бироридан боқса чиқиш мумкин, бироридан ҳовлига.

Парда очилганда Юсуп ака стулда хаёлга чўмиб ўтирибди. Ҳури жаҳл билан кийимларини йигиштироқда.

Ҳури. Яна уялмасдан эркакман, деб мўйлов қўйиб юрибсиз. Туғишган укангизга сўзингиз ўтмаса, дўппи кийишни ким қўйди сизга? Ундан кўра рўмол ўранг!

Юсуп. Бўлди-да, энди! Миямни қоқиб қўлимга бердинг-ку!

Ҳури. Кошки сизда мия қолса-ю, мен қоқсан! Ҳаммасини арзандангиз қоқиб бўлди-ку!

Юсуп. Бугун мен бу ердан кетаманми, йўқми?

Ҳури. Олдин мен кетаман, кейин сиз?

Юсуп. Ҳуриниса!..

Ҳури. Кетаман дедимми — кетаман. Бу савил уйда ё укангиз туради, ё мен!

Юсуп. Бургага кек қилиб, кўрпага ўт қўясанми?

Хури. У бурга әмас, ёқамизта ёпишган бир бало-ю!

Юсуп. Нима бўлса ҳам менинг жигарбандим, укам!

Хури. Ҳалиям мен кетиб жигарбандингиз қоляпти-ку, яна нима дейсиз менга?

Юсуп. Ўн беш йил бир ёстиққа бошқўйиб, энди бошимга мушкул тушгаңда бунақа қиласанми? Эгилган бошга қилич кўтрасанми?

Хури. Қўйинг, айланай хўжайин! Гапирманг! Усиз ҳам ёниб битган юрагимни бадтар ўртаманг! Шу топда ўзим хит бўлиб турибман. Деганим деган, ўша қузғун кетмагунча уйингизни елкамнинг чуқури кўради! (Эшикда Мехри холага тўқнашади.)

Меҳри. Бурунгилар „қайтиб келадиган эшикни қаттиқ ёпма“ деганлар, болам.

Хури. Қўйинг, ойи, ақалли сиз пушти-паноҳ бўлармикансиз, десам, ўшанга қўшилиб оёқ чаласиз! Сиздан ҳам бўлдим! (Чиқади.)

Меҳри (орқасидан). Нима ҳам дейман? Илоҳим худо сенга ҳам ғарзанд бериб, бу кўргиликлар сенинг ҳам бошингга тушсин, болам. Бошқа сўзим йўқ! (Пауза.)

Юсуп. Мана, хотиндан ҳам айрилдик!

Меҳри. Нима қилай, бу ҳам бўлса пешонангга битган бир кўргилик, болам. „Яхши хотин эрни эр қилади, ёмон хотин ер!“ деб бекор айтмаптилар!

Юсуп. Сизга ўша эркатойингиздан бошқа ҳамма ёмон, ҳамма!

Меҳри. Корани қора дейман-да, болам!

Юсуп. Ҳамма қора, ёлғиз ўша оқ! Қуллуқ!

Меҳри. Үнга ҳам осон әмас...

Юсуп. Осон бўлмаса суқма қошиқ бўлмасдан, ўз кавишини тўғрилаб юрсин!

Меҳри. Бунақа тажанглик қилавермасдан ақл билан иш қил, болам.

Юсуп (*тўсатдан ўрнидан туриб*). Энди нима қилишимни ўзим биламан!

Меҳри. Болам!

Юсуп. Ўзим биламан.

Раъно киради.

Раъно. Қаёққа кетяпсиз, акажон? Биз нима қиласми? Айтинг, биз нима қиласми?

Юсуп. Қўрқма, оппоғим, ўзим озор чексам чекаманки, аммо сен озор чекмайсан!

Комил билан Диљбар кирадилар.

Юсуп. Пашибадан фил ясади-я, фил! (*Чиқади.*)

Комил. Тағин нима гап? Сиз нега йиғладингиз, ая?

Раъно. Аямнинг нега йиғлашларини билмайсизми?

Комил. Раъно, синглим...

Раъно. Қўйинг! (*Тескари бурилиб секин йиглайди.*)

Комил. Мен ҳамма тушунмаса ҳам сен тушунарсан, деб ўйлагандим. Ёшсан, комсомолсан.

Раъно. Комсомолга жигар керак эмас экан-да?

Комил. Агар мен ҳам шу жигарни ўйлаганимда бу ишни қилмас эдим, сенинг бу аччиқ таъналарингни эшиитмас эдим, синглим!

Меҳри. Жигарни ўйласанг қўлингни қўлтиққа уриб ўтираверасанми, болам?

Комил. Бўлмаса нима қиласай? Ё акам айтгандек, „Ёлиғлиқ қозон ёлиғлиқ“ қолса яхши бўладими? Ўзингиз бир ўйлаб қаранг-чи?

Меҳри. Наҳотки ўйламасам, наҳотни тушунмасам, болам? Шунчаки оқ сут бериб кўкартирган боланг бўлгандан кейин... (*Кўзига ёш олади.*)

Дилбар (*йиги аралаш*). Шундай бўлишини билган эдим, ҳаммасини билган эдим!..

Ховлидан йиги эшитилади, уйга йиғлаб **Ойша** киради.

Ойша (*йиғлашда давом этиб*). Болам, жон болам! Онажонингни кимларга ташлаб, қаёқларга кетасан, жон қўзим; Холам келди, деб қувона-қувона чопганингда ҳамма кўргиликни ўз холаваччамдан кўраман деб ўйлаганимидинг, жон болагинам! Акажонлаб атрофида парвона бўлиб учганингда қанотимни ўз жигарбандим қирқади, деб ўйлаганимидинг, болам?

Меҳри. Опа!

Ойша. Бу кунларни кўргунча кўзим оқиб кўр бўлганим яхши эди, **Меҳриниса**, ёлғизимдан айрилгунча қора гўрга кўмила қолсам яхши эди, жон синглим, оқ кафандага ўрала қолсам яхши эди, **Меҳриниса**, оқ кафандага...

Меҳри. Опажон!

Комил. Холажон!

Ойша. Холажон деган тилингдан холанг ўргилсин, Комилжон, мақсадингни айт холангга: Эркинжонни қаматиб, шалғам экиб ўрнига, бойимоқчимисан, Комилжон, мақсадинг нима, жон болам?

Комил. Холажон дейман?

Ойша. Қўй, қўй, қўлимга тегмасдан нари тур! Аврашларингга кўнмайман! Аврагунча—ур, ўлдир! Олдин холангни ўлдириб қора ерга кўм, кейин Эркинжонни қаматасан! (*Комилнинг оёғига тиз чўкади.*) Укангга раҳм-шафқат қилмасанг, холангга ҳам раҳм-шафқат қилмай қўя қол!

Дилбар (секин). Комилжон ака!

Мехри. Опажон!

Комил. Жон хола!

Ойша. Қўй-қўй-қўй! Аврама мени! Аврагунча ўлдиринглар! Ничоқлаб қора ерга кўминглар! (*Лўсатдан Раънога.*) Мўм тишлагандек безраймасдан сен ҳам бир нарса десанг-чи, бу бағри тошга? Ё Эркинжонга қўшилмасдан туриб бошқасини топдингми, юзиз?

Раъно индамайди, у кўзларини катта очганича ҳайкалдек қотиб қолган.

Ойша. Бой ўғлиникидек чақчайган қўзинг курсин сени, қўзинг!

Комил. Холажон! Жон хола, туринг!

Ойша. Тегма дейман менга! Бугун ўлигимни чиқарасан бу уйдан.

Комил. Йўқ, сиз уринг, мени! Уринг, тепинг! Мен Эркинни яхши бўлсин, муттаҳамларнинг чангалидан қутулиб тўғри йўлга кирсин, дегандим! Буни нотўғри десангиз—уринг! Сиз уринг мени!

Ойша. Ё раббим! Ҳар бандайи мўминга ўзинг инсоф бер! Ёлғизимдан жудо қилиб юрагимга ништар урса-ю, тағин савоб қилдим, деб қасам ичса нима дейман, худойим? Бунга нима дейман? Илоҳим Эркинжонга қаз-

ган чуқурға ўзинг қула, жувонмарг, бошқа сўзим йўқ!

Меҳри. Опа!

Ойша. Ёлғиз ўзингга солдим, тангрим!

Комил. Хўп, холажон, нима десангиз ҳам қуллуқ! Гуноҳкорман!

Ойша. Худо ҳақ! Эркинжонга қазган чуқурға ўзинг қулайсан, ҳароми, ўзинг!

Меҳри. Бўлди, опа, бўлди!

Ойша. Қўй-қўй-қўй! Сен гапирма! Илоҳим арвоҳ урсин сендақа сингилни! Илоҳим менинг бошимга тушган бу кулфатлар сенинг ҳам бошингга тушсин, омин! (*Чиқади. Ҳовлидан унинг йиглаган овози эшитилади.*) Болам, оғзинг ошга етмасдан, бошинг тошга тегдими, болам!

Раъно. Холажон! (*Интилади.*)

Меҳри. Тўхта! Тўхта дейман, қизим... (*Ёнига бориб бошини силайди.*) Сабр қил...

Дилбар. О-о... Бу қанақа кунга қолдик?.. (*Йиглайди.*)

Комил кескин буғилиб қағайди. У бир нарса демоқчи бўлади, лекин онанинг гапи уни тўхтатади.

Меҳри. Сиз ҳам сабр қилинг, қизим. (*Раънога.*) Келин ойингга сув бер!.. (*Пауза.* Комилга.) Бу қандоқ кун бўлди, ўғлим!

Комил -(кескин). Қандоқ бўлганини кўриб турибсиз-ку! Яна нима дейсиз?

Меҳри (*сукутдан кейин*). Булар зарла қилса-ку, арзиди, сен нимага зарда қиласан? Сен кимдан ўпкалайсан, болам. (*Пауза.*) Мен холангни тўғри қилди демайман, бироқ унга ҳам осон эмас — ёлғиз фарзанди!..

Комил. Хўп ая, хўп, мен гуноҳкорман,
ёлғиз мен гуноҳкорман.

Комилнинг гапини қўшиқ айтган маст овозлар бўлиб юборади. Ҳовлига Эркин, Акрам ва чилдирма чертган яна бир йигит кириб келадилар. Акрам билан Эркин ашула айтадилар.

Дўйстлар, ҳеч ким менингдек,
Ўз ёридан айрилмасин!

Меҳри. Буларга нима бўлди?

Комил (*Раънога*). Ана, севиклинг келди, башарасига бир қараб қўй!

Раъно. Аяжон!

Комил. Шундай... Аҳмоқни севиш!..

Раъно. Аяжон!.. (*Комилга*.) Сиз... сиз бемеҳр... бағритош бир одам экансиз!.. (*Йиғлаганича чиқиб кетади*.)

Дилбар. Комилжон ака!

Меҳри. Булар бир балони ўйлаганга ўхшайди, боққа чиқа қолинглар!..

Комил. Шошманг, ая, шошманг.

Меҳри (*Дилбарга*). Ақалламаси сиз чиқиб кетинг...

Дилбар ўрнидан тургунча бўлмасдан эшикда Эркин, Акрам ва чилдирмачи йигит пайдо бўлади.
Ашула тўхтайди.

Акрам (*чилдирмачига*). Қўйиб тур, қулоқни единг! (*Комилга*.) Ҳурматли ўртоқ фан кандидатига алангали саломлар! Агар биз, чаласавод қоронғу одамлар, ҳурматли олиммизнинг тарихий-оламшумул аҳамиятга эга бўлган буюк илмий ишларига халақит берган бўлсак кечирсинлар!..

Эркин. Бунақа даблабали гапларингни йиғишириб қўй, ошна! Мен фан кандидати-

нинг уйига эмас, ўзимнинг холажонимнинг уйига келдим. Тўғрими, холажон? Ё сиз ҳам танимай қолдингизми Эркинжонни? Энди бир марта эркалик қилсак қилибмиз-да-а, холажон!? (Акрамга.) Қани, обизамзамнинг сувини бу ёққа чўэ, ошна! (Чилдирмачига.) Ноғорангни ур, дўстим!

Акрам. Дўстлар, ҳеч ким менингдек, ўз ёридан айрилмасин!..

Эркин. Жон кеннойи, ашула десангиз ашула, ўйна десангиз ўйнаб бераман!

Меҳри. Шуни ичмай қўя қол, Эркинжон!

Чилдирмачи. Бугун сўнг марта ичяпмиз, холажон.

Акрам. Бу бевафо дунёда шундан бошқа нима бор, жон хола?

Комил. Аравасига минибсиз — ашуласини ҳам айтинг-да! Йигит деган мард бўлади, мард бўлинг, ука!

Акрам. Хўп, акажон, биз номард одаммиз, хўп. Аммо шу номард билан ҳам бир коса шароб ичинг! Лоақал бир коса! Биз ҳам қойил бўлайлик!

Эркин. Энди шунаقا бўлдикми? Битта лиёлага ўтмай қолдикми?

Меҳри. Эркинжон...

Эркин. Ҳа, нимага юзингизни бурасиз, келинайижон? И-и!.. Кўзларида ёш? Лаблардан табассум учган? Сизга нима бўлди! А... тушундим, тушундим... Севикли шаҳрингиизни соғинибсиз - да. Аъойиб парклар, машхур театрлар ва ҳоказо ва ҳоказо...

Акрам. Бу кунларга ҳам шукур қила-веринг опажон, ҳали кетмон урасиз, кетмон!..

Чилдирмачи. Бормисан, дүстим! Колхозчиларга намуна күрсатиш керак дейсан-да, бұлмаса колхозни гуллатиб буладими дейсанда. Акрамжон? Ҳа, опажон, энди кетмонни олдин сиз урасыз, кейин сизга қараб биз урамиз! Аҳмоқни топиб бўпсиз?

Комил. Шунақами?

Чилдирмачи. Бўлмасамчи, акажон?

Комил. Жуда соз! Сиз урган кетмонни мен ҳам урганман! Керак бўлса яна уришга ярайман. Лекин сиз шуни билиб қўйингки, мен кетмон урадиган бўлсам, сизга ўхшаган текинхўрлар ноғора қоқиб, ялла қилиб, юрмайди! Буни тушундингизми? Беш йил ичган шаробпаробингиз, сурган кайфу сафоларингиз бир ойда тер бўлиб чиқиб кетади! Буни тушундингизми. Агар тушинган бўлсангиз...

Эркин. Туёғингни шиқиллат демоқчисизда? Ҳа-ҳа-ҳа... Яшанг, акажон, аммо бопладингиз: бунақа харомтамоқларни қорнига тепиш керак, қорнига!...

Акрам. Ҳой, ҳой, жанжални қўйинглар, жон акалар!... Хурсандчилик бузулмасин! Жон ака, лоақал бир пиёла ичинг шу шаробдан. Биз ҳам инсонмиз, бизнинг ҳам дардимиз бор юрагимизда!

Комил. Дардингиз бўлса бир ухлаб, кайфингизни тарқатиб келинг, ука!

Эркин. Яшанг, акажон! (*Акрамга.*) Боя айтмабмидим, сенга: Менинг акам бир пиёла шаробга сотиладиган йигитлардан эмас, демаганимидим, ошна! Қойилман сизга! Мен сизни шунинг учун севаман-да, акажон!

Акрам. Жон ака, ўртоқ фан кандидати! Бола чақам бор, увол бўлади!...

Эркин. Э-э... пасткаш экансан-ку, ўзинг!
Корнинг оғриса нафсингни тий эди!.. Бўлди,
бўлди, туёғингни шиқиллат! Сен ҳам ноғо-
рангни үриб қол, ошна, эрта-индин бундан
ҳам айрилиб қоласан! Туёғингни шиқиллат!

Акрам. Раҳм қилинг, акажон, бола чақам
йиғлаб қолади!..

Эркин (*уни итариб*). Аммо бопладингиз,
ака, яшанг!

Акрам билан чилдирмачи чиқади. Эркин
эшикда тұхтайди.

Холажон, кечириңг!
Меҳри. Эркинжон'...

Эркин. Йўқ, мени ўпмай қўя қолинг! Мен
аҳмоқман. Ака, сиз ҳам кечириңг. Сиз ҳақсиз.
Сиз минг марта ҳақсиз, биламан. Лекин Раъно...
(*Ташқаридан овоз*.) Эркин!..

Эркин. Хўп, мен кетдим. Сиз мени улар
билан шерик деб ўйламанг. Йўқ, мени ла-
қиллатишиди. Мен уларнинг башарасига тупу-
раман. Башарасига! (*Кетади.*)

Меҳри. Эркинжон, холанг айлансин...

Ҳовлида Эркиннинг овози әшитилади: сендақа текин-
хўрларга бу ҳам оз! Қойил қилди!

Дилбар. Бу нима деган кун бўлди, Ко-
милжон ака! Қачон қутуламиз бундан, қачон!
Комил. Дилбар!

Дилбар. Айтсан кўнглингиз қолса, айтма-
сан раҳм-шафқат қилмасангиз...

Комил. Дилбар, ахир қачонгача биз, бу
менинг ишим әмас, деган баҳона билан ҳамма
камчиликлардан кўз юмамиз? Қачонгача ҳар

бутага ўт түшса ўзи куйиб, ўзи ёнар де сояга яширинамиэ?

Дилбар. Нега энди ҳамма учун сиз ғамхұрлық қиласар әкансиз. Нега? Ким бўлибсиз сиз?

Комил. Мен одамман! Одам!

Мөхри. Хой, айтишмасдан ақл билан иш қилинглар, болам!

Комил. Ҳайронман. Сиздан шу гапнинг чиқишига ҳайронман. Мен ўз сўзларимда, ўз асарларимда муҳаббат ва адолат ҳақида гап сотиб, турмушда унинг тескарисини қилишни хоҳламасам ёмонми? Эсингиздами, бундан уч-тўрт йил олдин институтда комсорг бўлган вақтларингизда сиз ҳам ҳаммани қишлоққа бориб ишлашга чақирган эдингиз?

Колхозни кўтариб, халққа, Ватанга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ваъзларингиз эсингиздами, ё унутиб қўйдингизми? Ёки бунинг ҳаммаси кўракдан чиқмаган сохта гаплар эдими?

Дилбар. Ойижон!

Мөхри. Сенга нима бўлди, болам?

Комил. Ҳайронман. Гапга тушунадиган, онгли, яхши одамлар тўсатдан гапга тушунмай олса!.. Ҳайронман. (Чиқади.)

Дилбар. Мен нима гуноҳ қилдимки, бундай дейди, ойижон?

Мөхри. Унинг ҳам жонига жавир бўляпти, кўриб турибсиз-ку, болам?

Дилбар. Наҳотки кўрмасам? Уни деб стонамдан кечсам, юрагимнинг тагида, унинг боласини сақласам-у, наҳотки изтироб чекишини кўрмасам?.. Мен фақат қўрқяпман. Кўнглимга худди бир баҳтсизлик бўладигандек туюляпти, ойижон, қўрқяпман...

Меҳри. Худо сақласин. Унақа хаёлларга боравермасдан хиёл ётиб дам олинг. Бугун жуда чарчаганга ўхшайсиз.

Дилбар. Комилjon акам хафа бўлдилар шекилли, мен олдига борай...

Меҳри. Хафа бўлса ўзидан кўрсин! Юзингизда юз қолмади – хиёл мизғиб олинг, болам. Ҳозир аччиқ чой қилиб бераман...

Дилбар кроватга ўтиради, кўча томондан шошиб
Муяссар киради.

Муяссар. Комилjon акам бормилар?
Комилjon акам қанилар?

Меҳри. Ҳа, тинчликми ўзи, болам?

Муяссар. Идоранинг олдида... Юсупжон акам кенномйим билан уришяптилар!

Дилбар. Вой-эй, юракларим ўйнаб кетди-я?

Меҳри. Тағии нима бало бўлдийкин, деб қўрқиб кетдим-а! (*Деразадан*) Комилjon, ҳо Комилjon!

Муяссар (*уялиб*). Кайфи борга ўхшайди, одамлар тўпланишяпти.

Комил киради.

Комил. Муяссар! (*Хуришади.*) Бир гап борми?

Меҳри. Аканг... идоранинг олдида Ҳуриниса билан уришаётган эмиш!..

Комил. Билган эдим! Шундоқ бўлишини билган эдим! (*Эшикка томон юради.*)

Меҳри. Шошма, болам, қош қўяман, деб кўз чиқарасан. Ўзим бора қолай!

Шу вақт Юсупнинг овози ҳовлидан эшитилади.

Ўзлари ҳам келишяпти шекилли. (*Комилга.*) Сен чиқиб тур.

Комил. Шошманг, ая. Тағин бир гаплашай.
Бу қандай шармандалик!

Мәхри. Бор деялман сенга! Ўзим гаплашаман! (Дилбарга.) Сиз ҳам боққа чиқиб туриңг, болам!

Комил. Деразани ёпинг, ақалли одамлар күрмасин!

Комил билан Дилбар чиқадилар. Муяссар деразани ёпади. Кейинчалик Дилбарнинг қўрқувдан оқарган юзи бир неча марта тоҳ зишкдан, тоҳ деразадан кўринади. Уйга Юсуп билан Хури киради.

Юсуп. Сен ҳали мени идоранинг олдида шарманда қилмоқчимисан!

Хури. Ҳолвани ҳоким есин, калтакни етим! Исонинг аламини Мусодан оласизми?

Юсуп. Кўп вайсамасдан уйга кир! (Ичкари уйга итаради.) Кимнинг аламини кимдан олишимни ўзим биламан! Ўзим! (Мехрига.) Қани у, қилдан қийиқ ахтарган бузғунчи? У арзандангиз билан бир гапиришиб қўяй!

Мәхри. Юсупжон, болам!

Юсуп. У қиличдан қилич бўлиб туғилган эмиш-у, биз ошпичноқ бўлиб! Ошпичноқ билан қиличининг жанг қилишини ҳам бир кўриб қўйинглар!

Мәхри. Болам! Мени аям десанг...

Юсуп. Сиз ҳам мени болам десангиз, шу бугун менинг ишимга бош суқманг, ая! Қани у, олтин сопли қиличингиз? Ё ошпичноқдан қўрқиб қочиб юрибдими? (Эшикда, пайдо бўлган Комилни кўриб.)

Ассалому алайкум!

Комил. Салом.

Юсуп. Хўш, гапимни эшитдингми?

Комил. Қўйинг, ака, энди қўйинг шу жанжални!

Юсуп. У жанжаллар хамир учидан патир эди, жанжалнинг каттасини энди кўрасан! Ҳа!

Комил. Ҳўп, сиз ҳақ, мен ноҳақ эканман! Сиз эмас, мен янглишибман. Энди бўлдими? Яна нима даъвонгиз бор? Агар бу уйни бўшатиб қўй десангиз, марҳамат, бўшатиб қўяй!

Меҳри. Комилжон!

Юсуп. Оёгимдан чалиб туриб, яна яхшилик қилдим, деб кўкрагига уришини қаранг буни! Ҳимматингга балли! Кетсанг тўрт томонинг қиблал!

Муяссар. Вой! (*Секин қичқириб юборади.*)

Комил. Дилбар қани? Дилбарни чақиринг, ая?

Дилбар киради, қўрқа-писа китобларни йиғиширади.

Меҳри. Отангдан қолган бօғ-роғни ташлаб қаёққа борасан, болам? Бу жанжални мен ўлганда қилсаларинг бўлмасмиди? (*Йиглайди.*)

Умар жон киради, лекин унга ҳеч ким эътибор бермайди.

Комил. Йиғламанг, ая, катта қишлоқ — бошпанасиз қолмасми!

Муяссар. Бошпана топилмайди дейсизми, холажон? Борсалар бош устига, фақат... Юсупжон акамнинг бундай қилиши...

Юсуп. И! Сен қайси туйнукдан тушдинг?

Хурри. Сен суқилмасанг иш битмайди! Худо кўтарсин, сендақа атвакатни! Кўча-кўйда оғиз-бурун ўпишиб юрганинг оз эди, энди уйингга олиб бор!

Муяссар. Сизда ўзи уят, андиша дегандан зифирдак борми?

Хури. Уятни нима қиласан! Ҳаммасини
йигиштириб сенга бердим!

Юсуп. Бор, бор, сен аралашма! (*Ичкари
үйга олиб кириб кетади.*)

Умаржон (*Муяссарга*). Сизга бу уйга
иккинчи қадам қўйманг демаганмидим? Тағин
нимага келдингиз!

Муяссар. Энди менинг босган изимни
ўлчаш қолди!

Умаржон. Ўлчамас эдим, ўзингиз маж-
бур қиляпсиз-ку!

Хури (*эшикдан*). Вой товба! Сизда ҳам
жон бор экан-у, Умаржон!

Умаржон. Бу гап-сўзлар оздек, яна уйга
чақирасиз! Одамлар нима дейди?

Комил. Гап-сўздан қўрқмай қўя қол, мен
кўчада қолсан қоламанки, лекин сенинг
уйингга бормайман!

Муяссар. Энди нима деган одам бўлди-
нгиз? Улар-ку, ҳозир гапга тушунмайдиган бир
аҳволда! Сизга нима бўлди? Нега ҳамма ту-
шунгандা, ҳамма Комилжон акамга раҳмат
айтаётгандা, сиз нега тушунмайсиз?

Умаржон. Муяссар!

Муяссар. Комилжон акам ҳақ. Минг мар-
та ҳақ! Шундай пайтда сизнинг бундай хаёл-
ларга боришингиз... уят сизга! (*Чиқади.*)

Умаржон (*Комилга*). Мана, яна бир га-
лаба қозондинг! Қанча қувонсанг ҳам арзий-
ди ҳамма сенга мафтун! Ана сенинг шарофа-
тингдан оиласи бузилган бечоралар ҳам сени
деб ақли-ҳушидан айрилди, чунки сен қаҳра-
монлик кўрсатяпсан! Камчиликларга қарши
ӯт очяпсан, ажойиб планлар тузяпсан! У бе-
чоралар билмайдики, план тузиш ҳар бир

аҳмоқнинг қўлидан келади! Ҳа, план тузишни мен ҳам биламан! Мард бўлсанг енг шимариб майдонга чиқ! План тузишдан олдин ёзда сувсиз чўлларда поданинг орқасида тентираб кўр, қишида совуқ молхоналарда ишлаб кўр, планни кейин тузасан!

Комил. Ўша совуқ молхоналарда ҳар йили қанча кун ишлайсан, мард йигит! Бир йилда бир ой ишлаганингга шунча дағдағами? Сен ўша молхоналарда қишу ёз ишлаётган одамлар тўғрисида ўйладингми? Молхоналар нима учун совуқ эканини ўйладингми?

Умаржон. Мен беш йил ўйладим, энди сен ўйлаб кўр!

Комил. Йўқ, сен беш йил молхонани эмас, ўз қорнингни ўйлагансан! Бўлмаса у молхоналар сен айтгандек совуқ бўлмас эди, ҳурматли зоотехник!

Умаржон. Олдин ишла, кейин гапир!

Комил. Агар мен сендеқ шу ерда ишлаганимда...

Юсуп. Ишла, столимни бугун бўшатиб бераман!

Комил. Агар менинг мақсадим стол эгаллаш деб ўйласангиз, янгишасиз, ака!

Юсуп. Муддаонг нима бўлмаса? Муддаонг нима дейман, сенга? (*Столни уради.*)

Дилбар. Комилжон ака! (*Стулга йиқилади.*)

Комил. Дилбар! (*Ўзини унга отади.*)

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Курбон отанинг боби. Узум ишкомларининг тагига стол
ва стуллар қўйилган.
Парда очилганда Курбон ота шошиб-пишиб узум
узмоқда. Мехри хола киради.

Курбон. Шу ердамисиз, янга? Қани, ишга
ёрдамлашиб юборинг.

Мехри. Тағин узум узасизми?

Курбон. Ҳа. Чевар қизларимга тағин бир
сават олиб бориб берай — ейишсин. Паҳтани
шу азаматлар теряпти! Хўш, келин қалай,
тузукми?

Мехри. Раҳмат, тузук.

Курбон. Тузук бўлсин. Комилжондан ха-
бар йўқми?

Мехри. Йўқ. Ишқилиб охири баҳайр
бўлсин, кўнглим жуда ғаш, уста.

Курбон. Ҳайронман. Теримнинг бошига
мени қўйиб кетишуви, нафас олишга фурсат
йўқ. Ҳай, майли, ҳозир буларни қизларимга
бераман-у, идорага бориб хабар олиб кела-
ман... Сиз кўп ташвиш тортаверманг, янга!
(Чиқади.)

Раъно киради.

Мехри. Бордингми, болам?

Раъно. Бордим. Уйда кенойимдан бошқа
ҳеч ким йўқ... Аяжон: Энди нима бўлади?
Нима қиламиз?

Меҳри. Йиғлама, болам. Сабр қил. Кўз-
ларингни арт, бор, Дилбар опангнинг ёнига
чиқ!

Чиқадилар. Кўчадан Азиз билан Комил киради.

Комил. Тўғри, энди ҳамма нарса теримга
боғлиқ бўлиб қолди. План бажарилиб бир
ёрдам бўлмаса бу қурилишлар масаласи шо-
шириб қўядиганга ўхшайди?

Азиз. Райком ёрдамлашмоқчи бўлди.

Комил. Райком материалдан ёрдам берар,
лекин маблағни қаёқдан оласиз? Буни қаттиқ
ўйлаш керак. Энди ҳамма ички резервларни
ишга солиб, уларни тезроқ битказиш керак!

Азиз. Бугун шу тўғрида бир гаплашиб
олсак девдим.

Комил. Майли.

Азиз. Кечқурун келамиз... Энди ҳалиги
гап нима бўлди, Комилжон aka?

Комил. Қайси гапни айтасиз?

Азиз. Райком секретарининг илтимосини
айтяпман. Сиз ўз ишингизни ўйлаётгандирсиз,
албатта, лекин менингча, бир йил шу ерда
қолиб бизга ёрдам берсангиз диссертациянгиз
учун ҳам фойдали бўлармиди дейман-да!

Комил. Хўп, буни ўйлаб кўрамиз. Олдин
аям билан бояги масалаларни бир гаплашиб
олай.

Азиз. Кампирга қийин бўлади. Лекин бу
ишни пайсалга солиб қўйганимизда кейинчалик
Юсупжон акамга бундан ҳам қийин бў-
ларди.

Комил. Сиз билан биз бунга тушунамиз. Лекин бу гапни аямга тушунтиришни айтмайсизми, Азиз!

Азиз. Менга бу қаттиқ хайфсан ҳам оз. Агар мен бу гапларни олдинроқ қўзғаганимда эди!..

Комил. Майли, Азизжон, энди бу гапларнинг фойдаси йўқ. Хато қилмайдиган одам бўлмайди. Энди бундан кейин уз ишингизга эҳтиёт бўлинг.

Азиз. Раҳмат Сизга. Мен кетдим, кечқурун эртароқ келарман.

Комил. Боя Умаржонга келинг демабсиэз, унга ҳам айтинг келсин, кенгроқ гаплашайлик.

Азиз. Хўп. (*Чиқади.*)

Меҳри хола киради.

Меҳри. Қачон келдинг, болам? Айтмайсан ҳам.

Комил. Ҳозир келиб турибман. Дилбар қалай?

Меҳри. Тузук, лича мизғиб олай деб ҳозир ётди... Ўз ишларинг нима бўлди? Нимага чақиришган экан?

Комил. Райком секретари бир гаплашмоқчи бўлиб чақирипти.

Меҳри. Акангни ишлари нима бўлди? Унга нима дейишди?

Комил. Акамга... Ҳали бир нарса дейишмади.

Меҳри. Қайдам. Бу ишнинг чўзилиб кетишидан қўрқаман, болам.

Комил. Сабр қилинг, ая... Сизга жуда қийин бўляпти, кўриб турибман. Лекин ҳозир

бу иш қанчалик қийин бўлмасин, кейинчалик бундан ҳам мушкул бўларди, ая. Ёлғиз акамга эмас, ҳаммага қийин бўларди. Ўзингиздан қолар гап йўқ — ҳаммасига тушунасиз. Гап фақат акамнинг тақдири устида эмас, гап кўпчиликнинг турмуши, манфаати, баҳт-саодати устида кетаётир, сиз тушунадиган кишисиз, Сабр қилинг, ая!

Меҳри. Нечук бунақа насиҳаттўй бўлиб қолдинг? Дилингда бир гап борга ўхшайди, бор бўлса дангал айтиб қўя қол, болам!

Комил. Сиздан яшираётган бир гап йўқ. Мен фақат маҳкам бўлинг деяпман, ая. Сиз бир вақтлар бундан ҳам оғир қийинчиликларни бошингиздан кечиргансиз. Бу иш биз учун яна бир синон бўлди. Маҳкам бўлинг, ая!..

Меҳри. Майли, болам, бошга тушганни кўз кўрар дейдилар. Мени қўйиб ўзингни ҳам бир ўйлаб қўй. Бу ташвишлардан адойи тамом бўлдинг ку, болам? Бугун чой-пой ичдингми сира?

Комил. Чой бўлса ичардим. Жуда чанқадим.

Меҳри. Ҳозир самоварга олов ташлайман. (Чиқади.)

Раъно киради.

Раъно (Секин). Акажон!

Комил. А? Раъно? Кел, синглим... (Бошини силайди.) У куни тушунмасдан озор берибман, кечир, оппоғим.

Раъно. Акам қанилар? Иши нима бўлди?

Комил. Сен ташвиш тортма, синглим. Ҳаммаси ҳал бўлди, ҳаммаси.

Раъно. Акажон! (Қучоқлаб йиғлади.) Нега бундай қилдингиз? Нега?

Комил. Сен ақилли қизсан, тушунишинг керак. Бошқа илож бўлмаганига тушунишинг керак, синглим...

Раъно. Нега? Нега биз баҳтсиз бўламиз?

Комил. Ахир ёлғиз биз эмас, ҳамманиям баҳтли бўлгуси келади, синглим... Эркинжон эса буни унутган. Мен уни ёмон демайман. Кечаги гапларим учун мени кечир. У яхши йигит. Сен уни севсанг арзиди. Лекин у хато қилган, оппоғим, у янглишган...

Раъно. Майли, сиз биласиз, акажон, сизга ишонаман-у, менга оғир, жуға оғир...

Комил (*кўзида ёш*). Биламан синглим, биламан...

Раъно. Мен уни... усиз мен бу ерда нима қиласман? Айтинг, нима қиласман?

Комил. Пўлат оловда синалса, севги хижронда синалади, синглим. Сен ҳали ёшсан, ўқийсан... Сен унга хатлар ёзасан, унинг чин дўсти, вафодор ёри бўласан. У эса турмушга тушуниб, фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам ўйлайдиган бўлиб, турмушда ҳар бир одам баҳтли бўлишга ҳаққи бор эканини тушуниб келади... Ахир сен унга ишонасан-ку!

Раъно. Ишонмасам... бундай қиласмишим?

Комил. Мен ҳам у билан бир гаплашсам дегандим. У тентак холамни ўйлайдими? Унинг кўз ёшларидан хабари борми? Ё ҳалиям ялла қилиб юритими? Шулар тўғрисида бир гаплашсам дегандим.

Раъно. Келармикан?

Комил. Агар илтимос қилсак-чи? Илтимос қилсак ҳам келмасмикин.

Раъно. Йўқ, йўқ, буни билмадим. Ҳозир айтиб кўраман, ҳозир. (*Чиқади.*)

М у я с с а р киради.

Комил. Келинг, Муяссар. Кўринмайсиз?

Муяссар. Теримдан қўл тегмай қолди.
Бугун қўшни пайкалга келувдим, Дилбархон-
ни бир куриб кетай, деб келдим. Уйдами?

Комил. Ҳа. Шошманг. (*Пауза.*) Сизга бир
гапим бор. Лекин, шахсий ишимга аралашди,
деб хафа бўлмасангиз айтаман... Хафа бўл-
майсизми?

Муяссар. Ҳанақа гап?

Комил. Сиз... Умаржон билан аразлашиб,
уйдан кетган эмишсиз... Нега?

Муяссар. Буни сизга ким айтди?

Комил. Умаржон.

Муяссар. Умаржон?

Комил. Ҳа.

Муяссар. Умаржон айтган бўлса, сабаб-
ларини ҳам айтиб бергандир, ахир?

Комил. Айтиб берди. Ҳатто ўзини қоралаб,
сизни оқлади ҳам.

Муяссар. Ишонмайман.

Комил. Менинг сўзимгами?

Муяссар. Йўқ, у кишининг ўзини қоралаб
мени оқлаганига.

Комил. Тасаввур қилингки — оқлади. Бу-
нинг ўз сабаблари бор экан. Бу ерда ҳатто
сиз билмаган битта сир бор экан, Муяссар.

Муяссар. Ҳанақа сир бор?

Комил. Жуда оддий сир. Умаржон ҳам
уша муттаҳамларнинг тузогига илинишига оз
қолган экан. Унинг менга, бу ишларга ара-
лашма, деб юришининг асл сабаблари ҳам
бу ёқда экан... Бунинг ҳаммаси кеча маълум
бўлди.

Мұяссар. Кейин нима бўлди? Унга нима дейишиди?

Комил. Хайфсан олди. Лекин гап унда әмас, гап сизнинг...

Мұяссар. Наҳотки мен ўз оиласминг бузулишини хоҳласам! Раҳмат сизга... Бошқа гапингиз йўқми?

Комил. Йўқ.

Мұяссар. Юринг бўлмаса. Дилбархонни кўрайлик!

Чиқадилар. Эркин билан Раъно кирадилар.

Раъно. Акам... кетиб қолибдилар.

Эркин. Ие? Чақиргани ростми ўзи?

Раъно. Рост. Ўлай агар ёлғон бўлса. Бир гаплашсам дегандилар. Уйга киргандир, ҳозир келиб қоладилар.

Эркин. Самимий ташаккур. Биз энди терговга борамиз. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Раъно. Эркинжон ака!

Эркин (*ярим ўғирилиб*). Лаббай?

Раъно. Нега бунақа қиласиз? Сиз... Сиз ҳам акамдан хафа экансиз-да!

Эркин. Йўқ, жуда хурсандман.

Раъно. Йўқ-йуқ унақа деманг! Ундан гина қилишга ҳаққингиз йўқ. У шундай... Яхши!

Эркин. Ҳа, у яхши, мен ёмонман, мен аҳмоқман.

Раъно. Ҳеч ким сизни аҳмоқ деятгани йўқ!

Эркин. Мен аҳмоқман!

Раъно. Қўйинг, мен сизни аҳмоқ десам... бунақа қилмас эдим!

Эркин. Йўқ, рости билан ҳам аҳмоқман! Аҳмоқ бўлмасам шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим?

Буни биламан. Буни биламан-у, лекин сендан айрилиш!.. Эҳ!..

Раъно (узоқларга тикилиб, қатъий).
Мен... Сизни кутаман!

Эркин. Раъно!

Раъно. Кутаман! Фақат... Сизга битта илтимосим бор.

Эркин. Раъно!

Раъно. Фақат битта илтимосим бор: акамни бунақа деманг. У шундай... Софдил, меҳрибон, одил! Унинг кўнгли оқ. У чин инсон!..

Эркин. Наҳотки шуни билмасам, ёлғиз...

Раъно. Бўлди! Ҳеч нарса деманг! Сизни кутаман дедим-ку! Бўлди!

Эркин. Раъно!

Раъно. Кутаман. Фақат энди сиз ҳам акамдай софдил бўлишни ўйланг, акамдай чин инсон бўлишга ҳаракат қилинг!

Эркин. Раъно!

Раъно. Бўлди. Боринг. Акамдай бўлишга ҳаракат қилинг! Мен кутаман...

Эркин тисланиб боққа кириб кетади.

Акамдай бўлишга ҳаракат қилинг! (*Ўғирилиб қарайди. Эркиннинг кетиб қолганини кўриб, секин юриб чиқади.*)

Дилбар билан Комил киратилар.

Дилбар. Майли, ўтган ишга саловот. Акамларни иши нима бўлди? Аввал шуни айтинг.

Комил. Акам... Ишдан олинди. Қолган ишлари терговга топширилди.

Дилбар. Терговга топширилди? Нималар деялсиз, Комилжон ака? Ойим буни эшилдиларми?

Комил. Йўқ. Аямга ҳали айтмадим. Айтишга юрагим дов бермади.

Дилбар. Эшитса нима бўлади? Буни бир ўйладингизми?

Комил. Ўйладим. Бир ойдан бери кечаю кундуз ўйляяпман. Лекин шундай қилмаганимизда кейинчалик акамнинг бошига бундан ҳам оғир мусибат тушарди. Ўйлаб-ўйлаб шу фикрга келдим! (Пауза.) Дилбар, бошда мана шу сабаблар билан бу ишга мен ўзим аралашган эдим. Энди ишни охирига етказмасдан кетиб қолиш жуда ғалати туюляпти. Бугун райком секретари ҳам худди шу фикрни айтди. Бир йил шу ерда қолиб буларга ёрдам беришимизни илтимос қилди...

Дилбар. Сиз нима дедингиз?

Комил. Мен аниқ бир жавоб бермадим, олдин сиз билан бир гаплашиб олмоқчи бўлдим...

Дилбар. Қуллуғ-э!

Комил. Дилбар.

Дилбар. Нега бундай қилдингиз? Қачон мен бунақа нарсаларда Сизга тўсқинлик қилиб юрувдим. Ё у кунги гапларимдан шу фикрга келдингизми? Ахир мен унда қай аҳволда эдим?

Комил. Дилбар...

Дилбар. Наҳотки акам шундай қийинчиликка учраганда сиз аямни ташлаб кетолмаслигингизни тушунмасам? Мен ҳам одамман, ахир!

Комил. Дилбар, азизим, раҳмат сизга!

Азиз, Қурбон ота, Умаржон кирадилар.

Қурбон. Қалай, тузукмисиз, келин?

Дилбар. Раҳмат, ота.

АЗИЗ. Муяссархон шу ердами, Дилбархон?
Хизмат бўлмаса чақириб юборсангиз...

Муяссар киради.

Ишга киришишдан олдин буларни бир яраштириб қўйсак дейман, уста ака.

Ҳамма. Тўғри, тўғри...

Муяссар (уялиб). Биз унақа жудаям ажрашиб кетганимиз йўқки, яраштириб қўйсангиз!

Умарジョン. Майли, ажрашиб кетмаган бўлсак ҳам бир ярашиб қўяйлик. Мен бугун ҳамма билан ярашгим келяпти!

Кулишиб қўл беришадилар.

Курбон. Қани, энди ўтиинглар-чи, бир гаплашайлик. (*Комилга*) Хуш, Юсупнинг иши нима бўлганини янгамга айтдингми, болам?

Комил. Йўқ, ҳали бу тўғрида сўз очганим йўқ. Лекин айтиш керак. Бу унга қаттиқ тегмасин, тезроқ айтиш керак.

Курбон. Жуда қийин иш бўлди-да. Энди... Янгам тушунса, кейинчалик Юсупнинг иши бундан ҳам чатоқ бўларди-я!

Патнус кўтариб Меҳри хола киради. Курбон ота уни кўрмасдан сўзида давом этади.

Терговда масала тағин ҳам ойдинлашади. Юсуп жавобгарликка тортилганда ҳам ишни әвламагани учун жавоб беради-да.

Меҳри холанинг қўлидаги патнуси ерга тушиб кетади.

Курбон. А? Янга? (*Пауза*).

Меҳри (босиқ овозда). Иш бунақа бўлган экан, боя аянгдан яширмасдан тўғрисини айтиб қўя қолсанг бўлмасмиди, болам?

Қурбон. Комилда айб йўқ. Бу ҳам айтай деса тили куйиб, айтмаса дили куйиб, нима қилишини билмай юрувди, янга!

Меҳри, Майли, бунақа бўлса мен энди уйга борай.

Дилбар. Ойижон!

Комил. Ая!

Азиз. Холажон, Комилжон акам ўзининг виждоний ишини қилдилар. Агар Юсупжон акам учун бу кишининг ҳам жони оғримаганда, бу ишни қилмас эдилар. Кўпчиликка хизмат қилган ҳар бир софдил киши шу ишни қиласар эди, холажон!

Меҳри (Комилга қараб босиқ овозда). Мен сендан гина қилаётганим йўқ, болам. Мен ҳам ҳаммасига тушуниб турибман. Тушунмаган бўлсам сенинг тарафингни олиб бу ерга келмас эдим. Бироқ, энди унинг бошига тушган мушкул сеникидан қийинроқ бўлди. Мен энди унинг ёнига борай, болам...

Қурбон. Майли, янгамга йўл беринглар!

Меҳри хола секин юриб чиқиб кетади.

Қурбон. Сиз хафа бўлманг, ўғлим. Она рози худо рози дейдилар. Энди хафачилик ярашмайди, болам. Ўзингиз айтгандек бу нарсаларнинг ҳаммаси иш яхши йўлга тушмаганидан бўлган.

Азиз. Сиз энди бизга озгина ёрдам берасиз. Ишларимизни илмий асосда қайта қуришга ёрдам берасиз!

Комил. Мен яна айтаман: ишни йўлга со-
либ юбориш менга эмас, сизларга боғлиқ. Ле-
кин, менинг бир йил қолишимнинг ишга фой-
даси тегадиган бўлса, марҳамат мен қоламан!

Курбон. Балли, отангга раҳмат, болам!
Отанг Қиличдек чин коммунист бўлибсан,
раҳмат, болам!..

Парда

МУНДАРИЖА

Чин мұдаббат	3
Айтсам тилим күяди, айтмасам дилим	83

На узбекском языке

АДЫЛ ЯКУБОВ

ПЬЕСЫ

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1958

Редактор С. Зуннукова

Рассом Г. Бедирев

Техн. редактор В. Зубовская

Корректор Э. Сидиков

Теришга берилди 17/IX-1957 й. Босишига руҳ-
сат этилди 6/II 1958 й. Формати 70×92^{1/2}.
Босма л. 4,7 . Шартли босма л, 5,56.
Нашр. л. .53 Тиражи 10 000. Р00859.
Индекс н/а. УзССР Давлат Бадний адабиёт
нашириёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома № 146-57.

УзССР Маданият министрилиги Ўзглавиздати-
мийг 1 босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 33.
Заказ № 1.48 Баҳоси 4 с. 80 т.